

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ

«ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИ»  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

*Эркин Юсупов, Уткир Юсупов*


## ОИЛА — МАЪНАВИЯТ БУЛОҒИ

Тарих фанлари доктори, профессор К. Эшчонов  
таҳрири остида

*Республика «Оила» илмий-амалий маркази илмий-услубий  
кенгаши томонидан Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари  
мураббийлари, талабалари учун қўшимча ўқув  
қўлланмаси сифатида тавсия этилган*

Тошкент — 2003 йил

**Тақризчилар:** У.К.Қорабоев — Фалсафа фанлари доктори, профессор.  
Н.Р. Ғайбуллаев — Педагогика фанлари доктори,  
профессор.



У 6009

© «ЎАЖБНТ» Маркази, 2001 й.

Она ва боланинг ҳаёти би  
бирига узвий боғлиқлигини, она  
оиланинг болага таъсири, унинг ай  
нан шу муҳитда ҳам жисмоний, ҳа  
маънавий жиҳатдан озиқ олишини  
ҳеч қачон унутмаслик керак. Чунки,  
бола деганда, биз унинг балоғат  
ёшигача бўлган, яъни ота-онаси  
бағрида, ота-онаси паноҳида яшай-  
диган даврини тушунамиз.

## ИСЛОМ КАРИМОВ

### КИРИШ

Ўзбекистонда маънавий баркамол, жисмоний соғлом авлодни тарбиялашга катта эътибор берилмоқда. Бу борада белгиланган режаларни бажариш Ватанимизни келажакда ривожланган дунёвий демократик давлатлардан бирига айлантиришнинг муҳим шартидир. Буюк давлатнинг пойдеворини соғлом авлодларгина барпо эта олади.

Соғлом авлодни тарбиялашда оиланинг ўрни муҳим ва бетакрордир. Инсон саломатлиги ва маънавий камолотининг биринчи пойдевори оилада қўйилади. Бу борада ўзбек халқининг оилада фарзанд тарбиялашдаги тажрибаси диққатга сазовордир. Бу тажрибада миллий тарбия аънаналари, инсон маънавиятини шакллантириш билан боғлиқ бўлган умуминсоний, диний қадриятлар ҳам ўз ифодасини топган. Мустақиллик шароитида оилада фарзанд тарбиялаш борасидаги аъналаримиз давр руҳи ва эҳтиёжлари билан боғланиб янада каттароқ аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли оилани мустаҳкамлаш, унинг маънавий-ахлоқий тарбия борасидаги аҳамиятини кучайтириш масаласи давлат сиёсатида тобора катта ўрин олмоқда. Ўзбекистон Президенти И.Каримов «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига берган жавобларида бу масала ҳақида қуйидаги фикрларни айтди: «... Оила ва мафкура масалалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Оиланинг жамиятдаги ўрни, тарбиявий-ахлоқий аҳамияти, қадр-қимматини англаб етмасдан, оилага миллат манфаати нуқтаи назаридан ёндошмасдан туриб, халқчил мафкура ярата олмаймиз»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Каримов И. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. «Фидокор» газетаси, 2000 йил, 8 июн.

Президентимизнинг бу сўзларида жуда чуқур маъно бор. Миллий ғоя — миллатнинг тарихий тажрибасини умумлаштириш, жаҳон халқлари эришган ижобий ютуқлар билан бойитиб, келгуси кун муаммоларини чуқур, ижодий таҳлил этиб, истиқлол ва демократик қадриятлар сари бориш йўллариини назарий таҳлил этиш натижасидир. Миллий ғоя тараққиёт муаммоларини назарий умумлаштириб, инсонлар фаолиятига мақсад ва йўналиш берувчи умумий хулосалардир. Миллий ғоя халқнинг онги ва эътиқодига мафкура орқали сингдирилади. Демак, мафкура одамлар онгига таъсир этиб, уларнинг фаолиятини муайян мақсадлар билан боғлашнинг конкрет шароитлар ва имкониятлар орқали тақозоланган воситасидир. Ота-оналар ҳам ўз фарзандларига муайян мақсад ва манфаатлардан келиб чиққан ҳолда тарбия берадилар. Бу тарбия ҳам шахс, миллат, Ватан истиқболи билан боғланганлиги сабабли мафкуравий, маърифий ишлар тизимига киради.

Президентимиз ўз жавобларида халқчил мафкура тушунчасини ҳам жуда ўринли қўллаган. Халқчил мафкура — халқнинг эътиқодига, миллий руҳиятига, манфаатларига мос келадиган, унинг истиқболини чуқур илмий асосда ёритиб бера оладиган ғояларнинг ифодасидир. Миллий ғояни халқчил мафкура асосида тарғиб этиш йўли билан ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш сингари фазилатларни қарор топтириш, уларни мен ўзбек фарзандиман, деб ғурур ва ифтихор билан яшашга ўргатиш мумкин<sup>1</sup>.

Миллий ғоя ва миллий мафкура ёшларнинг онгига сингиб, фаолиятига мақсад ва йўналиш берувчи маънавий омилга айланишида ҳам оилада ота-она берган тарбиянинг ўрни муҳим ва бетақдордир. Ҳар бир ота-она фарзандларини тарбиялашда кўзлаган мақсадлари ҳам ўзига хос кичик мафкура, бошқача қилиб айтсак, жамият мафкурасининг таркибий қисмидир.

Оиланинг инсон тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти масаласи Ислом Каримовнинг биринчи чақириқ Ўзбекистон Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқида ҳам чуқур асослаб берилган. Президентимиз бу масала устида алоҳида тўхтаб қуйидаги

---

<sup>1</sup> Каранг. Каримов И. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонманам. «Фидокор» газетаси, 2000 йил, 8 июн.

фикрларни айтган эди: «Барчангиз яхши биласизки, келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир.

Бу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон ўз фарзандининг бахту саодати, фазлу камолотини кўриш учун бутун ҳаёти давомида курашади, меҳнат қилади, ўзини аямайди.

Бола туғилган кунидан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оилага хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради.

Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, хис қилади<sup>1</sup>».

Президентимиз кўрсатиб ўтганидек, фарзандларига яхши тарбия бериш — ота-онанинг бурчи, уларнинг савобли ишларини орттириб, охиратини обод қилувчи омилдир. Ота-боболаримиз-нинг эзгу нияти барча даврларда ҳам фарзандларига яхши ном қўйиш, яхши муаллим қўлига топшириб саводини чиқариш, илмли, касбли-ҳунарли қилиш, ўғлини уйлаб, қизини куёвга чиқариб уйли-жойли қилиш бўлган. Бу ҳам халқчил мафқуранинг бир белгиси.

Мазкур рисолада оилада фарзанд тарбиялашнинг моҳияти ва аҳамияти, ота-оналарнинг фарзандлари, фарзандларининг ота-она ва жамоатчилик олдидаги бурчи ва масъулияти, ёшларнинг маънавий камолотига жамоатчилик таъсири, мустақил Ўзбекистонда оилани мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар таҳлил этилган. Рисола турли ўқув юртларида «Маънавият ва маърифат асослари» фанидан сабоқ бераётган мураббийлар, талабалар, ота-оналар, оила кураётган йигит ва қизлар учун қўлланма сифатида тайёрланди.

Ушбу рисола бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган дўстларга чексиз миннатдорчилик билдирамыз.

---

<sup>1</sup> Баркамол авлод орзуси Т., «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни, 2000 йил, 8-бет.

## 1. СОҒЛОМ АВЛОД – ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОМИЛИ

Инсоният XXI асрга қадам қўйди. Янги аср жаҳон тарихида маънавият масалаларига устувор аҳамият бериладиган давр бўлади. Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тараққиётини табиий бойликлар, қулай иқлим шароитларигина эмас, балки биринчи навбатда юксак маънавият соҳиби бўлган соғлом инсонлар амалга оширади.

Маънавият инсоннинг асосий моҳиятини ифодаладиган, унинг фаолиятига ижобий мазмун ва йўналиш берадиган ички руҳий омилдир. Жамият ривожланиши, фан ва техника тараққиёти тез суръатлар билан амалга ошаётган ҳозирги даврда юксак маънавиятли кишиларни тарбиялаш бутун инсоният олдида турган энг асосий вазифалардан бири бўлиб қолди.

Инсон маънавиятининг биринчи куртаклари оилада шаклланади. Оила мустақам бўлиши, унинг ахлоқий, ҳуқуқий асослари барқарорлиги комил инсонни тарбиялашнинг биринчи заминидир.

Оила – ижтимоий, табиий омиллар асосида шаклланган кичик жамоа сифатида, икки жинсга мансуб бўлган шахслар ўртасидаги муносабатларнинг бирга ҳаёт қуриб, насл қолдириш эҳтиёжидан келиб чиққан шаклидир. Насл қолдириш фақат фарзандларни дунёга келтириш эмас, балки уларни маънавий ва жисмоний камол топтириб, ҳаётга мустақил қадам қўйишига имкон яратишдир.

Оилани бошқариш жамият ҳаётини бошқаришнинг бир куртаги ҳисобланади. Оила аъзолари ўртасидаги яқинлик, боғлиқлик, ишонч, ҳурмат, самимийлик, бир-бири олдидаги бурч ва масъулиятни ҳис қилиш, талабчанлик, мулоимлик ёшларнинг ички дунёси шаклланишига таъсир этадиган руҳий омиллардандир. Жамият ривожланиб, маънавий омилларнинг ижтимоий тараққиётдаги ўрни ва аҳамияти ортгани сари оиладаги тарбияга эътибор ҳам кучая боради. Бу борадаги муҳим вазифалардан бири оиладаги маънавий муҳитни барқарорлаштириш, оналарда фарзандлар олдидаги, фарзандларда ота-она ва жамият

олдидаги бурч ва масъулият туйғусини кучайтиришдир. Бундай муҳитни яратишда жамият, давлат, жамоатчиликнинг ўрни катта. Агар жамият, давлат, жамоатчиликнинг таъсири етарли бўлмаса оиланинг фарзанд тарбияси борасидаги ўрни ҳам заифлашади. Шу сабабли ҳозир жаҳондаги барча демократик, дунёвий давлатларда оилани мустаҳкамлаш, унинг тарбиявий имкониятларини яхшилаш, хотин-қизлар, болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, маънавий ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш масалаларига катта аҳамият берилмоқда.

Оиланинг жамият ҳаёти ва тараққиётидаги аҳамияти устида тўхтаб Абдурауф Фитрат шундай деган эди: «Ҳар бир оиланинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса шу миллат оилаларининг интизомига таянади, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва тартибли бўлади. Агарда бир мамлакатнинг аҳолиси ахлоқсиз ва жоҳиллик билан оилавий муносабатларни заифлаштириб юборса ва интизомсизликка йўл қўйса, шунда бу миллатнинг саодати ва ҳаёти шубҳа остида қолади»<sup>1</sup>.

Оилани мустаҳкамлаш, ота-оналар ва болаларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишга жаҳондаги нуфузли ташкилотлар ҳам катта ҳисса қўшмоқдалар. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1979 йил 18 декабрда «Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида конвенция» қабул қилди. Бу конвенция жамиятдаги маънавий муҳитни барқарор-лаштириш, оиланинг ижтимоий, иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, ёшлар тарбиясини янада яхшилашга қаратилган ҳужжатдир.

Оилада фарзандларни тарбиялашда аёлларнинг ўрни ниҳоятда катта. Онанинг барча инсоний фазилатлари фарзандларига ўтади ва уларнинг маънавиятини шакллантиради. Жамиятда инсонга таълим, тарбия берувчи ташкилотлар, ўқув юртлари, маърифий муассасалар қўп бўлса ҳам, уларнинг бирортаси онанинг ўрнини тўла эгаллай олмайди. Шу сабабли ҳам конвенцияда хотин-қизлар ҳуқуқларини камситишнинг барча кўринишларига барҳам бериш лозимлигининг кўрсатилиши биринчи навбатда оиланинг тарбиявий имкониятларини яхшилаш мақсадлари билан боғланган. Тенг ҳуқуқли, жамиятнинг барча имкониятларидан фойдаланиш имконига эга бўлган юксак маънавиятли аёлгина фарзандларига давр руҳи, талабларига монанд тарбия бе-

---

<sup>1</sup> Фитрат Абдурауф. «Оила», Тошкент, «Маънавият», 1998 й. 8 бет

риши мумкин. Аёллар ҳақ-ҳуқуқини камситиш уларнинг қўлида тарбияланаётган ёшлар ҳуқуқини ҳам поймол этишдир.

Конвенцияда ҳар бир инсон, жинсидаги фарқлардан қатъий назар, барча ҳуқуқ ва эркинликка эга бўлмоғи кераклиги алоҳида қайд қилиб ўтилган. Халқаро келишувларнинг иштирокчиси бўлган давлатларга эркак ва аёллар учун барча иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаролик ҳуқуқларидан тенг фойдаланишга имкон яратиш вазифаси юклатилган. Конвенцияда бу масалага оид шундай фикрлар бор: «мазкур конвенциянинг мақсади эркак ва аёлларга тенглик асосида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлар берилишини англатади»<sup>1</sup>.

Конвенцияни маъқуллаган мамлакатлар хотин-қизлар камситилишининг барча шакллари қоралаб, бу борада йўл кўйилган қонунсизликлар ва адолатсизликларнинг кўринишларига барҳам бериш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар. Бу мажбуриятлар: хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида тенглик таъминлини конституцияга ва барча тегишли қонунларга киритиш (агар киритилмаган бўлса) ва уларни амалга оширишни таъминлаш, хотин-қизлар камситилишини таъқиқловчи қонунлар қабул қилиш, хотин-қизларни камситадиган бирон-бир хатти-ҳаракатларни амалга оширмашлик, хотин-қизларни камситадиган қонунларни бекор қилиш, урфу одат ва анъаналарни таъқиқлаш ва бошқалардан иборатдир. Шу билан бирга хотин-қизларнинг ижтимоий, маънавий ривожланишини, жисмоний саломатлигини таъминлаш учун барча соҳаларда, хусусан сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий, тиббий соҳаларда тегишли чораларни кўриш ҳам шу тадбирлар, мажбуриятлар тизимига киритилди. Бунинг учун эркак ва аёлларнинг ижтимоий ва маданий хулқ-атвор моделларини битта жинс иккинчисидан устун бўлиши ёки эркак ва аёлнинг бир хил роли ғоясига асосланган хурофий урф-одатлар, бидъатлар ва шунга ўхшаш ҳоллардан ҳам ҳалос этмоқ керак. Болалар, оналар манфаатларини изчил ҳимоя қилиш, ота-оналарнинг фарзанд тарбияси учун умумий жавобгарлигини таъминлаш ҳам жамият маънавий камолотининг асосий шартларидан бири экани кўрсатиб ўтилди.

Мустақил Ўзбекистонда оилани мустаҳкамлаш, кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, маънавий етук, жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш борасида кўрилаяётган тадбирлар ҳам

---

<sup>1</sup> «Хотин-қизлар ҳуқуқларини камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида конвенция». Тошкент, 1998 йил, 5-бет.



шу конвенцияга асосланган. Фарзанд тарбиялашда кўп асрлик миллий-педагогика анъаналари, умуминсоний қадриятлардан кенг, оқилона фойдаланиш масалаларига ҳам мамлакатимизда катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов кўрсатиб ўтганидек, «Оила қадриятлари ва қон-қариндошлик муносабатларининг қайта тикланиши ҳар бир оиланинг иқтисодий, маданий ва касб жиҳатдан эркин бўлиши имкониятини англашиши лозим»<sup>1</sup>.

1998 йилнинг Оила йили, 1999 йил Аёллар йили деб эълон қилиниши бу муҳим вазифа изчиллик билан амалга оширилаётганининг белгисидир.

1998 йил май ойида республикаимизда «Ўзбекистон республикасининг оила кодекси» қабул қилинди. Демократия ва юксак инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган бу тарихий ҳужжат ўз моҳияти билан мамлакатимиздаги маънавий муҳитни барқарорлаштиришга, оналик ва болалик ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, ёшлар тарбиясини яхшилаш учун барча шароит ва имкониятларни яратишга қаратилган. Бу кодексда кўзланган асосий мақсад «оилани бирига ёрдам бериш ҳамда оила олдида унинг барча аъзолари мустақамлашдан, оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-масъулияти асосида қуришдан, бирон-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашшига йўл қўймасликдан, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўсқинликсиз амалга оширишини ва бу ҳуқуқлар ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборат»<sup>2</sup>.

Кодексда оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий, ахлоқий асослари, ота-оналарнинг жамият ва фарзандлари олдидаги бурчи масаласи ҳам катта ўрин олган. Кодексда оила эркак ва аёлнинг инсонийлик фазилатлари, жамият олдидаги бурчи ва масъулиятини англаб, никоҳланиб тузган иттифоқи экани, эр ва хотиннинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлари тенглиги, ички оилавий масалалар ўзаро келишув йўли билан ҳал этилиши лозимлиги, болалар тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечирishi ва камолоти учун ота-она масъулиги, вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари учун ғамхўрлик кўрсатиш, бир-бирига меҳроқибатли, раҳм-шафқатли бўлиш зарурлиги алоҳида қайд қилиб ўтилиши ҳам катта ижтимоий, тарбиявий аҳамиятга эга.

---

<sup>1</sup> И.А. Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида». Т., «Ўзбекистон», 1997., 747-бет.

<sup>2</sup> «Халқ сўзи» газетаси. 1998 йил 29 май.

Кодексда ўртага қўйилган яна бир муҳим масала — оила қуришда ёшларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши ва бошқа ҳолатлар камситилмаслигидир. Бу турли миллатларга, ирқларга мансуб бўлиб, турли динларга эътиқод қилиб яшаётган Ўзбекистон фуқаролари манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган инсонпарварлик ғояларидир.

Кодексда мустақил Ўзбекистонда оила, оталик, оналик ва болалик ҳуқуқи давлат ҳимоясида экани ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилган. Республикамизда оналик ва оталик муҳим ижтимоий, маънавий, тарбиявий омил сифатида иззат-икромга, ҳурматга сазовор бўлиб бормоқда. Бу халқимизнинг тарихий анъаналари, диний эътиқоди, юксак ахлоқий қадриятларидан келиб чиққан маънавий фазилатдир. Тарихимизнинг барча давларида ҳам оналарни қадрлаш, иззат-ҳурмат қилиш, уларнинг хизматига тайёр бўлиш юксак маънавиятлилик белгиси сифатида қаралган. Шу сабабли ҳам оила доим барқарор бўлиб, фарзанд кўрган эр ва хотиннинг арзимаган сабаблар билан ажралиб кетиши, болалари етим қолиши ҳоллари камдан-кам учраган. Фарзандлар эр ва хотин ўртасида муҳаббат, ишонч, масъулият туйғусини мустаҳкамловчи омил бўлган. Бу борадаги тарихий анъаналаримиз ва қадриятларимиз мустақиллик шароитида давр руҳи ва эҳтиёжлари билан муштарақлашиб, янада чуқур томир отмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг халқ таълимини ривожлантириш дастурида ҳам оилани мустаҳкамлаш, ўқув юртлари билан ота-оналар, жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорликни янада яхшилаш масалаларига катта эътибор берилган.

Президентимиз соғлом авлодни тарбиялаш ғоясини мустақилликка эришган дастлабки кунларимизданоқ муҳим, долзарб вазифа сифатида ўртага қўйгани маълум. Бу мақсадга эришишнинг асосий йўли — таълим-тарбия муассасалари, оилада олиб борилаётган тарбиявий ишларни муайян умумий мақсад ва манфаатдан келиб чиққан ҳолда бир-бири билан узвий боғлашдир. Бу борада кун тартибида турган вазифаларни узининг қуйидаги фикрларида ифодалаган: «Ҳам давлат, ҳам ижтимоий ташкилотлар, янги пайдо бўлаётган бирлашмалар ва жамғармалар ўз кучларини мужассамлаштириб, бир ёқадан бош чиқариб, маҳалла-мактаб-оила ҳаракатларини амалга оширишда, жисмонан бақувват, ахлоқан етук, руҳан соғлом авлод тарбиялашда ҳеч қандай куч ва маблағларни аямасликлари керак»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> «Маърифат» газетаси, 1994 йил 28 сентябр.

Ўзбекистонда 2000 йил «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши республика раҳбарияти маънавиятни юксалтиришга, оиланинг ёшларни тарбиялашдаги ўрни ва аҳамиятини кучайтиришга янада кенгроқ эътибор бериб келаётганининг белгисидир.

Ўзбекистон Президенти И.Каримов соғлом авлодни тарбиялаш мамлакатимиз ва халқимиз олдида турган муҳим вазифа эканини кўрсатиб, иккинчи чақириқ Республика Олий Мажлиси биринчи сессиясида сўзлаган нутқида шундай деди: «2000 йилни соғлом авлод йили деб эълон қилганимизнинг маъно-мазмунини, пировард аҳамиятини чуқур англаган ҳолда, бу мақсадимизни нафақат жорий йилда, балки келгуси даврда давлат сиёсати даражасига кўтариб, умумхалқ эзгу ҳаракатига айлантиришимиз зарур.

Оила, оналар ва аёлларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш масаласида аввал бошланган ишларимизни амалда давом эттириб, янада юксак даражага кўтаришимиз зарур»<sup>1</sup>.

Соғлом авлод — жисмоний бақувватликкина эмас, балки биринчи навбатда маънавий етуклик белгисидир. Соғлом авлод тушунчаси инсон танаси ва руҳиятидаги бу икки жиҳатнинг муштарақ бирлигини ифодалайди. Бу ўзбек халқининг миллий тарбия борасидаги анъаналари заминида ётган асосий тамойилларидан бири бўлган.

2000 йил бошида «Соғлом авлод» дастури қабул қилиниши ҳам маънавиятни юксалтириш, оиланинг жамият ҳаётидаги мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим тадбирларидан бири бўлди. Бу дастур соғлом авлодни тарбиялаш мавсумий вазифа бўлмай, давлат сиёсатининг муҳим, асосий йўналишларидан бирига айланиб бораётганини кўрсатди. 2000 йил 15 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Соғлом авлод дастури тўғрисида» қарори қабул қилинди. Бу қарорга асосан «Соғлом авлод» дастурини амалга оширишни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш учун махсус Республика комиссияси тузилди.

Ислом Каримов 2000 йил 24 феврал куни Оқсарой қароргоҳида «Соғлом авлод» давлат дастурини бажаришга доир ишларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Республика комиссияси аъзолари билан учрашди. Бу учрашувда юртбошимиз соғлом

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т., «Ўзбекистон», 2000 йил, 27-бет.

авлодни тарбиялаш ниҳоятда мураккаб ва серқирра иш бўлиб, кўплаб масъулиятли вазифалар тизимини ўз ичига олишини кўрсатди. Дастурда ҳар бир оиладан бошлаб, инсон тарбияси билан шуғулланувчи барча ўқув юртлари, жамоат ташкилотлари, маҳалла фаоллари, соғлиқни сақлаш муассасалари олдига аниқ вазифалар кўйилган. Масаланинг моҳияти шундаки, соғлом авлодни тарбиялаш учун бутун жамият бир бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб, мавжуд моддий ва маънавий имкониятлардан тўла ва самарали фойдаланиб ҳаракат қилиши керак. Бу дастур бажарилиши учун сўнгги йилларда қабул қилинган, таълим-тарбияга оид бўлган дастурларнинг барчаси ҳам тўла амалга оширилиши зарур. Шу сабабли ҳам юқорида айтиб ўтилган учрашувда юртбошимиз «Соғлом авлод» дастурини бажариш барча вазирликлар, идора ва ташкилотлар раҳбарларининг муҳим вазифаси эканини кўрсатди.

Учрашувда юртбошимиз соғлом авлодни тарбиялашнинг ҳозирги кунда ниҳоятда катта аҳамият касб этган муҳим томонлари устида ҳам алоҳида тўхтаб ўтди. Бундай муҳим вазифалардан бири балоғатга етаётган ёш қизларни оилада, мактабда оилавий ҳаёт кечириш, турмушга чиқиш, фарзанд кўриш, уларни тарбиялашга маънавий, ахлоқий, психологик, жисмоний ва тиббий жиҳатдан тайёрлашдир. Учрашувда миллий анъаналаримизда катта ўрин олган, ҳозирги кунда яна ҳам катта аҳамият касб этаётган бу муҳим ҳаётий масала бир дақиқа ҳам ота-оналарнинг, мураббийларнинг эътиборидан четда қолмаслиги кераклиги алоҳида қайд қилинди.

Оила қуриш ҳар бир инсоннинг табиий эҳтиёжи, ижтимоий масъулияти экан, бунинг учун керак бўлган маънавий, жисмоний, тиббий муаммоларни билиш ҳаётга мустақил қадам қўйиш арафасида турган қизлар ва йигитлар учун фан, техника асосларини эгаллашдан ҳам муҳимроқдир, десак хато бўлмайди. Инсон учун оила қуриш, фарзанд кўриш муҳим, уни тарбиялаш эса янада муҳимроқдир.

Иккинчи муҳим вазифа – ёшларда соғлом оила ҳақидаги тушунчани шакллантиришдир. Ёшлар оиланинг буюк маънавият, қадрият, бурч ва масъулият эканини англаб етмоқлари зарур. Йигит ва қизлар мустақкам оилани шакллантириш борасидаги миллий анъаналаримиз, қадриятларимиз ҳақида ёшлигиданок тўла ва тўғри тасаввурга эга бўлишлари керак. Оиладаги ҳаёт, ота-онанинг бир-бирига муносабати ҳам ана шундай тушунча ва тасаввурлар шаклланишининг асосий шартларидандир.

Йигит ва қизларнинг маънавий камолоти ва жисмоний ба-  
лоғатидаги энг нозик, энг мураккаб ва масъулиятли даври умумий таълим мактабларида ўқиш йилларига тўғри келади. Шу сабабли ёшларда оиланинг муқаддаслиги ва масъулияти, ору-  
номус, ифбат, қадр-қиймат, ҳалоллик ҳақидаги тушунчаларни шакллантириш мақсадида мактаблардаги ўқув режаларига маълум янгиликлар киритиш кераклиги масаласи «Соғлом ав-  
лод» дастурида алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Учинчи муҳим масала — оналар ва ёш болаларга ғамхўрлик қилиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, моддий таъминотини яхшилаш учун шароитлар яратишдир. Одатда соғлом онадан соғлом бола туғилади. Шу жиҳатдан оналарнинг саломатлиги, яшаш ва ишлаш шароитлари қандайлиги ҳам соғлом авлодни тарбиялаш вазифаси билан боғланган. Ёш гўдакнинг ўсиши ва саломатлиги учун керак витаминлар онанинг танасидан сутига ўтади. Ўзининг қорни тўймаган, тинч, осойишта яшашга имкони бўлмаган она соғлом фарзандни дунёга келтириши ва тарбиялаши ҳам қийин. Юртбошимиз масаланинг мана шу томонини ҳам эътибордан четда қолдириш мумкин эмаслигини кўрсатди.

Соғлом авлод дастурида ўрин олган муаммолардан яна бири — бир ёшгача бўлган чақалоқлар ҳаётини асраш масаласидир. Бу инсон ҳаётидаги ниҳоятда хатарли давр ҳисобланади. Болаларнинг танаси чиниқмаганлиги сабабли бу даврда уларнинг органиزمи турли моддалар етишмаслигини тезроқ сезади. Турли касалликларга ҳам болалар бир ёшгача бўлган вақтда чалинадилар. Дастурда оналар ва болалар саломатлигига мана шу даврда ниҳоятда катта эътибор бериш кераклиги кўрсатиб ўтилган.

Бешинчи вазифа — болалар бир ёшдан беш-олти ёшгача бўлган даврда уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, тарбиясини тўғри йўлга қўйишдир. Бу даврда бола фаол ҳаракатда бўлади, жисмоний чиниқади, организмнинг ҳар бир аъзоси ўз фаолиятини маълум меъёрга тушуради. Ёшлигидан соғлом ўсиб, жисмоний чиниққан бола кейинроқ бақувват бўлиб ўсади. Болаларнинг маънавий камолот имкониятлари жиҳатидан ҳам бу давр бетакрордир. Уларнинг табиат, жамият, умуман ҳаёт ҳақидаги дастлабки тасавурлари ҳам асосан шу даврда шаклланади ва онгида, эътиқодида чуқур ўрин олади. Шу сабабли ҳам болаликдаги хотираларни анча узоқ ва аниқроқ тасаввур этиб юрамиз. Боланинг бу даврдаги тарбияси учун оила ва мактабгача тарбия муассасалари масъулдир.

Олтинчи масала — ногирон болаларни давлат томонидан химоялашни кучайтириш, улар жамиятда ўз ўрнини топиши, фаровон, бахтли ҳаёт кечириши учун барча шарт-шароитларни яратишдир. Бу миллий, диний анъаналаримизда ҳам савобли иш деб баҳоланган.

Соғлом авлодни тарбиялаш мавсумий вазифа эмас, балки миллатимиз, мамлакатимизнинг келажаги масаласидир. Соғлом авлодни тарбиялаш истиқболимиз учун катта аҳамиятга эга эканини оддий фуқародан тортиб турли мансабларда ишловчи раҳбарларнинг ҳаммаси билиши керак.

Соғлом авлодни тарбиялаш ишларини яхшилашдаги яна бир муҳим масала — оилаларда болаларни мактаб таълимига тайёрлашдир. Авваллари бу тадбирлар, кўпинча, мактабгача тарбия муассасаларида амалга оширилар эди. Болалар боғчаларининг сони камайиб кетаётган ҳозирги шароитда ота-оналарни болаларни мактаб таълимига тайёрлашдаги масъулияти ортиб бормоқда. Бу ишни ўз ҳолига ташламай, ота-оналар учун махсус қўлланмалар яратиш вазифаси ҳам кун тартибига қўйилмоқда.

Ота-онаси, турар жойи йўқ болалар ўртасида таълим-тарбия ишлари олиб бориш, уларга меҳр-мурувват, раҳм-шафқат кўрсатиш ҳам катта аҳамиятга эга. Бундай болалар учун «меҳрибонлик уйлари», «мурувват» ёшлар ётоқхоналари ташкил этиш, уларнинг маънавий етук, жисмоний соғлом бўлиб етишишлари учун барча шароитлар яратиш ҳам катта аҳамиятга эга.

Соғлом авлодни тарбиялашга оид бўлган ишлар тизимида ёшларнинг бўш вақтини банд этиш, уларни фойдали меҳнатга, қизиқарли тўғаракларга, спорт клубларига жалб қилиш масаласига ҳам катта эътибор берилмоқда. Умуман ёшларнинг бўш вақтидан самарали фойдаланиш, таълим-тарбия ишларини янги босқичга кўтариш узлуксиз таълимни амалга оширишнинг энг муҳим йўлларида бири бўлиб қолиши керак.

Қизларга уй-рўзгор ишларини ўргатишда ҳам мактабларнинг ота-оналар билан ҳамкорлик қилиши муҳимдир. Бу ишларда қизлар кўпроқ оналарига, уйларидаги шароитга тақлид қиладилар. «Қирғоқ кўриб бўз ол, она кўриб қиз ол», деган халқ мақолининг моҳияти худди мана шу масалада ойдин кўзга ташланади.

«Қизлар мустақил ҳаёт бўсағасида» мавзусидаги кўрик-танловни ҳар бир мактабда, олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртларида мунтазам ўтказиб туриш мақсадга мувофиқдир. Бу мавсумий тадбир эмас, балки доимий анъана бўлиб қолиши керак.

«Соғлом авлод» дастурида иқтидорли ёшларнинг камолоти учун алоҳида шароитлар яратиш, ногирон болаларни тиббий-ижтимоий тиклаш масалаларига ҳам катта эътибор берилган. Бу муҳим муаммоларни ҳал этиш бўйича ҳам алоҳида тадбирлар тизimini ишлаб чиқиш масаласи кун тартибига қўйилмоқда. Бу масалаларни ҳал этишда ҳам ўқув юртлари, оилалар, жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликнинг аҳамияти катта. Ўқув юртлари бошлаган тадбирлар оилалар томонидан қўллаб-қувватланмаса, улар чала йўлда қолиб кетаверади. Истеъдодли боланинг барча қобилиятлари рўёбга чиқиши учун оилада ҳам имконият, қизиқиш, эҳтиёж бўлиши, ота-оналар ҳам бу масаланинг муҳимлигини тушуниши керак.

Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ҳам маънавий етук инсонни тарбиялашнинг муҳим шартидир. Ҳуқуқий маданияти паст одамни маънавий етук шахс деб бўлмайди. Шу сабабли ёшларнинг ҳуқуқий маданияти қандай ва қай даражада экани ўқув юртларидаги таълим-тарбия ишларининг асосий кўрсаткичларидан бири бўлиши лозим.

«Соғлом авлод» дастурида бошланғич мактаблардаги кам таъминланган оилалар болаларини қишки кийимлар билан таъминлаш вазифаси белгиланиши, мактабгача тарбия муассасалари, мактаб-интернатлар ва бошқа таълим тизимидаги муассасаларни зарур миқдорда ва белгиланган хилдаги юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш масаласи кун тартибига қўйилиши ҳам ёшларнинг илмий, маънавий, жисмоний камолотига давлат катта эътибор бераётганининг яна бир белгисидир. Жисмоний тарбия тизими ва назариясини, услубларини тарихий анъаналаримиз ва маҳаллий шароитларга мослаштириш ҳам катта аҳамиятга эга. Таълим-тарбия масканларининг барча шакллари ва босқичларида жисмоний саломатликнинг моҳияти ва ижтимоий аҳамиятини кенг тарғиб этмоқ керак.

Жамиятда болалар, аёллар мавқеини ошириш тадбирларини белгилаш, қишлоқларда балоғатга етмаган қизларни оғир жисмоний дала ишларидан озод қилиш, ишлаб чиқариш, илм-фан, маънавият ва маърифат соҳаларида банд бўлган аёлларнинг ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтириш ҳам соғлом авлодни тарбиялаш билан боғлиқ бўлган тадбирлар тизимида киритилган.

Умуман олганда «Соғлом авлод» дастури қабул қилиниши мамлакатимизда маънавий баркамол, жисмоний етук ёшларни тарбиялаш иши янги босқичга кўтарилаётганини кўрсатади.

Ўзбекистонда 2000 йилда соғлом авлодни тарбиялаш бўйича белгиланган режаларни бажариш борасида катта тадбирлар амалга оширилди. Бу борадаги ишлар соғлом авлодни тарбиялаш юзасидан қабул қилинган Давлат дастурида белгиланган олти йўналиш бўйича олиб борилди.

Биринчи йўналиш – соғлом авлодни тарбиялаш учун оилада юксак ахлоқий, маънавий муҳитни яратишдан иборат бўлди. Шу мақсадлар билан боғлиқ ҳолда «Оналик мактаби», «Тиббий ишлар асоси», «Балоғат даври» каби бир қанча янги дастурлар ҳаётга жорий этилди. «Оила кодекси» талабларига биноан ёшларни оила қуришдан олдин тиббий кўриқдан ўтказиш, ёш оилалар учун дастлабки беш йил давомида диспансер назоратини ташкил этиш билан боғлиқ кенг қўламли тадбирлар амалга оширила бошлади. Бу ишлар учун 2000 йилда 170 миллион сўм маблағ сарфланди<sup>1</sup>.

Ўзбекистондаги барча никоҳни қайд этиш бўлимларида турмуш қураётган ёшлар учун оиланинг моҳияти ва масъулияти, оила борасидаги миллий анъаналаримиз, фарзанд тарбияси каби мавзулар бўйича зарур маълумотлар берувчи «Оила дорилфунунлари» очилди. Бир йил давомида бундай дорилфунунларнинг ишида 20 мингдан ортиқ йигит ва қиз қатнашди.

Иккинчи йўналиш – давлат, жамият ва оиланинг соғлом зурриётини тарбиялашдаги масъулиятини ошириш йўлидаги тадбирлар бўлди. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан алоҳида эътибор талаб этадиган ҳудудларда 20 минг оила, 30 мингдан зиёд турмуш қураётган йигит-қизлар патронаждан ўтказилди ва уларга хомийлик тиббий ёрдами кўрсатилди. Шу жамғарма олиб борган ишлар, давлат кўрсатган ғамхўрлик натижасида бир йил давомида беш миллиондан кўпроқ фарзанд кўриш ёшидаги аёллар, олти ёшгача бўлган болаларнинг қарийб 98 фоизи тамомила тиббий кўриқдан ўтказилди, даволашнишга мухтож бўлганларга ёрдам кўрсатилди. 6 миллион АҚШ доллари миқдоридagi мурувват ёрдами туғруқхоналар ва болалар тиббий муассасаларини янги асбоб-ускуналар, дори-дармонлар билан таъминлашга сарфланди. Айрим шаҳарларда республика гигиена ва акушерлик илмий-тадқиқот институтининг бўлимлари ташкил этилди. Фарғона, Бухоро, Термиз шаҳарларида энг янги замонавий ускуналари билан жиҳозланган «Она ва бола

<sup>1</sup> Қаранг: «Ишонч» газетаси, 8 декабр, 2000 йил.



скрининги» тиббий марказлари фаолият кўрсата бошлади. Бу борадаги тадбирлар учун фақат 2000 йилнинг ўзида 440 минг АҚШ доллари сарфланди.

Дастурнинг болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг таълим олиши, жисмоний, маънавий камол топиши билан боғлиқ бўлган вазифаларни кенг кўламда бажариш масалаларига ҳам катта эътибор берилди. Болаларнинг туғма касалликларини даволаш бўйича эътиборга лойиқ бўлган кўп ишлар қилинди. Тошкент шаҳрида умумий қиймати 12 миллион АҚШ долларига тенг бўлган «СОС-Ўзбекистон болалар маҳалласи» қурилиши бошланди.

Бошланғич мактабларда ўқийдиган ёш болаларга ҳам катта ёрдамлар кўрсатилгани ҳаммамизга маълум. 2000 йилнинг ўзида умумтаълим мактабларининг биринчи синфга кираётган болалар, меҳрибонлик уйларида тарбияланувчиларни дарсликлар, ўқув анжомлари билан таъминлаш учун 2 миллиард 508 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида кенг кўламда замонавий лицейлар ва коллежлар қурилаётгани ҳам соғлом авлодни тарбиялаш билан боғлиқ бўлган тадбирлар тизимига киради.

Соғлом авлод-маънавий камолотнинг жисмоний саломатлик билан бирлигидир. Шу сабабли Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилмоқда. Барча босқичдаги ўқув юртларида спорт, жисмоний тарбия ишлар кенг йўлга қўйилди.

Миллий спорт турларини ривожлантириш ва кенг тарғиб этишга ҳам катта эътибор берилмоқда. «Алпомиш ўйинлари», ёшлар ўртасидаги теннис мусобақалари, спартакиадалар шулар жумласидандир.

Бу борадаги тадбирлар кишиларнинг онги, эътиқоди, ҳаётий мўлжалларига ҳам таъсир этди. Ислом Каримов кўрсатиб ўтганидек, «Соғлом авлод дастурида белгиланган тадбирларни амалга ошириш натижасида, мана шу хайрли ва савобли ишлар туфайли кенг жамоатчилик онгида, халқимиз дунёқарashiда соғлом авлод масаласига бўлган муносабат тубдан ўзгариб бормоқда»<sup>1</sup>.

Ислом Каримов соғлом авлодни тарбиялаш билан боғлиқ тадбирлар кенг кўламлилиги, мавсумий эмаслиги, давлатимиз ва миллатимиз истиқболи учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга эканини кўрсатиб, 2000 йил 7 декабрда Ўзбекистон конституцияси-

<sup>1</sup> Қаранг. «Ишонч» газетаси, 8 декабр, 2000 йил.

нинг 8 йиллигига бағишланган тантана маросимида сўзлаган нутқида 2001 йилни мамлакатимизда «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилиш тўғрисида таклиф киритди. Бу таълим, тарбия ишлари борасидаги бутунлай янги бир йўналиш эмас, балки соғлом авлодни тарбиялашдаги тадбирларнинг мантиқий давоми, янги бир босқичдир. Ислом Каримов кўрсатиб ўтганидек, биз «соғлом авлод йили» деб номланган 2000 йил мобайнида қилган барча эзгу ва сабабли ишларимизни янги йилда ҳам давом эттиришимиз зарур»<sup>1</sup>.

Ислом Каримов ўз нутқида бу борада қилиниши лозим бўлган асосий вазифалар тизимини ҳам белгилаб берди. Бу вазифалар тизимига она бағрида юзага келган зурриётни соғлом ҳолда ривожланиши, уни энг замонавий тиббий воситалар ёрдамида кузатиб бориш, онанинг саломатлигини сақлаб, боланинг ҳам саломат туғулишини таъминлаш, туғилган гўдакни дунёга келган куниданоқ тиббий назорат остига олиш, турли касалликларга қарши эмлаш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш, болаларни ёшлигиданоқ жисмоний, маънавий соғлом этиб тарбиялаш, тарбиянинг педагогик, психологик муаммоларини ота-оналарга тушунтириш, бу ишларда ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган анъаналар, қадриятлардан фойдаланиш ва бошқалар кирради.

Тарбия муаммолари инсоният тарихининг барча даврларидаги ғоялар, мафкуралар тизимидан ҳам катта ўрин олган. Инсоннинг онги, эътиқоди учун бўлган курашлар ҳам ёшларга тарбиявий йўллар орқали тасвир этиш шаклида намоён бўлади. Шу сабабли ҳам жисмоний соғлом, маънавий баркамол инсонни тарбиялаш Ўзбекистон миллий истиқлол мафкурасининг асосий тамойилларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ислом Каримов миллий мафкурамизнинг асосий ғоявий-тарбиявий жиҳатлари устида алоҳида тўхтаб қуйидаги фикрларни айтди: «Миллий мафкура халқнинг мақсад-муддаоларини ифодалайди, тарих синовларидан ўтишда унинг руҳини кўтариб, суяниб ва таянч бўлади, шу миллат, шу жамият дуч келадиган кўплаб ҳаётий ва маънавий муаммоларга жавоб излайди. У инсонга фақат моддий бойликлар, неъматлар учун эмас, аввало, Оллох таоло ато этган ақл-заковат, имон-эътиқод туфайли юксак маънавиятга эришиш учун интилиб яшаш лозимлигини анг-

---

<sup>1</sup> «Ишонч» газетаси. 8 декабр, 2000 йил.

латадиган, бу мураккаб ва таҳликали дунёда унинг тараққиёт йўлини ёритадиган маёқдир»<sup>1</sup>.

Маънавий етук, жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш миллий ғоямизнинг муҳим тамойилларидандир. Шу сабабли ҳам Ислом Каримов 2000 йил 6 апрел куни Оқсаройда таниқли файласуфлар, тарихчи, сиёсатшунос, социолог, педагог, психолог, адабиётшунос олимлар билан бўлиб ўтган учрашувда ҳам миллий ғоя ва мафкураининг ёшларни тарбиялашдаги ўрни ва аҳамияти масаласига катта эътибор берди.

Инсон тарбияга бир умр муҳтождир. Лекин инсон маънавий, жисмоний камолотининг биринчи пойдевори қўйилаётган оиладаги тарбиянинг ўрни, аҳамияти муҳим ва бетакрордир. Шу сабабли ҳам халқимиз ота-она ўргатган ахлоқ ва одоб фарзандлар учун мерос бўлиб қоладиган энг катта бойлик, деб қараган.

Оиланинг моҳияти, ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар ҳақида катта-катта асарлар ёзилган. Таълим-тарбия масалаларида барчамиз тарихий мерос, ўз давримиз эҳтиёжлари ва имкониятларидан келиб чиқиб фикрлаймиз. Лекин тараққиёт давом этаверади. Инсон тарбиясини такомиллаштириш, маънавий камолотини янги босқичга кўтариш зарурияти ҳеч қачон тўхтамайди.

Жамият тараққий этгани сари соғлом авлод тушунчасининг мазмуни кенгайиб, ёшларни давр руҳи, эҳтиёжлари асосида тарбиялаш борасидаги вазифалар тизими ҳам такомиллашиб боради.

---

<sup>1</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент, 2000 йил, 3-бет.

## 2. ОИЛАВИЙ БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТНИНГ ИЖТИМОЙИ, МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ

Оила жамиятнинг муҳим таркибий қисмидир. Оиланинг шаклланиши ва ривожланиши жамият ҳаётидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий муносабатлар билан бевосита боғлиқ равишда амалга ошган. Жамият ҳаётида бўлиб турадиган ўзгаришлар, кишиларнинг турмуш тарзи, яшаш ва меҳнат қилиш шароитлари, миллий ахлоқ нормалари, психологияси, диний эътиқодлари ҳам оилавий муносабатларнинг шакли ва мазмунига таъсир этган. Шу сабабли оилавий муносабатларнинг ахлоқий, ҳуқуқий, ижтимоий мезонлари ҳам ўзгариб турган.

Матриархат ёки патриархатга асосланган оилавий муносабатлар юзага келиши ҳам жамият тараққиётининг муайян босқичларидаги ижтимоий, иқтисодий имкониятлар билан белгиланган. Тарихда шундай даврлар ҳам бўлганки, оила қурган эр ва аёл бирга эмас, балки ўзлари мансуб бўлган уруғ ва қабилаларда яшаганлар. Оила доимо ривожланишда бўлиб, унинг шакллари, тарбиявий имкониятлари ҳам ўзгариб турган. Бир эр ва бир хотиндан иборат бўлган моногам оиланинг шаклланиши ҳам жамият тараққиётининг муайян даврларидаги имкониятлар, эҳтиёжлар, маънавий эътиқодлар асосида юзага келган.

Тарихий тараққиёт жараёнида оилавий муносабатлар ривожига жамият, жамоатчилик таъсирини ўтказиш, уларни бошқариш зарурияти ҳам кучаяди. Бу зарурият натижасида никоҳ билан боғлиқ муносабатлар келиб чиққан. Никоҳ оила қураётган икки ёш ўртасидаги муносабатларни давлат, жамият томонидан муайян ахлоқий, ҳуқуқий мезонлар асосида бошқарилиши зарурияти натижасида вужудга келган маросимдир. Никоҳ икки ёшнинг розилиги асосида қайд қилинади ва ўзаро ишонч, ҳурмат ва муҳаббатга таянади. Никоҳ — оила қураётган икки ёшнинг бири-бирига, жамиятга, фарзандларига нисбатан бўлган маънавий, ҳуқуқий бурчи ва масъулиятини белгилашдир. Никоҳ муқаддас деб саналиши ҳам оила барқарорлигининг асосий омилларидан бири бўлиб келмоқда.

Бу ёруғ оламга энди келаётган янги авлоднинг маънавияти шаклланиши никоҳнинг ҳаққонийлиги ва оиланинг мустақамлигига боғлиқ. Маънавий бирлик, севги, муҳаббат эътиборга олинмай тузилган никоҳ оилани заифлаштиради, фарзандларнинг маънавияти шаклланишига ҳам салбий таъсир этади. Оила мустақам бўлмаса жамият ҳам мустақам бўлмайди. Шу сабабли ҳам барча даврларда оила мустақамлиги жамият барқарорлигининг муҳим шarti деб қаралган. Ислом фалсафаси ва ҳуқуқининг етук билимдонларидан бири, машҳур мутафаккир Ризоуддин ибн Фахруддин оиланинг жамият ҳаёти ва тараққиётидаги ўрни, аҳамияти ҳақида қуйидаги фикрларни айтган эди: «Инсонлар дину-дунёларини тузатмоқ матлуб бўлса, энг аввало гўзал хулққа эга бўлмоқ ила оилаларни тузатингиз! Оилалар тузалгандан сўнг ҳам дин, ҳам дунё тузалади»<sup>1</sup>.

Оиланинг шаклланиши, ривожланишига асос бўлган ахлоқий, ҳуқуқий, ижтимоий омиллар қуйидагилардир:

1. Оила икки жинсга мансуб бўлган ёшларнинг балоғатга етиб бирлашуви, табиий эҳтиёж, муайян анъаналар, ахлоқий қадриятлар, ҳуқуқий мезонларга таяниб бирга турмуш қуришидир.

2. Оила инсонларга хос бўлган ахлоқий қадриятлар – ўзаро ҳурмат, ишонч, муҳаббат, ҳамкорлик, ҳамдардлик туйғуларининг кундалик турмушда намоён бўлишидир. Йигит ва қиз икки жинсга мансуб бўлгани учунгина эмас, балки бир-бирини севгани, бир умр бирга бўлиб, аҳил яшашга, фарзандлар кўришга, кўша-қаришга, ҳаётнинг барча оғир-енгилликларини енгиб ўтишга ишонгани учун ҳам оила қуради. Оилавий муносабатларда табиий эҳтиёждан кўра ижтимоий, маънавий омиллар устувор аҳамият касб этади.

3. Оилада болалар тарбияси катта ижтимоий аҳамиятга эга. Болалар ақлли, одобли, меҳнатсевар, ҳалол, имонли, инсофли бўлишидан ота-онагина эмас, балки биринчи навбатда бутун жамият манфаатдордир. Чунки жамият тараққиётини, инсониятнинг ёрқин истиқболини маънавий етук, жисмоний соғлом ёшларгина таъминлай олади.

4. Оилада кишиларнинг қондошлик, қариндош-уруғчиликка асосланган муносабатлари шаклланади. Бу ҳам инсоният учун ниҳоятда муҳимдир. Қариндош-уруғчилик билан боғлиқ муносабатлар ҳам жамият ҳаёти ва тараққиётида катта ўрин тутади. Қариндош-уруғларнинг бурч ва масъулиятга асосланган бирли-

---

<sup>1</sup> «Шарқ юлдузи» журнали, 1992., 10-сон, 84-бет.

ги, ҳамкорлиги, ҳамжиҳатлиги, ҳамдардлиги ижтимоий муносабатларни барқарорлаштиришнинг шартларидан бири ҳисобланади. Қариндош-уруғчиликни англаш, мустаҳкамлаш билан боғлиқ анъаналар ўзбек халқининг олижаноб маънавий қадриятларидан бири ҳисобланади. Куръони Каримда ҳам қариндош-уруғларга меҳр-мурувватли бўлиш инсон қилиши лозим бўлган савобли ишларнинг бири сифатида тасвирланган. «Нисо» сурасида шундай ҳикматли фикрлар бордир: «Оллоҳга ибодат қилинганлар, унга ҳеч кимни шерик қилманганлар. Ота-онага, қариндошларга, етимларга, камбағалларга, қўшнилларга, оддий кишиларга, оила аъзоларингизга яхшилик қилинганлар»<sup>1</sup>.

Ўзбек оилаларида ота-оналарга, фарзандларга, қариндош-уруғларга муносабат масаласида ҳам ҳуқуқий бурчга нисбатан ахлоқий масъулият устуворлик қилади.

Ота-боболаримиз асрлар давомида оила қуришга масъулият билан ёндашганлар, ёшлар маънавиятли бўлиб тарбияланишига катта эътибор берганлар. Келиннинг ёки куёвнинг етти пушти соғ-саломатлигини, уларнинг ахлоқ-одобини, ота-онаси, қариндош-уруғларини суриштириш ҳам жуда ажойиб ижобий анъана бўлган. Бу ишларда ёшларнинг маънавий муштараклиги, авлодлар саломатлиги, янги оила мустаҳкам бўлиши сингари омилларга кўпроқ эътибор берилган. Бу анъаналар ҳозир ҳам ёшларнинг оилавий турмуши, жамият ва фарзандлари олдидаги бурчи билан боғлиқ масъулиятини орттиради. Аҳил, соғлом оилаларнинг маънавий асослари мустаҳкам бўлгани сабабли эр ва хотиннинг ажралиб кетиши, фарзандларнинг қаровсиз қолиши ҳоллари камдан кам учрайди.

Оила инсон авлоди ривожланишининг давомийлигини таъминлайди. Оилада камол топган бола жисмонан етук, муайян маънавий фазилатларни эгаллаган, ижтимоий ва ҳуқуқий бурчини англаган инсон сифатида тарбияланади. Инсоннинг асосий моҳияти маънавият экан, унинг дастлабки куртаклари ҳам оиладаги тарбия жараёнида шаклланади. Ҳаёти давомида инсоннинг маънавий камолотига жуда кўп омиллар таъсир этади. Лекин уларнинг бирортаси ҳам оиладаги тарбиянинг ўрнини эгаллай олмайди. Оиланинг жамият учун муҳимлиги — инсон маънавий камолотидаги ўзига хос, бетакрор мактаб эканлигидадир. Шу сабабли ҳам барча даврларда оила барқарорлиги, ундаги маънавий

<sup>1</sup> Куръони Карим, «Нисо» сураси. Т., «Ёзувчи» нашриёти, 1992 йил, 36-бет.

муҳит жамият, жамоатчилик эътиборида бўлган. Барча давлатлар, динлар, ижтимоий-сиёсий кучлар, жамоалар бу муаммони эътибордан четда қолдирмаганлар.

Давлат оиланинг мустақкамланиши, унинг моддий таъминоти ва маънавий ҳолати, эр ва хотин, фарзандлар билан оналар ўртасидаги муносабатларни бошқариш билан боғлиқ қатор муаммоларни ҳал қилишни ўз зиммасига олади. Кўп болали оилаларга ёрдам кўрсатиш, ўз фарзандларига тўғри тарбия бермайдиган ва беришни истамайдиганларни оталик ва оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш, қаровсиз қолган болалар тарбиясини давлат ўз зиммасига олиши ҳам шундай тадбирлар тизимига киради. Оналарнинг, фарзандларнинг саломатлигини мустақкамлаш учун турли чора ва тадбирлар кўриш вазифасини ҳам кўплаб давлатлар ўз зиммасига олган.

Тарихий маданиятимиз, анъаналаримизнинг илк илдизлари ҳақида маълумот берувчи «Авесто»да ҳам оиладаги муҳит, эр ва хотин ўртасидаги муносабатлар, улар бир-бирини тушуниши, кўмаклашиши, меҳр-оқибатлилиги, фарзанд тарбияси билан боғлиқ масъулиятни англаши жамият тараққиётининг асосий омилларидан бири деб қаралган.

Жамият тараққиётининг барча даврларида ҳам ёшлар бир-бирини севиб оила қуриши масаласига катта эътибор берилган. Янги оила пайдо бўлишини ҳамма вақт тантанавор нишонлаш турмуш кураётган икки ёшга билдирилаётган ҳурматгина эмас, балки уларнинг зиммасига юкланилаётган ижтимоий, маънавий масъулият ҳамдир. Ота-оналар, қариндош-уруғлар, кўни-кўшнилари, ёрубиродарларнинг ёшларга қилган насиҳати, янги оиланинг моддий асосларини мустақкамлаш учун бераётган совға-саломи ҳам икки ёшнинг умри ширин кечиши, ҳаёт мазмунини тушунишда муштарақлик, ҳамфикрлик, ҳамлардлик ва ҳамкорлик бўлишини таъминлаш учун қилинган мақсадли ҳаракатдир.

Ота-боболаримиз жуда қадим замонлардан бошлаб тўйда келин-куёвга, «қўша қаринглар», «ували-жували бўлинглар», деб истаклар билдиришган. Бу яхши истакларда ҳам оилавий ҳаётнинг мақсади ва моҳиятини муқаддас деб тушуниш билан боғлиқ бўлган чуқур маъно бор. Қўша қаринглар, деган сўз узоқ умр кўринглар, бу умр давомида бир-бирингиздан айрилманглар, аҳил, ҳамкор бўлинглар, ҳаётнинг оғир ва енгил дамлари ўртангизга нифоқ уруғларини сепмасин, деган маънони билдиради. «Ували, жували бўлинглар», деган ният эса кўп фарзандли,

невара-чеварали бўлинглар, уларни яхши тарбиялаб, роҳатини кўринглар, деган мақсадни билдиради. Демак, ҳамма даврларда ҳам оила тинчлиги, бахту саодат бутун жамиятнинг, жамоатчиликнинг истаги бўлган.

Ёш келин, куёв бир ёстиққа бош қўйиши жинсий эҳтиёжлар билан ҳам боғлиқ, албатта. Бу эҳтиёж ҳаёт, авлодлар давомийлигини таъминлаш заруриятидан келиб чиққан илоҳий ироданинг кўринишидир. Бундай эҳтиёж турли шаклларда бўлса ҳам барча тирик жонзодларга хос. Лекин бу борадаги инсоний муносабатлар асосида оддий табиий инстинкт эмас, балки маънавий масъулият ётади.

Ота-она ўз фарзандларини дунёга келтириб, оёққа турғазиб, тарбиялаб, вояга етказиб, улар билан бир умр боғланиб қолади, бутун онгли умри давомида фарзандларига меҳр-оқибат кўрсатади, уларни вояга етказиши, невара-чевараларни ҳам тарбиялайди. Кексайган чолу-кампирлар набираларининг тақдирига, тарбиясига ўз фарзандларидан ҳам кўпроқ масъулият билан ёндошадилар. Улар учун набира ҳатто фарзандларидан ҳам ширинроқ кўринади. Оилавий ҳаётнинг асрлар давомида бойиб, авлоддан авлодга ўтиб борадиган маънавий асослари жумласига шулар ҳам киради.

Оилани шакллантириш, мустаҳкамлаш масаласи барча динларда ҳам катта ўрин олган. Ислоҳ динида ота-оналарнинг бурчи, фарзанд тарбиялашдаги масъулиятининг қўйидаги шартлари кўрсатилган: Булар — туғилганда болага оқилона исм қўйиш, иложи бўлса ақиқа қилиш, ўғил болаларни хатна қилиш, тили чиққан вақтидан бошлаб ахлоқ, одобни ўргатиш, Аллоҳни танитиш, Қуръони Карим оятлари, таҳорат, намоз ҳамда покизаликни, ҳалол ва харом, гуноҳ ва савобнинг фарқини ўргатиш, касб-ҳунар ўргатиш, дунёвий билимларнинг бирини эгаллашига кўмаклашишидир. Бу шартларда оиладаги фарзанд тарбиясининг асосий мезонлари ифодаланган.

Оила барқарорлигига асос бўлган ҳуқуқий, ахлоқий мезонлар ҳамма даврларда ҳам айнан бир хил бўлган эмас. Жамият ҳаётидаги иқтисодий, сиёсий муносабатлар, диний эътиқодлар, миллий анъаналар, конкрет тарихий шароитлар оилавий муносабатларнинг шакли ва мазмунига ҳам маълум ўзгаришлар киритиши табиийдир. Шу сабабли ҳам турли халқлардаги оилавий муносабатларнинг ахлоқий, ҳуқуқий мезонларини айнан бир қолип билан ўлчаб бўлмайди. Баъзи даврларда оила



барқарорлиги заиф, баъзи даврларда эса мустаҳкам бўлган. Ҳозир баъзи мамлакатларда оила қуриш ҳудди ўйинчоқдек бўлиб қолган. Ёшлар ҳаётга енгил-елпи қараб, баъзан ота-она билан ҳам маслаҳатлашмай оила қурадилару, орадан кўп вақт ўтмай ажралиш тараддудига тушиб қоладилар. Бунинг сабаби ҳам оилавий муносабатларга асос бўлган маънавий омилларнинг заифлигидир. Натижада кўпгаб гўдақлар етим қолиб, ота-она меҳридан маҳрум бўлмоқдалар. Ота-онасиз қолиб, етимлар уйда тарбияланаётган болаларнинг сони кўпайиши жамият ҳаётидаги маънавий инқироз янада кучайишига олиб келади. Оиладаги маънавий муҳитнинг даражаси демографик жараёнларга ҳам таъсир этмоқда.

Аниқ мисолларга мурожаат қилайлик.

Муайян, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий омиллар таъсирида 1995—2025 йиллар давомида жаҳон аҳолисининг ўсиши турли минтақалар ва мамлакатларда нотекис амалга ошадди. Бу даврда сайёрамизда яшайдиган аҳолининг сони 5,702 миллиондан 8,312 миллионга етади. Аҳолининг энг кўп ўсиш суръатлари иқтисодий жиҳатдан қийин аҳволда бўлган Осиё, Африка мамлакатларига тўғри келади. Юқорида кўрсатилган давр ичида Осиё аҳолиси 3,451 миллиондан 4939 миллионга, Африка аҳолиси 720 миллиондан 1,510 миллион кишига етади. Бу даврда Оврўпо аҳолиси 581 миллиондан 590 миллионга етади, холос.

Жаҳондаги айрим мамлакатларга нисбатан олганда аҳолининг ўсиши суръатлари ўттиз йил ичида, яъни 1995-2025 йилларда, қуйидагича бўлади: Аҳоли сони Ливияда — 5,2 миллиондан 14,4 миллионга, Жазоирда — 28,4 миллиондан 47,2 миллионга, Суданда — 28,1 миллиондан 58,4 миллионга, Фил Суяги Қирғоғида — 14,3 миллиондан 36,8 миллионга, Ганада — 17,9 миллиондан 38,0 миллионга, Малида — 9,1 миллиондан 23,7 миллионга, Саудия Арабистонида — 18,5 миллиондан 48,2 миллионга, Сурияда — 14,7 миллиондан 33,5 миллионга етади. Оврўподаги қатор мамлакатларда эса аҳолининг камайиши кўзга ташланади. 1995-2025 йиллар давомида Эстония, Ирландия, Латвия, Германия, Венгрия, Руминия, Хорватия, Испания, Юнонистон, Италия, Португалия, Словакия сингари мамлакатларда аҳоли сони сезиларли даражада камайиши кутилади. Бу даврда Россия Федерацияси аҳолиси 147 миллиондан 153,0 миллионга етади, яъни 6 миллионга кўпаяди. Бу ҳам асосан Шимолий Кавказ ва Олтой, Сибирда яшайдиган маҳаллий аҳоли ҳисобига бўлади.

Аҳоли сони камайиб бориши асосан маънавий омиллар билан боғланган. Буни Россия Федерациясида юз бераётган ижтимоий, маънавий жараёнлар мисолида кўришимиз мумкин.

Россияда 1995-1996 йиллар давомида ўлганларнинг сони туғилганларнинг сонидан деярли икки марта кўп бўлди. 1999 йил эса ўлганларнинг сони янги туғилганларга нисбатан 151,6 минг кишига кўп бўлди<sup>1</sup>. Бундай ҳол катта ижтимоий фалокатларга олиб келиши мумкин. Россия Давлат Статистика Комитети берган маълумотларга қараганда 1996 йилда мамлакатда 274,9 минг никоҳ қайд қилинган бўлса, 258,7 мингта оила ажралиб кетган. 1997 йилнинг тўққиз ойи ичида 290,8 мингта никоҳ қайд қилинган бўлса, 223,4 мингта оила бузилган. Шу давр ичида янги қурилган ҳар 1000 оиладан 768 таси бузилган<sup>2</sup>.

Умуман Россия ҳудудида 1987-1997 йиллар давомида туғилган болалар сони 6 миллионга камайиб кетган. Олти ёшдан еттигача бўлган болаларнинг умумий сони 3,5 фоизга камайган. Турмуш шароитлари оғирлиги сабабли аёллар фарзанд кўришдан бош тортмоқдалар. Бунинг сабаби иқтисодий қийинчиликларгина эмас, балки чуқурлашиб бораётган маънавий бўҳрон ҳамдир.

Россияда 1997 йилда ўтказилган социологик тадқиқотлар ҳам бу хатарли ҳолатни исботламоқда. Сўров варақаларини умумлаштириш натижасида олинган натижаларга кўра, битта ёш боласи бўлган аёлларнинг 60 фоизи иккинчи фарзанд кўришни истамаган, уни боқиб, кийинтириш учун имконият ва шароит йўқлигини билдирган. Анкета варақасини тўлдирган, 18 дан 40 ёшгача бўлган аёлларнинг 30 фоизи умуман фарзанд кўришни истамаганини тан олган.

Ҳозир Европадаги кўплаб мамлакатларда, жумладан Россияда, айрим ёшлар эркак ва аёл ўртасидаги жинсий алоқаларнинг моҳияти ва мақсади, оила қуришнинг масъулияти ҳақидаги диний ва миллий қадриятларни менсимай, эътиборга олмай қўйдилар. Агар ёшлар шу йўлдан бораверса, вақти келиб, уларнинг жинсий эҳтиёжлар асосида юзага келган ҳайвоний ҳирслари ва эҳтиросларини ҳеч қандай қонунлар ва ахлоқий мезонлар билан чеклаб бўлмай қолади. Жинсий алоқаларни ҳаётнинг ягона лаззати ва мақсади деб тушунган ёшлар мустаҳкам оила қуриш, бола кўриш ва уларни тарбиялаш масаласига иккинчи даражали иш деб қарай бошлайдилар. Оллоҳ эркак ва аёлни бир-бири билан

---

<sup>1</sup> «Труд» газетаси, 2000 йил 2 июн.

<sup>2</sup> «Аргументы и факты» 1997 йил 25 сентябр.

жинсий алоқада бўлиб лаззатланиш учун эмас, балки бирга оила қуриб, фарзанд кўриб, уларни тарбиялаб, инсон авлодини давом эттириши учун яратган. Ҳалол, аҳил оила қуриш инсон қалбига синган илоҳий, инсоний бурч ва масъулиятдир.

Россияда 1993 йилда Москва ва Санкт-Петербургдаги мактабларда ўқийдиган, ёши ҳали 16 га етмаган ўғил болалар ва қизлар ўртасида жинсий алоқага муносабат масаласига сўровлар ўтказилди. Сўров варақасини тўлдирган ўғил болаларнинг 38 фоизи, қизларнинг 25 фоизи 16 ёшга етмай туриб жинсий алоқада бўлганини тан олганлар. 1995 йилда ўтказилган сўровда эса, 16 ёшга етмаган ўғил болаларнинг 50 фоизи, қизларнинг 33,3 фоизи жинсий алоқада бўлгани аниқланган. 1997 йилда ўтказилган сўровда ҳам 16 ёшга етмаган ўғил болаларнинг жинсий алоқада бўлганлари оталарга нисбатан уч марта, қизларда эса оналарга нисбатан 5-6 марта кўп бўлгани аниқланди.

Демак, балоғатга етмаган ёшлар ўз ота-оналарига нисбатан жинсий алоқани жуда эрта бошлаганлар. Уларнинг ҳаётий мўлжалларида, эътиқодида жинсий алоқа қилиш, оила қуриш, фарзанд кўриш сингари мақсадлар билан боғланмаган. Сўров анкетасини тўлдирган қизларнинг ярмидан кўпроғи 1, 2 ҳафта олдин топишган ёки умрида биринчи кўрган кишиси билан жинсий алоқада бўлганлиги эътироф этган. Натижада Россияда 1992-1997 йиллар орасида 16 ёшгача бўлган ёшларнинг турли венерик касалликларга чалиниши 51 марта ортган.

Оила барқарорлигига салбий таъсир этадиган бундай ҳоллар дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам кўпайиб бормоқда.

Бундай вазият ёшларнинг маънавиятига ҳам салбий таъсир этган. 1995 йилда, телевидениеда, кинода порнографик фильмлар кўрсатилишига қандай қарайсиз, деб берилган саволга ёши 25 га қадар бўлган йигит ва қизларнинг 66 фоизи ижобий, деб жавоб берган. Ёши олтмишдан ортган кишиларнинг учдан икки қисми бу саволга салбий жавоб берганлар. Бу рақамлар ҳам оила, фарзанд кўриш, поклик, ҳалоллик сингари масалаларга муносабатда ёшлар ва уларнинг ота-оналари ўртасида маълум узилиш бўлганлигини кўрсатмоқда<sup>1</sup>.

Оиланинг заифлашиши мамлакатдаги демографик вазиятни ҳам оғирлаштирмоқда. Агар 1990 йилда ҳар 1000 киши ҳисобига 13,4 чақалоқ туғилган бўлса, бу кўрсаткич 1999 йилда 8,4 га тушиб қолди. Умуман мамлакат аҳолиси ҳозир ҳар йили бир миллион кишига камайиб бормоқда.

---

<sup>1</sup> «Труд» газетаси, 29 август 1997 йил.

Оиланинг заифлашиши, фарзанд тарбияси билан боғлиқ бўлган масъулиятли вазифаларни бажариш оғирлашиши жамият ҳаётидаги иқтисодий қийинчиликлар билан ҳам боғлиқдир. Шу сабабли оилани мустаҳкамлаш кишиларнинг маънавияти билан боғлиқ эканини эътиборга олиб, моддий турмуш шароитлари оғирлашиши ҳам бу жараёнга салбий таъсир этаётганини асло эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

Бу ўринда энг қадимги маданий обидалардан бўлмиш «Авесто»нинг «Ясна», 33,3 бобида айтилган куйидаги ҳикматли, ибратли фикрларга ҳам эътибор бериш керак: «Еб-ичмайдиган одамларининг тоат-ибодат қилишга кучи бўлмайди, эрхотинлик вазифасини адо этишга қувватлари етмайди...

Ёмон овқатланган халқ на яхши, кучли ишловчиларга ва на соғлом, бақувват болаларга эга бўлади...

Ёмон овқатланишдан ахлоқ, одоб ҳам айниб кетади. Агар нон мўл-кўл бўлса муқаддас сўзлар ҳам яхши қабул қилинади».

Россияда, бошқа айрим МДҲ мамлакатларида оила заифлашишига, демографик жараёнлар оғирлашишига совет тузумидан мерос бўлиб қолган оғир маънавий бўҳронлар, ўтиш даврининг ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлари ҳам сабаб бўлди. Ҳозир Россия раҳбарияти бу қийинчиликларни бартараф қилиш, оилани мустаҳкамлаш борасида кўплаб зарур тадбирларни кўрмоқдалар. Лекин бу тадбирлар бирданига кутилган натижаларни беришидан ҳам умид қилиш қийин. Ҳар ҳолда маънавий бўҳронларнинг оқибатлари кишиларнинг эътиқодида анча узоқ сақланиб қолади.

Оналарга, болаларга, кўп фарзандли оилаларга катта моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилаётган Ўзбекистонда вазият бутунлай бошқача. Инсонларварлик тамойилларига таяниб бу борада кўп хайрли ишлар қилинмоқда. Лекин афсуски, кўчаларда, айниқса, бозорларда тиланчилик қилиб юрган, аравачаларда бировнинг оғир юklarини ташиётган, бошқаларнинг чўнтақларига кўз олайтираётган минглаб балоғатга етмаган болаларни кўриб юрагинг ачишиб кетади, кишининг. Буларнинг аксарияти ота-оналари гиёҳвандликка, ичкиликбозликка берилиб кетиб, фарзандларини қаровсиз қолдирган оилалардан чиққан. Оиласидан қочиб кетган ёш болалар ҳам кам эмас. Ота-онаси кўчага ҳайдаб юборган, ўз тирикчилигини ўзи қилаётганлари ҳам топилади.

Ўқимаган, тайин ётар жойи бўлмаган, қорни тўйиб овқат емайдиган, касалманд, маънавият, ахлоқ ва одоб қондалари, миллий қадриятлар ҳақида тасаввури ҳам йўқ, яхши касб-ҳунар

нима эканлигини билмайдиган, ҳеч кимдан меҳр-оқибат кўрмаган болалар катта бўлгач жамият ҳаётида қандай қилиб ўз ўрнини топади? Катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бу масалани ҳеч ким эътиборсиз қолдира олмайди.

Ҳозир Ўзбекистонда бундай болалар билан ишловчи, уларни ота-оналари олдига қайтарувчи, меҳр-мурувват жойларига жойлаштирувчи ташкилотлар бор. Бу ишлар билан ички ишлар ходимлари ҳам шугулланмоқда. Булар боланинг саломатлигини текшириб, ота-онасини излайдилар. Агар ота-онанинг боласини олиб кетишга имкони бўлмаса, милиция ходимлари ўзлари олиб бориб беришади. Ҳеч кими йўқлари эса меҳр-мурувват уйларига жойлаштирилади.

Кўчада қолган болалар ёввойи, одамдан қочадиган, ҳеч кимга ишонмайдигандек бўлиб кўринади. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам қалбида меҳр-мурувватга, ширин сўзга, раҳм-шафқатга эҳтиёж сезади, яхши тарбиячилар улар учун тезда ўз ота-онасидек бўлиб кетади. Янгийўл шаҳридаги кўчада қолган қаровсиз болалар билан иш олиб борувчи бўлимда олтимишдан ортиқ бола бор. Уларга кўплаб оилалар, кўшма корхоналар, жамоат ташкилотлари ёрдам бериб туради, болаларга совғалар келтиради. Айниқса тошкентлик бир тадбиркор аёл болалар олдига келиб, ўз номини айтмай, етим болаларга совғалар бериб кетишини айтишади. Биз ҳам нотаниш, меҳридарё ўша тадбиркор аёлга раҳматлар айтиб, ишларида омад тилаймиз, сиздеклар орамизда кўпроқ бўлсин, деймиз.

Ўзбекистонда ҳам аёлларнинг яшаш ва ишлаш шароитлари масаласида чуқур ўйлаб кўриш, ҳал этиш керак бўлган муаммолар бор. 1995 йилги маълумотларга қараганда мамлакатимизда аёллар саноат ишлаб чиқаришда ишчи ва хизматчиларнинг 44,3 фоизини, қишлоқ хўжалиги билан банд бўлганларнинг 49,0 фоизини ташкил этган. Саноат соҳасида банд бўлган аёлларнинг 18 фоизи тунги сменада ишлаган. Очигини айтганда уй-рўзгор ишларининг асосий қисми ҳам иш билан банд бўлган аёлларнинг зиммасидадир.

Туғиш ёшидаги аёлларнинг 60-70 фоизи камқонлик касалига учраган. Юрак, қон-томир, ошқозон, жигар, буйрак касалликларига аёлларнинг 26,4-38,7 фоизи дучор бўлганини ҳам айтиб ўтмоқ керак. Бу борадаги вазиятда 2000 йил бошида ҳам кескин ўзгариш бўлгани йўқ. Ҳар йили мамлакатимизда ўртача 680 мингдан ортиқ аёлнинг кўзи ёриydi. Аёлларнинг кўзи ёригач, орадан кўп вақт ўтмай яна ҳомиладор бўлиб, фарзанд

кўриши ҳам уларнинг саломатлигига салбий таъсир этмоқда. Қишлоқларда 20-25 ёшлардаги келинларнинг 40 фоизи ҳар йили фарзанд кўради. Натижада ҳар 1000 чақалоқдан ўртача 50 таси чала, учдан бир қисми эса нуқсонлар билан туғилади<sup>1</sup>.

Айрим шаҳар ва қишлоқларда 15-16 ёшли қизларни эрга бериш ҳоллари ҳам кўпайиб бормоқда. Уларнинг организми ҳомиладор бўлиш, туғиш учун тўла етилган деб бўлмайди. Бунинг устига, ёш қизларда бола тарбиялаш, уй-рўзгор ишларига қараш, эри, қайнона ва қайнотасининг кўнгилини олиб, хизматини қилиш малакаси ҳам йўқ. Бунинг натижасида ёшларнинг турмуши бузилиши ҳоллари ҳам кўпаяди. Оилани режалаштириш, аёллар ва ёш гўдакларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш ҳақидаги фикрлар ҳам қишлоқ аҳолиси орасида етарли тарғиб этилаётгани йўқ. Айрим зиёлилар ҳам жаҳондаги кўплаб давлатлар, ҳатто мусулмон, мамлакатларида ҳам кенг тарғиб этилаётган оилани режалаштириш сиёсатига нотўғри муносабатда бўлаётгани маълум.

Ўзбекистонда ҳукумат кўрган тадбирлар натижасида оналар ва болалар ўлими йил сайин камайиб бормоқда. Лекин бу борадаги ижобий ютуқларни қаноатланарли деб бўлмайди.

Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари ҳам сезиларли эканидан кўз юмиб бўлмайди. Ногирон болалар учун ҳар йили юз миллионлаб сўм миқдоридан нафақа пули берилмоқда. Агар оиладаги маънавий муҳит барқарор бўлмаса, ота-оналарни соғлом авлодни тарбиялаш борасидаги масъулияти қучаймаса бу борада кўзланилган мақсадларга эришиб бўлмайди.

---

<sup>1</sup> Қаранг. «Оила ва жамият» газетаси, 1996 йил июн.

### 3. ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР МАДАНИЯТИНИНГ ДИНИЙ ВА МИЛЛИЙ ЖИХАТЛАРИ

Совет тузуми даврида оила ва оилавий муносабатлар борасидаги яхши миллий ва диний анъаналаримиз хурофот, ўтмишнинг зарарли сарқити сифатида баҳоланди. Бу эса оилавий муносабатларнинг маънавий илдизлари анча заифлашиб қолишига олиб келди. Бундай сохтакорликлар айниқса ислом динининг оила ҳуқуқи, аёлнинг оиладаги мавқеи, бола тарбиясига оид анъаналари ва қадриятларини талқин этишда яққол кўзга ташланади. Ислом динининг оилавий муносабатлар, фарзанд тарбияси ҳақидаги қадриятлари реакцион деб эълон қилиниши тарих ҳақиқатини сохталаштиришга қаратилган мафкуравий найрангбозликларнинг яққол кўриниши эди.

Аёл кишининг обрў-эътибори, оилавий муносабатларнинг жамият ҳаётида, тараққиётида тутган ўрни масаласидаги исломий қонун-қоидалар ўз даври учун инқилобий аҳамиятга эга бўлгани, ҳозир ҳам катта ижтимоий, тарбиявий аҳамият касб этаётганини асло инкор этиб бўлмайди.

Ислом дини ўз даврида оилавий муносабатларнинг адолат ва инсонпарварлик билан боғланган мезонларни яратди, аёлларнинг ҳаққи-ҳуқуқини чекланмаган даражада камситиш, ёш қизларни гўдаклигидаёқ тириклайин кўмиб юбориш сингари урф-одатларга чек қўйди. Араб қабилалар ўртасида кенг тарқалган бундай одатларга амал қилиш катта гуноҳ сифатида баҳоланди.

Ҳар бир эркак имконияти ва шароитига қараб тўртта хотин олиши мумкинлиги тўғрисида ислом динида айtilган фикрларни ҳам конкрет тарихий шароитлар билан боғлаб баҳоламоқ керак. Бу борадаги исломий анъаналар эркак киши ўзи хоҳлаганича хотин олиши, ўз хоҳиши билан хотинларини ҳайдаб юбориши мумкинлиги билан боғлиқ бўлган эски урф-одатларга нисбатан олдинга қўйилган ижобий қадам эди. Уша даврларда қонли урушлар бўлиб, кўплаб эркаклар қурбон бўлганини ҳисобга олсак, шариат қоидалари ва ҳадисларда ўртага қўйилган бу фикрлар инсонпарварлик мақсадлари, мил-

лат, жамият тараққиёти истиқболларини чуқур ўйлаш билан боғлиқ эканини сезмаслик мумкин эмас. Эрлари урушларда ҳалок бўлган ёш аёллар муайян ахлоқий, ҳуқуқий мезонлар чегарасидан чиқа олмай, бир умр фарзандсиз ўтиб кетиши ҳам шахсий фожеа эмас, балки миллат, давлат истиқболи билан боғлиқ бўлган хатарли катта ижтимоий ҳодисадир. Шу сабабли ҳам Муҳаммад Саллолоху алайҳи вассалам ислом дини учун бўлган жангларда ҳалок бўлган сафдошларининг оилалари тақдирига бефарқ қарамади. У, юксак инсонпарварлик эътиқодидан келиб чиқиб, жангларда ҳалок бўлганларнинг оилаларига ғамхўрлик қилиш, ёш беваларни никоҳга олиш, болаларини тарбиялашни сафдошларидан, маслакдошларидан талаб қилди. Бевалар, аёллар бундай ҳимояга муҳтож эдилар. Уларни озиқ-овқат ва кийинишдан ташқари аёллик эҳтиёжлари ҳам бор. Жангда ҳалок бўлган дўстининг аёлини ўз никоҳига олиш, фарзандларини тарбиялаш ҳам давр мезонлари бўйича юксак инсонпарварлик фазилати ҳисобланарди. Агар шундай қилинмаса, боқувчисиз қолган аёллар ахлоқсиз йўлларга кириши ёки болалари билан очликдан ҳалок бўлиши турган гап эди. Ҳадисларда айтилганидек, «Бева хотинларга ва мискин бечораларга ёрдам берувчи киши гўё тангри йўлида, жиҳод қилувчи ёки кечалари ибодат қилувчи, кундузлари рўза тутувчилар билан баробардир».

Муҳаммад Саллолоху алайҳи вассаламнинг ўзи ҳам инсонпарварлик қадриятларига таяниб, бир неча ҳимоясиз қолган аёлни, сафдошларининг беваларини ўз никоҳига олгани маълум. У 53 ёшига қадар, яъни Ҳазрати Ҳадича ҳаёт бўлган даврларда у билан ўзаро ҳурмат ва садоқат асосида умр кечирди. Исломи дини учун бўлган курашлар Ҳадичанинг вафотидан сўнг кучайиб кетди. Кўплаб мусулмонлар жанг майдонларида ҳалок бўлди. Бошқа қабилаларга мансуб бўлган аёллар ҳам жангларда асир олинди, ҳимоясиз қолдилар. Муҳаммаднинг завжаларидан Ҳазрати Савда, Ҳазрати Ҳафса, Ҳазрати Зайнаб, Ҳазрати Умум Салама, Ҳазрати Жувайрия эрлари жангларда ҳалок бўлиб, бева қолган аёллар эди. Сўнги завжалари Ҳазрати Маймуна ҳам ёши элликлардан ошиб қолган камбағал бир аёл эди. Ҳазрати Сафийиа бўлса жангда асир олинган, яҳудий динига эътиқод қилувчи бир араб аёли бўлган. Бу аёлни Муҳаммад пул тўлаб қулликдан озод қилган ва у ўз ихтиёри билан Расули Акрамга турмушга чиққан. Ҳазрати Мория эса Миср ҳукумдори томонидан ҳадя қилиб юборилган икки жориядан бири эди. Расули Акрам уни ҳадя сифатида



қабул қилмай, қонуний равишда ўз никоҳига олди. Бу иш билан у Миср ва Арабистон ўртасидаги яхши муносабатларни сақлаб қолишга эришди. Бу иш Византия билан бўлган урушда Миср бетараф бўлиб қолишига сабаб бўлди<sup>1</sup>.

Демак, кўп хотинлилик тўғрисидаги ислом дини ақидаларини бу муаммога оид бўлган кўплаб тарихий аъёнлардан фарқлаш керак. Ислам кўп хотинлик масаласини турмушга биринчи марта киритган эмас, балки тарихий тараққиётнинг барча даврларида мавжуд бўлган бу аъёнани қонун билан белгилаган, тарихий тараққиёт заруриятлари билан боғлаб, ахлоқий мезонлар билан чекланган. Тарихда кўп хотинлик бирор ахлоқий, ҳуқуқий мезон билан чекланмаган ҳолда Шарқ ва Ғарб халқлари орасида кенг ёйилган эди. Ҳатто қадимги Афинада ҳам бир эркак хоҳлаганича хотин олиши мумкин бўлган.

Оила маданияти ва кўп хотинлилик масаласини чуқур ва холис таҳлил этган олимлардан бири Абдурауф Фитратдир. Фитрат ўзининг «Оила» номли асарида оиланинг моҳияти ва аҳамияти масалаларини чуқур чуқур таҳлил этишга ҳаракат қилган. У айниқса Ислам динининг оила ва кўп хотинлилик ҳақидаги ақидаларини ижтимоий ва табиий асосларини очиб беришга ҳаракат қилган. Унинг фикрича Аллоҳ эркак ва аёлни жуфт бўлиб яшаш, уй жой қилиб насл қолдириш учун яратган. Эркак ва аёл организмнинг физиологик тузилиши ва биологик эҳтиёжлари ҳам шунга мослашган. Шу жиҳатдан ҳақиқий оила бир эр ва бир хотиннинг ижтимоий-маънавий маъсулиятни англаши асосида тузилган бирлигидир.

Фитрат ўз асарларида кўп хотинлилик маълум ижтимоий ва табиий эҳтиёжлар билан боғлиқ эканлигини кўрсатади. Унинг, салбий ва ижобий томонларини ҳам кенг очиб беради. «Кўп хотинлилик, яъни иккита хотинга уйланиш, - деб ёзади у, - бевафолик, фасоду зулм ва инсофсизликка олиб келиши маълум. Бу шариат ҳукмига ҳам, ақл ва виждон ҳукмига ҳам тўғри келмайди»<sup>2</sup>. Лекин ҳаёт мураккаб, у ҳар доим ҳам бирдек, одамлар ўйлагандек бўлавермайди. Баъзан шафқатсиз урушлар кўплаб эркаклар қирилиб кетишига, болалари етим, аёллари бева қолишига сабаб бўлади. Аёлнинг қорин тўйдиришдан, кийинишдан бошқа эътибордан қолдириш мумкин бўлмаган табиий

<sup>1</sup> Қаранг. «Закои Кунрапа, Алвидо, дунё! Ассалом охират!», 98-105 бетлар.

<sup>2</sup> Фитрат Абдурауф. «Оила». 17 бет

эхтиёжлари ҳам бор. Бу эхтиёжлар ҳам аёлнинг маънавиятига кучли таъсир этади. Бундан ташқари инсон дунёга ўзидан кейин насл қолдириш учун келади, агар оилада фарзанд бўлмаса, эркак иккинчи хотинга уйланишга ҳаракат ҳам қилиши мумкин. Шу билан бирга аёл касал бўлиб ўзининг оиласи, эри олдидаги бурчини ҳам бажара олмай қолиши мумкин. Бундай вазиятда эр иккинчи хотинга уйланишини қоралаб бўлмайди.

Фитратнинг фикрича, Исломи дини кўп хотинлиликни манъ этмайди, чунки унинг фойдаси ҳам бор. Бу дин зулм хавфи бўлмаса, кўп хотинлилик жоиз деб буъоради.

Ҳўш, бу зулм хавфи нима, қандай қилиб унинг олдини олиш мумкин? Бу хавф – аёллар ҳаққида ҳиёнат қилиш, уларни камситиш, қадр-қимматини ерга уришдир. Яъни хотинларига нисбатан адолатсиз муносабатда бўлишдир. Фитратнинг фикрича эркак «агарда адолат қила олмаслиги эҳтимоли кўпроқ бўлса иккинчи хотинга уйланмоқ фикридан қайтмоғи керак»<sup>1</sup>.

Икки хотинга муносабатнинг мезони адолат ва инсофдир. Бундай муносабат эр билан хотинлари ўртасидагина эмас, балки кундошлар ўртасида ҳам ўрнатилиши лозим. Бу адолат хотинларнинг ейиши ва ичиши, кийиниши, аёллик эхтиёжлари қондирилишида ҳам бўлиши керак. Албатта, - дейди Фитрат, - икки хотини бор эркак ёш хотинини кўпроқ севади, унга кўпроқ эътибор беради. Бу ҳам адолатсизликнинг бир кўринишидир. Бу адолатсизликка чек қўйиш учун Фитрат шундай фикрни ўртага қўяди: «Кўпроқ севадиган хотинингизга камроқ майл қилинг, токи бошқа хотин хафа бўлмасин. Севмайдиган хотинни ҳурмат ва муҳаббат чегарасида тутиб турингиз, аслида севмасангиз ҳам зоҳирда шундай муомала қилингки, у севади деб ўйласин»<sup>2</sup>.

Фитратнинг фикрича, Исломи дини шундай ва бошқа адолатли, инсон қадр қимматини ерга урмайдиган шартларни бажариб иккинчи хотинга уйланишга руҳсат беради.

Албатта, биз Фитратнинг икки хотинлиги, кўп хотинлилик ҳақидаги фикрларини мутлақлаштирмоқчи эмасмиз. Бу фикрлар муайян тарихий даврлар ва шароитларга мослаб айтилгани маълум. Биз янги даврда, шароитда анча юксак ижтимоий, маънавий муҳитда яшамоқдамиз. Оилавий муносабатлар масаласида эски давр

<sup>1</sup> Фитрат Абдурауф «Оила» 19 бет.

<sup>2</sup> Фитрат Абдурауф «Оила» 19 бет.

андозаларига бутунлай мослаша олмаймиз. Лекин Фитратнинг оилавий муносабатлар мустаҳкамланишига маънавий замин бўладиган ахлоқий, ҳуқуқий мезонларлар ҳақидаги фикрларида маълум ҳаётий ҳақиқат борлигини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Расули Акрамнинг аёлларга, оила муқаддаслигига бўлган ҳурмати унинг Вадо Ҳажиди сўзлаган вадо хутбаларида яққол кўзга ташланади. У киши шундай сўзларни айтган эдилар: «Эй мўминлар, хотинларингиз хусусида Аллоҳдан кўрқингиз! Хотинлар Сизга тангрининг омонатидир. Уларни Аллоҳ номига сўз бериб олдингиз, улар амри Илоҳий ила Сизга ҳалол бўлди. Сизни хотинлар устида ҳақларингиз бўлгани каби, хотинларнинг ҳам Сизда ҳақлари бордир. Сизни хотинлардаги ҳақларингиз — хотинлар оила шарафини ҳеч бир кимсага оёқ ости қилдирмасликларидир. Хотинларингизнинг ҳар турли ейиш ва кийиш эҳтиёжларини таъминлашингиз эса уларни сизнинг устингиздаги ҳақларидир. Улар сизнинг ҳақларингизга риоя этмаклари керак. Сиз ҳам уларга назокат ила муомала этишингиз лозим. Бир хотин эрининг рухсатисиз унинг молидан бирор нарсани бировга бериши ҳалол эмас»<sup>1</sup>.

Ҳадислардаги, хайр-садақани ўз оилангиздан бошланг, деган фикрлар ҳам ислом дини оилани қанчалик муқаддас деб ҳисоблаганини, оиладаги фаровонлик ва адолатлилик, садоқат ва меҳр-муруватлилик, ақлли, меҳнатсевар фарзандларни тарбиялаш жамият ҳаёти ва тараққиётининг муҳим омилларидан бири сифатида қаралганини кўрсатади.

Ўзбекистон мустақилликка эришган ҳозирги кунларда оилавий муносабатларнинг маънавий асосларига оид бўлган диний ва миллий анъаналар, кадриятларни тиклаш ниҳоятда катта аҳамият касб этмоқда. Бу ўтмишга қайтиш эмас, балки келажак муаммоларига тарих сабоқлари, миллий меросни эътиборга олиб оқилона ёндашишдир.

Ўзбек оилалари асрлар давомида мустаҳкам, аҳил жамоа, маънавият ва тарбия ўчоғи бўлиб келган. Оиладаги муҳит, турмуш қуриш борасидаги анъаналар соғлом, маънавиятли авлодни тарбиялашга хизмат қилган. Оилада болаларни меҳнатсеварликка, баъзан оилавий анъаналар бўйича ҳунар-касбга, бир-бирини қўллаб-қўлтиқлашга, ота-онани, қўни-қўшниларни, кексаларни, жамоатчиликни ҳурмат қилишга ўргатганлар. Оиладаги соғлом

---

<sup>1</sup> «Закон Кунрапа, Алвидо дунё! Ассалом охират!», 16-бет.

маънавий муҳит янги оилаларнинг ҳам замини анча мустаҳкам бўлишига олиб келган. Шу сабабли ҳам бутун тарихимиз давомида ёш оилаларнинг арзимас сабаблар билан ажралиб қетиши, болаларнинг етим қолиш ҳоллари камдан-кам учраган. Ўзбек оиласининг маънавий асосларини ташкил этган миллий қадриятларимиз ҳақида Ислом Каримов шундан деган эди: «Оила бизнинг халқимиз учун миллатнинг кўп асрлик анъаналари ва руҳиятига мос бўлган муҳим ҳаётий қадриятлардан биридир. Республикада асосан оилалар кўп сонли бўлиб, уларда турли авлод вакиллари биргаликда яшайди ва бирга хўжалик юритади. Бу эса болаларни тарбиялаш, уларни умуминсоний маънавий қадриятлар, анъаналардан баҳраманд қилиш, билим даражасини ошириш учун қулай шароитлар яратади. Худди ана шундай анъаналардан одамлар болалик чоғлариданоқ меҳнатсеварликка, катталарга ҳурмат, билим эгаллашга интилишни ўрганадилар»<sup>1</sup>. Агар бутунги воқеликка очиқ кўз билан қарасак ўтмишнинг бу анъаналари ҳозир ҳам катта аҳамиятга эга эканлигини кўрамиз.

Ўзбек оилаларининг маънавий заминлари мустаҳкам бўлишига сабаб бўлган кўплаб миллий анъаналар бор. Буларнинг баъзилари устида алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Ўзбек халқи мақолларидан бирида айтилганидек, «отасини оғритган эл ичида хор бўлади, она дилини оғритган парча нонга зор бўлади». Бу мақол ҳам минглаб йиллик ҳаёт сабоқларини умумлаштиришга асосланган хулоса, фалсафий ҳикмат, ёшларга ўғитдир.

Ота-онанинг иззат-ҳурматини ўрнига кўяолмаган фарзандлар ўз болаларига ҳам ёмон ибрат бўладилар. «Қуш уясида кўрганини қилади», деганидек улар ҳам катта бўлгач ота-оналарини ҳурмат қилмасликка ўрганиб қолади. Шунинг учун ҳам халқ, «ўз ота-онанга қилганингни фарзандингдан кўрасан», деб бекорга айтмаган.

Миллий қадриятларимизнинг яна бир кўриниши — фарзандлар ота-онага меҳрибон бўлиш, уларнинг барча ҳожатларини чиқаришдир. Ҳадисларда, «олтмишдан ошган отадан ош-нон сўраманглар», деган ҳикмат бор. Кексайган ота-онанинг елкасига миниб олиб, текинтомоқликка ўрганиш катта гуноҳ ҳисобланади. Ҳаётда шундай воқеалар бўлиб турадики, ота-она бир умр кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, тер тўкиб ишлаб, ўн фарзандни боқиб, кийинтириб, тарбиялай оладию, вақти келса ўнта ноқобил фарзанд битта ота-онани боқа олмайди.

<sup>1</sup> И.А. Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида». Т., «Ўзбекистон», 1997., 253-бет.

Фарзандлик бурчи ёшликдан билим олиб, ҳунар ўрганиб, меҳнат қилиб ўзини, оиласини, бола чақасини, қариган ота-онасини таъминлашдир. Ота-она дунёда абадий яшамайди. Ота-онадан қолган мерос қанча кўп бўлса ҳам бир умр ишламай, текинхўрлик билан ҳаёт кечиришга етмайди. Ҳаётда энг кўп қадрланадиган нарса ҳалол меҳнат қилиб топилган бойликдир. Қариган ота-онадан ош-нон сўрамаслик ҳақидаги фикр ёшлар меҳнат қилиб мустақил ҳаёт кечириши керак, деган маънони билдиради. Ўзига тўқ, тинч яшаган ота-онага фарзандлари меҳнат қилиб, бир парча нон келтирсалар ҳам хурсанд бўлиб, уни табар-рук нарсадек пешонасига суртадилар. Бу ўринда ота-она фарзанди нон келтирганидан эмас, балки меҳнат қилиб, бола-чақасини таъминлаб, мустақил ҳаёт кечиришга қодир бўлиб қолганидан хурсанд бўлади. Ота-онанинг энг катта орзуси ҳам шудир.

Отанинг, онанинг ҳурматини жойига қўйиш, обрўсини баланд тутиш ҳам миллий маънавий қадриятларимиздан биридир. Ўзбекларда фарзанд ота-она ўтирган уйнинг томига чиқиши ҳам одобсизлик деб қаралган. Бу фикр рамзий маънода айtilган, албатта. Бу — фарзанд ўзини ота-онадан баланд қўймаслиги керак, деган маънони билдиради.

Аҳил оилада ҳал қилувчи сўзни ота айтади. Бу сўздан олдин у, албатта, оила аъзоларининг фикри ва манфаатини эътиборга олади. Шу сабабли ҳам миллий анъаналаримизда отадан олдин сўзлаш ёки ота ўрнига сўзлаш, унинг сўзини бўлиш ҳам беодобликнинг белгиси сифатида қаралган.

Ота-она қилган панду насиҳатларнинг фақат битта мақсади бор. Бу — фарзандлар ҳақида ғамхўрлик, уларнинг келажагини ўйлашдир. «Ота-она, — дейди Мустафо Хомийпошшо, — болаларига нисбатан яхши-ёмон йўлни билган бўлади. Шунинг учун ота-она болаларга тўғри йўлни кўрсатиб, насиҳат қилиши ва маслаҳатлар бериши зарур. Болалар кўпни кўрган ота-онанинг насиҳатларига қулоқ солиши шарт»<sup>1</sup>. Ота-онанинг сўзларига ишонмаган, ўзини улардан ақли деб ўйлаган бола ҳаётда кўпгина қийинчиликларга дуч келади. Донолар айтганидек, «агар бола ота-онасининг гапига қулоқ солса, уларнинг айтган йўлидан чиқмаса, берган насиҳатларини жон деб қабул қилса, уларга шунчаки қулоқ сола қўймай, бутун кучи билан амал қилишга уринса ва доим ёдида тутса, бундай бола албатта катта бўлганида бахтли бўлади»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони. Т., «Фан», 1994., 35-бет.

<sup>2</sup> Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони. Т., «Фан», 1994., 36-бет.

Ота-онани ҳурмат қилиш барча фарзандлар уларнинг гапига сўзсиз қулоқ солиши, иродасига тўла бўйсуниси керак деган маънони билдирмайди. Оилада фарзандларнинг фикр-мулоҳазаси ҳам катта аҳамиятга эга. Лекин фарзанд ота-онага ўз сўзи ёки эътирозини ҳамманинг олдида очиқ айтиши шарт эмас. Бундай иш ҳам одобсизлик белгиси ҳисобланади. Ўзбекларнинг, «отадан олдин сўзлаган боладан умид уз», деган мақолида ҳам ёшлар ота-онага, катталарга ўз фикр-мулоҳазаларни ётиғи билан, одоб қоидаларига таяниб билдириши лозим, деган маъно ётади.

Миллий анъаналаримизга кўра отанинг сўзини ерда қолдирмаслик ҳам ҳурмат ва одоб доирасида бажариладиган бурчдир. Шундай муомала фарзандларнинг манфаатига ҳам зид келмайди. Чунки одил, меҳрибон ота ҳеч қачон уларнинг манфаатларига зид сўзларни айтмайди, ишларни қилмайди, қилдирмайди. Отанинг сўзига қулоқ солиш ҳам катта ҳаёт мактабидир. Бу мактабда фарзандларгина эмас, балки уларнинг болалари ҳам таълим олади.

Ўзбекларда «яхши ўғил — жон ўртоқ, ёмон ўғил — мол ўртоқ», деган ҳикматли сўз бор. Бу сўз ҳам миллий маънавиятимизнинг моҳиятидан келиб чиққан.

Ота-она катта умид билан бола тарбиялайди. Уларни боқиб, кийинтириб, тарбия бериб, имкони бўлса, фарзандларимга қолсин, деб бироз мол-дунё ҳам орттиради. Миллий анъаналаримизга кўра ота-она уйида оддий нинаси бўлса ҳам фарзандларига беради. Улар бу дунёдан ҳеч нарса олиб кетиш мумкин эмаслигини яхши биладилар. Лекин фарзандлар бутун умидини ота-онадан қоладиган меросга қаратиб, уларга бўлган муносабатини ҳам шунга қараб белгилашлари маънавиятлилик белгиси эмас. Баъзан айрим фарзандлар ота-онага жуда меҳрибон бўлиб турадилару, ўзларига тегишли меросни олганидан кейин бирдангина бутунлай ўзгариб кетадилар. Бундай қилиш худбинлик, имонсизлик, инсофсизликдир!

Бир воқеани эсга олгимиз келади. Бундай йигирма йиллар муқаддам, яъни етмишинчи йилларнинг охирида, хотини вафот этиб, кўп йиллар ёлғиз яшаган отахон касал бўлиб қолди. Худди шу вақтда унинг эски замондан қолган олтинлари борлиги тўғрисида гап тарқалади. Меҳрибонлари шунчалик кўпайиб кетдики, ҳатто у касалхонада ётганида олдида навбатчилик қилиш ҳам талаш бўлиб қолди. Лекин вафотидан бироз олдин ҳеч қандай мол-дунёси йўқлигини, бор нарсасини совет ҳокимияти тортиб олганини айтганида унга бўлган муносабат ҳам ўзгариб

кетди. Вафот этганидан сўнг кўпчилик «меҳрибонлари» дафн маросимида ҳам иштирок этмадилар. Бу ҳам ноқобил фарзандлар, меҳр-оқибатсиз қариндош-уруғларда учраб турадиган, миллий руҳиятимизга зид бўлган маънавий пасткашликнинг кўринишидир.

Дунёдаги энг катта бойлик — ҳар кимнинг ўз меҳнати билан топган нарсаси. Пешона тери тўкиб топилган нарса кўпроқ қадрли ҳам бўлади. Бундай бойлик фарзанд бахтини ўйлайдиган ота-оналар учун юз карра қимматлироқ. Ўзбекларда, «экканингни ўрасан», деган гап бор. Тарбия жараёнида фарзандлар қалбига қандай уруғ эхсак, аччиқ ёки чучук мевасини ўзимиз татиймиз.

Албатта, фарзанд тарбияси билан боғлиқ бўлган барча миллий, диний, анъана ва қадриятларимизни тўла санаб ўтиш қийин. Унинг янги ва янги қирраларини ҳаётнинг ўзи келтириб чиқара беради.

Оила, оилавий муносабатлар борасидаги диний ва миллий қадриятлар бир-бири билан шунчалик боғланиб, уйғунлашиб кетганки, уларни ажратиб қараш ҳам амри маҳолдир. Лекин диний қадриятларга нисбатан миллий қадриятларнинг жамоатчилик фикри ва таъсири борасидаги илдиэлари чуқурроқ ва теранроқдир. Бу борадаги миллий мерос, урф-одат ва анъаналар минглаб йиллар давомида шаклланган. Исломи дини эса уларнинг энг яхшиларини, ижтимоий ва маънавий камолотга асос бўла оладиганларини олиб, савобли иш сифатида талқин этган, уларга эътиқод қилишни инсон қалбидан ўрин олган маънавий бурч ва масъулият даражасига кўтарган.

Ёшлар маънавиятнинг биринчи пойдеворини қўядиган меъмор — ота-онадир, оиладаги муҳит ва тарбиядир. Ёшларнинг тарбиясига қариндош уруғлар, маҳалла-қўй, қўни-қўшнилар ҳам катта таъсир кўрсатади.

#### 4. ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИНГ ОИЛАВИЙ ХАЁТ ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ТАЪСИРИ

Фарзанд тарбияси қўни-қўшнилар таъсири, маҳаллалардаги муҳитга ҳам боғлиқлиги сабабли ўзбеклар барча даврларда жамоатчилик фикрига бефарқ қарамаган «Ҳовли олма, қўшни ол», «Қўшнинг тинч бўлса, сен ҳам тинчсан», «Қиёмат куни қўшнидан», деган мақоллар ҳам ижтимоий муҳитнинг инсон, жамият ҳаётидаги ўрнини, аҳамиятини юксак даражада ифодалаган ҳикматлардир.

Ҳар бир оиланинг тинчлиги — ёнма-ён яшаётган қўшнининг ҳам тинчлиги. Шу сабабли ҳам оилалар ўртасидаги илиқ, самимий алоқалар маҳаллалар ва қишлоқлардаги қўни-қўшничилик муносабатларининг асосий шаклини ташкил этади.

Қўшнилар бир-бирининг оилавий турмуш шароитларини, эр ва хотин ўртасидаги муносабатларнинг аҳволини, фарзандлар тарбияси борасидаги ютуқ ва камчиликларни бошқалардан кўра яхши билганлар, турмушнинг қувончли кунларида, мотам дамларида бир-бирига маслаҳатчи, кўмакдош бўлганлар. Ҳар бир оилани ички аҳволини ҳеч ким унинг қўшнисини каби яхши билмаган. Бу ҳақда ҳадисларда шундай ҳикматли сўзлар айтилган: «Қўшниларингиз яхши одам дейишаётган бўлса, демак сиз яхши одамсиз. Аммо, улар сизни ёмон дейишаётган бўлса, демак сиз ёмон одамдирсиз». Бу ҳам жамоатчилик фикри оила барқарорлиги, фарзанд тарбияси учун катта аҳамиятга эга бўлганини кўрсатади.

Эр ва хотин, фарзандлар жамоатчилик фикрини ҳурмат қилгани учун ҳам оиладаги майда икир-чикирларни ҳамма ёққа овоза қилмай, келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этишга ҳаракат қилганлар. Жамоатчиликдан, қўни-қўшнидан уялиш кичик учкун алангага айланмаслигига, арзимас баҳона билан ёш оилалар бузилиб кетмаслигига сабаб бўлган. Жиддий келишмовчиликлари бўлган кўплаб эру-хотинлар, оталар ва болалар маҳалла жамоатчилиги аралашуви, кексаларнинг насиҳатлари натижасида ярашиб, яна ширин турмуш кечира бошлаганлар. Маҳалла жамоатчилигининг таъсири натижасида муносабатлари яхшиланиб, аҳил турмуш кечираётган кўплаб оилалар ҳозир ҳам мавжуд.



Жамоатчилик, кўни-қўшнилари оиладаги бола тарбияси масаласига ҳам бефарқ қарамаган. Ёшлар ахлоқий нопокликка йўл қўйса биринчи галда ота-онасига танбеҳ берганлар. Агар бундан ҳам фойда келмаса ноқобил фарзанднинг ўзи билан суҳбатлашиб, уни тўғри йўлга солишга ҳаракат қилганлар. Ота-оналар ҳам ўз фарзандларининг қилмишлари учун биринчи навбатда кўни-қўшнилари, маҳалла жамоатчилиги олдида ҳижолат чекканлар. Баъзи оилаларда учраб турадиган номаъқулчиликлар, ахлоқсизликлар жамоатчиликнинг уларга нисбатан салбий фикрини шакллантирган. Ўтмишда баъзи оилалар маънавий тубанлашгани, жамоатчиликни тан олмагани, унинг фикрига қулоқ солмагани учун маҳалладан, қишлоқдан кўчириб юборилган. Бу кўпчиликка қаттиқ таъсир этган, бошқалар ҳам бу ишдан ўзи учун керакли хулоса чиқарганлар. Ҳар бир ота-она учун ўз фарзандининг ахлоқи, одоби, юриши, туриши учун кўни қўшнилари, «Отанга раҳмат», деган сўзни эшитиш энг олий мукофот бўлган. Халқнинг, «онаси мақтаган қизни олма, эл мақтаган қизни ол», деган мақолида ҳам ҳар бир ёшнинг ахлоқи ва одобига кўни-қўшнилари ҳолис баҳо бера олиши мумкинлиги акс этган. Шу сабабли ҳам ўзбеклар бир қизга совчи бўлишса унинг кимлигини, юриши, туриши қандайлигини биринчи марта яқин кўни-қўшнилари билан суриштирганлар.

Фарзандларнинг ўз ота-онасига бўлган муносабати ҳам жамоатчилик эътиборидан четда қолмаган.

Ҳар бир оиланинг тинчлиги барча кўни-қўшнилари, қолаверса, бутун маҳалланинг тинчлигидир. Бир уйда эру хотин, фарзандлар ва ота-оналар ўртасида доим жанжал, уруш бўлаверса кўни-қўшнилари тинчлиги ҳам, ёшларнинг тарбияси ҳам бузилади. Бундай оилаларни мурсою-мадорага келтириш ҳам фойдали, ҳам савобли ишдир. Жанжал чиққан оиладаги эру хотинни, ота-она билан фарзандларни, ака-укалар ва опа-сингилларни яраштириб қўйган кишилар бундан ўзлари учун ҳам хулоса чиқариб оладилар. Бошқаларнинг хато ва камчиликларини кўриш ҳар бир шахс ўзини чуқур англай олиши учун ҳам муҳим бир йўлдир. Дунёда бенуқсон инсон йўқ. Гарчи, баъзи қилган хато ва ноҳўя ишларимиз ўзимизнинг кўзимизга кўринмаса ҳам бошқаларнинг хатоларини кўриб ўйлаймиз, хулоса чиқарамиз.

Ноаҳил оилалар, ноқобил фарзандларга кўрсатиладиган жамоатчилик таъсири дўқ-пўписа, юзаки насиҳат ёки хўжа кўрсинга қилинадиган иш эмас. Бу ниҳоятда мураккаб, масъули-

ятли, ижтимоий-тарбиявий, психологик жараёнدير. Агар ёшларга, номақбул ишлар қилаётган кишиларга нисбатан жамоатчилик таъсирини кучайтириш билан боғлиқ бўлган тадбирлар юзаси ўтказилса бундан ҳеч қандай самара чиқмайди. Ёшлар бундай тадбирларга кўникиб, оқсоқоллар, маҳалла фаолларининг фикрини тинглайди-ю, кўчага чиқиб яна эски ишини давом эттира беради.

Одамзотда қизиқ бир хусусият бор. Ҳамма бошқаларга насиҳат қилишга устаю, аммо ўзига-ўзи холис баҳо беришга баъзан ожизлик қилади. Шу сабабли ҳам гўзал ахлоқ ва одоб ҳақида чиройли сўзларни айтган одамлар ўзлари ҳеч иккиланмай ахлоқсиз ишларга йўл кўя берадилар. «Домлани айтганини қил, қилганини қилма», деган фикрнинг мазмуни ҳам худди шу маънони билдиради.

Жамоатчилик фикрининг инсон ўз-ўзини англашидаги ўрни ва аҳамияти каттадир. Инсон ўзига баҳо берганида ҳар доим фикрини «якши», деган нуқтадан бошлайди. Унинг ўзи ҳақидаги фикри жуда юқори бўлгани учун бошқаларнинг хато ва камчиликларини тезроқ ва кўпроқ кўради. Инсон ўзига холис баҳо бераолмаганлиги у ўз-ўзини холис, тўғри англаш имконига эга бўлмаганидан келиб чиқади. Ҳақиқий инсон бошқаларга баҳо беришдан олдин ўзининг ким эканини ҳам чуқур англаб олиши керак. Ўзини англамаган кишининг ўзи ҳақидаги фикри ҳам, бошқалар ҳақидаги фикри ҳам бирёқлама бўлади. Одатда ашаддий ўғри, каллакесар, фирибгар, ифвогар, ахлоқсиз кишилар ҳам қилмишларини асослаш учун маънавий асос излайдилар. Бундай кишилар, одатда, ўзларини ҳақ деб ҳисоблайдилар. Бировга озор бердим, бировни алдадим, деган фикр уларнинг ҳаёлига ҳам келмайди. Бундай йўлдан бориш бошқаларни алдаш эмас, балки инсон ўз-ўзини алдашидир.

Инсон ўзи-ўзини алдаса ҳам жамоатчиликни алдаши қийин. Ҳаётда йўл кўйган ҳар бир хато ва камчилигимизни ўзимиздан кўра бошқалар якшироқ сезади. Шу сабабли ҳам ақили, меҳрибон ота-оналар ўз фарзандларининг қилмишларига, юриш-туришига кўни-кўшнилари, жамоатчилик фикрини эътиборга олиб баҳо беришга ҳаракат қиладилар.

Ота-она учун дунёда фарзанддан ширин нарса йўқ. Қора қарга боласини оппоғим дейди, типратикан — юмшоғим дейди, деган гап бор халқда. Шу сабабли ота-оналар кўпинча фарзандларининг ахлоқсизлиги, жинойий ишларига тўғри баҳо бераолмайди. Ота-она жаҳл устида фарзандларидан маҳаллага шикоят қилиб чиқсалар ҳам, аҳвол чигаллашиб кетса дарҳол ўз даъво-

ларидан қайтадилар, кечирим сўрайдилар. Қариндош-уруғларда ҳам шундай пайтларда қондошлик, жондошлик туйғуси кучайиб кетади. Бундай жонқуярликлар ва ҳимоя ахлоқсизлик, жиноят қилган болани янги «қаҳрамонлик»ларга илҳомлантиради.

Оилаларда бўлган келишмовчиликлар, жанжаллар, ахлоқсизликлар, кичик жиноятларга баҳо беришни ақлли, обрў-эътиборли, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган оқсоқолларга топшириш маъқулдир. Ҳаётда кўпни кўрган отахон ва онахонлар бундай ишларни адолатли ҳал қиладилар.

Бирор оиладаги ёмон вазиятга нисбатан жамоатчилик фикрини билдиришдан мақсад ахлоқ, одоб, баъзан қонун чегарасидан чиққан кишиларга насиҳат қилиш, уларни тўғри йўлга солишдир. Бу ишдаги самарали йўл феълу-атвори муҳокама этилаётган шахсни ўз виждонига мурожаат қилишга ўргатишдир. Бирорнинг ишини бошқалар қоралаганидан кўра инсон ўз қилмишининг хато эканлигини виждонан англаб етгани маъқулроқ бўлади. Ахлоқий суд — инсон виждон амри билан ўзи устидан ўзи ҳуқум чиқаришдир. Агар инсон бирор қонунсиз ишни қилиб қўйиб, жамият ва жамоатчилик олдида жавоб бериши керак бўлса, бу — жиноят дейилади. Агар бирор ишни қилиб қўйиб, ўз-ўзи олдида жавоб бериши керак бўлса — бу виждон таҳлили дейилади. Бинобарин, жамоатчилик фикри биринчи навбатда инсоннинг виждонини уйғотишга, унинг қилмишларига ўзи ҳолисона баҳо беришга ўргатишга қаратилмоғи керак. Кишиларни ўз виждонига қулоқ солишга даъват этиш, айниқса муросага келмаётган ота-оналар, ака-укалар, опа-сингилларни яраштириб қўйишда анча қўл келади.

Жамоатчилик фикри ота-оналар ва болаларнинг жамият, жамоатчилик олдидаги масъулиятини кучайтирадиган катта ижтимоий, маънавий омилдир.

«Қонун — давлатнинг виждонидир», деган эди машҳур файласуф Гоббс. Виждон эса инсон фаолиятини тўғри, адолатли изга солувчи ички руҳий қонундир. Фақат виждон асосида инсон бошқаларнинг гапларига қулоқ солади, улардан ибрат олади, фаолиятини муайян ахлоқ ва ҳуқуқ мезонларига мослайди, ўзини англаш орқали бошқаларни чуқурроқ англай бошлайди.

Миллий ва диний анъаналаримизга кўра қўни-қўшниларнинг ёшларга маънавий таъсир этиши, ораси бузилган эр ва хотин ёки икки оиланинг ўртасига тушиб яраштириб қўйиши савоблилиги жиҳатидан рўза, намоз ва садақа қилишдан ҳам афзалроқ туради.

Бу ўринда Расули Акрамнинг ҳадисларда айтган қуйидаги фикрларини келтириш мумкин: «Рўза, намоз ва садақа қилишдан ҳам афзалроқ амалдан хабар берайми? Бу икки кишини яраштириб қўйишдир. Бировларнинг ўртасини бузиш диннинг қиронидир».

Бу фикрдан кўринадики, икки кишини яраштириш савобли иш бўлса, улар ўртасини турли низо ва иғволар тарқатиш орқали бузиш — катта гуноҳдир. Шариат қоидаларида ҳам эрхотинлар орасида гап ташиб, уларнинг ўрталарини бузиш зулуми ҳаромлар жумласига киритилган.

Ўзбек оилаларининг қариндош-уруғ, қўни-қўшни, маҳалла-қўй билан муносабатларга асос бўлган маънавий омиллар жумласига ҳамкорлик, ҳамдардлик, маслаҳатгўйлик, гамхўрлик, оғир ва енгил дамларда бир-бирига елкадош, кўмақдош бўлиш сингари фазилатлар ҳам киради. Бу борадаги маросимлар, анъаналар, урф-одатлар яхши муносабатларнинг белгисигина эмас, балки буюк миллий бойлигимиздир. Бундай қадриятларни ривожлантириш маънавий камолатимизнинг муҳим йўли бўлиб қолмоқда.

Ўзбекларда битта болага етти қўни-қўшни ота-онадир, деган гап бор. Бу ҳам бизнинг буюк миллий қадриятимиз. Маҳаллаларда, қишлоқларда қўни-қўшнилар, айниқса кексалар ёшларнинг юриш-туришига бефарқ қарамайдилар, ҳар қадамда уларни тарбиялашга, тўғри йўлга солишга ҳаракат қиладилар, ҳалол меҳнатга чорлайдилар.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистондаги кўплаб маҳаллаларда «Қизларни турмушга тайёрлаш» дастури бўйича эътиборга сазовор ишлар қилинди. Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги «Бозор-Яйпан» маҳалласида «Момолардан бизга мерос», мавзусида давра суҳбатлари ўтказилди. Суҳбатда кекса онахонлар қизлар билан ахлоқ, одоб, имон, инсоф, ҳалоллик, қизлик иффати ва қадр-қиммати ҳақида суҳбатлар ўтказиб, уларга уй-рўзғор ишларини олиб бориш, бичиш-тикишни ўргатишга ҳам катта эътибор бердилар. Аёлларнинг ташаббуси билан «Оқила қиз» кўрик-танлови ҳам ўтказилди. Улар қизларга ахлоқ-одоб тарбиясини беришда халқимизнинг «Сепли келин бўлгунча, эп-ли келин бўлгин», деган нақлига таяниб иш олиб бордилар. Маҳаллада «қизлар тарбияси қандай бўлиш керак» деган мавзуда ҳам бахс мунозара ўтказилди.

Бундай хайрли ишлар жамоатчилик томонидан Наманган вилоятидаги Учкўрғон шаҳри маҳаллаларидан бирида ҳам ўтказилди. Маҳалланинг тажрибали аёллари ёш қизларга миллий, диний ах-

лоқий қадриятларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш билан бирга каштачилик, бичиш-тикиш, тўр пардалар тўқиш сирларини ҳам ўргатдилар. Ёш қизлар турмуш сирлари, оила қуриш, фарзанд тарбиялаш, ота-онани, қариндош-уруғларни ҳурмат қилиш масаласида кўпни кўрган онахонларнинг фикр, маслаҳатларини тингладилар. Ҳатто ёш келинларни алла айтишга ўргатиш масаласи ҳам эътибордан қолмади.

Фарғона вилоятида 1996 йилда ташкил этилган «Фаҳрий аёллар» клубининг фаолияти ҳам эътиборга сазовордир. Бу клуб аъзолари ёшлар билан учрашувлар ўтказиб, уларга ажойиб миллий ахлоқий қадриятларимиз, оилавий муносабатлар мезонлари, эрини, ота-онани ҳурмат қилиш, яхши фарзандлар тарбиялаш мавзуларида суҳбатлар ўтказиб, ўзлари тўплаган ҳаётий тажриба ҳақида сўзлаб бердилар. Ёшлар кўпчиликнинг тажрибасидан ҳаётнинг турли икир-чикирларини ҳам тўлароқ билиб олиш имконига эга бўладилар.

Маҳалла-қўй, қўни-қўшнилар ҳамкорлиги, ҳамдардлигини кўрсатувчи яна бир масала устида тўхтаб ўтайлик. Одатда ўзбек қишлоқлари, маҳаллаларида бирор хонадонда тўй, катта йиғин бўлиб қолса, ёшлар ҳеч кимнинг даъватисиз эртадан кечгача хизмат қиладилар. Барча қўни-қўшнилар ҳам дастурхон безаш, таом пишириш, келган меҳмонларни кутиш ва кузатишда тўй эгасига ёрдам беради. Келган меҳмонларни тўй эгасигина эмас, балки яқин қўни-қўшнилар ҳам тик туриб, кўксига қўлини қўйиб ҳурмат билан кутиб олиши, барча ёш-яланглар югуриб-елиб хизмат қилиб юриши ҳам шундай буюк маънавият белгисики, баъзан чуқур ўйлаб унинг моҳиятини, тарбиявий аҳамиятини, тарихий илдизларини тасаввур қилмаймиз. Мавжуд муҳитга қўниқиб кетганлигимиз сабабли улар одатдаги бир ҳолдек кўринади. Агар бу ишларга 10 йиллаб қўни-қўшни бўлиб яшаб, бир-бирини танимаган, бориш-келиш қилмаган одамлар кўзи билан қарасак, бундай маънавий муҳитнинг моҳиятини чуқурроқ англаш имкониятига эга бўламиз. Бундай урф-одатлар ҳалқимизда қадим-қадим замонларда ҳам бўлган. Улар оилавий, шахсий муносабатлар борасидаги исломий қадриятлар шаклланишга ҳам катта таъсир кўрсатган.

Булар ҳаммаси жамоатчилик фикри таъсирида шаклланган қадриятлардир. Агар наҳорги ошга айтишса, касал бўлсак ҳам жамоатчилик фикрини ҳурмат қилганимиз учун борамиз. Буни англаш учун ўзбекона қалб керак, руҳият, маънавият керак.

Тарихан шаклланган, жамоатчилик фикри асосида сақланиб келган бундай анъаналар етимларга, бева-бечораларга, беморларга меҳр-мурувват, раҳм-шафқат кўрсатиш масалаласида айниқса кучли бўлган. Бу фикрни асослаш учун ҳадиси-шарифларда айтилган қуйидаги сўзларни келтириш мумкин:

«Ён қўшниси оч туриб, ўз қорнини тўйғазиб юрган одам мўмин комил эмас». Бу фикрлар ёшлар учун ҳозир ҳам катта тарбия мактаби бўла олади.

Оилани мустақкамлаш, ёшларни тарбиялашда жамоатчилик фикрининг кучи ва таъсиридан кенг фойдаланиш ҳозирги кунда ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Бу борадаги тажриба ва анъаналардан самарали фойдаланиш мустақиллик шароитида амалга оширилаётган маънавий, тарбиявий ишларни яхшилашнинг муҳим шarti ҳисобланади.

## 5. ОТА-ОНА ИБРАТИ – ФАРЗАНДЛАР ЗИЙНАТИ

Барча даврларда ота-оналарнинг катта ҳаётий тажрибаси, бири-бирига ҳурмати, садоқати, муҳаббати, ҳамфикрлилиги, имонлилиги, инсофлилиги, меҳнатсеварлиги, оилапарварлиги фарзандлар учун комолот мактаби бўлган. Бу мактабда барча бир умр унутилмайдиган, эътиқодига чуқур сингадиган сабоқ олган.

Фарзандлар учун аҳил, садоқатли, ҳалол, меҳнатсевар, имонли, инсофли ота-она кучоғида тарбияланишидан юксак бахт бўлмайди. Фарзанд олдин ота-она ибрати моҳиятини руҳан, виждонан, ақл-идрок билан англайди, кейин шу эътиқоддан келиб чиққан ҳолда хайрли ишларни қилади. Ҳаётда оғир-енгиликларни кўп кўрган, ҳалол меҳнат қилиб кун кўришга ўрганган ота-она ўз фарзандларига яхши тарбия бериш имконига кўпроқ эга бўлади. Шу сабабли ҳам Расули Акрам ҳалол меҳнат қилиб бола-чақа боқиш, уларга ахлоқ ва одоб ўргатишнинг савоби нафл-намоз ўқувчиларнинг савоби билан тенгдур, деб айтган эди.

Бир доно отанинг уйланаётган ўғлига қилган қуйидаги насихатлари ҳам диққатга сазовордир. У шундай деган экан: «Хотин киши ширин сўзнинг шайдоси, унга доим ширин муомалада бўл, лекин назокат ва иффатни талаб қил. Нуқсонни бўлса ётиғи билан тушунтир, уни ҳеч қачон маломат ва ҳақорат қилма, акс ҳолда чуволчангдай беозор хотин аждарга айланади. Мулоимлик ва ширин сўз билан хотин кишини абадий дўст қилса бўлади. Дунёда хотиндек садоқатли дўстни топиб бўлмайди».

Бу фикрларни битта отанинг насихати деб тушуниш мумкин эмас. Ҳар қандай ота-она ўз халқи маънавияти булоғидан баҳраманд бўлгани сабабли юқоридаги сўзларда оилавий муносабатларга асос бўлган миллий ахлоқ мезонлари, қадриятлар тизими кўзга ташланади. Шу сабабли ҳам ўзбеклар асрлар давомида аёл кишини қадрлашни, уни ҳурмат қилиб, ширин муомалада бўлишни эркак учун зарур бўлган юксак ахлоқий фазилат деб қараганлар. «Доимо кулиб турадиган эрнинг хотини дунёдаги энг бахтли аёлдир», деган хикматли сўз ҳам юқоридаги фикримизнинг исботи.

Ўғил бола ўз умр йўлдошини ҳурмат қилишни отасидан, қиз бола ўз эрига қандай муносабатда бўлишни асосан онасидан ўрганади. Ҳадисларда ҳам эр ўз хотинига адолатли муносабатда бўлиши имонлиликнинг муҳим белгиси сифатида талқин этилади. Ҳадисларда айтилган қуйидаги ҳикматли сўзлар фикримизнинг исботи бўла олади: «Имон жиҳатидан мўминларнинг комилроғи — ҳулқи яхши бўлгани, хотинларга яхши муомала қилганидир», «Тангри аёллар билан яхши муомалада бўлишингизни тавсия этади, чунки улар оналарингиз, қизларингиз, холаларингиздир». Бу фикрларда шарқона оилавий муносабатларнинг адолатли, демократик асослари очиқ кўрсатиб берилган. Булар оддий сўзлар эмас, балки илоҳий ирода сифатида мусулмонларга қарата айтиладиган ахлоқий йўлланмалардир. Оилада эр ва хотин ўртасидаги муносабатга асос бўлган ахлоқий қадриятларнинг асосларини худди шу фикрлардан ҳам изламоқ керак.

Оилада эр ва хотиннинг ўзаро муносабатига, улар фарзанд тарбиялаш борасидаги масъулиятини аниқлашига жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муносабатлар ҳам таъсир этади. Фақат адолатли жамиятдагина эр ва хотин ўртасидаги муносабат тенглик ва тенг ҳуқуқлиликка таяниши мумкин.

Ота-она ҳаётда билиб-билмай баъзан адолатсизликларга ҳам йўл қўяди. Лекин энг катта адолатсизлик — фарзандларни ноўрин ранжитиш, уларни тирик етим қилишдир. Фарзандлари ақлли, хушли бўлиб қолган даврда ҳалол хотини устига хотин олган, маишатпарастлик йўлига ўтган ота, фарзандларини ташлаб кетган она болаларининг тарбиясига салбий таъсир этади. Бундай вазиятда қолган фарзандлар руҳан эзилади, ёрудуслари, маҳалла-қуйдаги одамларнинг юзига ҳам тик қарай олмайди. Бундай сабаблар билан боғланган армон, изтироб уларнинг қалбида чуқур из қолдиради. Отанинг оилага енгил-елпи қараши баъзан фарзандларига ҳам таъсир этади.

Айрим оталар, опалар фарзандларини ҳалол меҳнат қилиб пул топишга, тинч, осойишта турмуш кечиришга ўргатмай, жиноят йўлига бошлайдилар ҳам. Оҳангарон шаҳрида истиқомат қилувчи Эшонқулов деган шахс қилган жинойий ишлари учун аввал икки марта қамалган. Лекин ёмон йўлга кирган одамни ҳалол ишлаб кун кўришга ўрганиши ҳам қийин экан. У 2000 йил бошида ўз ўғлини ҳам дўконларни талаш, тижоратчиларни алдаб, қўрқитиб пул ундиришга ўргатди. Қинғир ишнинг қийиғи бир куни чиқади,



деганидек, ота-боланинг жинсий режалари узоқ давом этмади. Суд ҳукми билан энди турмага ота-бола бирга боришадиган бўлди. Фарзандини жиноят йўлига бошлаган ота ўз жигаргўшасининг бахтини бир умр қора қилгани эмасми? Бундайларни ота деб аташга ҳам тил бормаиди.

Баъзи оналар ўз фарзандларига нисбатан шундай бемехр бўладиларки, уларда инсоний қалб, виждон бормикан, деб ўйлаб қоласан киши. Андижон вилояти Пахтаобод тумани милиция ходимлари меҳр-мурувват уйига жойлаштирган Дилафрўз исмли қизчанинг тақдири бунга мисол бўла олади. Унинг онаси эри билан ажрашгач, савдогарчилик мақсадида турли шаҳарларга қатнай бошлаган. Савдогарчилик айб эмас, албатта. Лекин у ёш қизчасининг бошқалардан олган пули ёки моли ҳисобига залог (кафолот) сифатида бериб кетган. Ҳатто бир куни қизини Жиззахлик бегона бир одамга юз дона қовунга ҳам кафолот сифатида ташлаб кетган. Қизчанинг онаси келавермагач, қовун сотган одам уни бир ўзини автобусга ўтказиб, Андижонга жўнатиб юборган. Қизча кўчаларда қаерга боришини билмай сарсон бўлиб юрганида милиция ходимлари уни топиб олишган.

Айрим ҳолларда ёш болаларини ота-онасига ташлаб, маишат, молу дунё излаб бошқа жойларга кетиб қолаётган, ёш гўдакларни она меҳридан жудо қилаётган аёллар ҳам кам эмас. Бундайларни инсон қиёфасини йўқотган, ҳайвонлардан ҳам тубанлашиб кетган кишилар деб айтиш мумкин.

Фарғоналик Нилуфар исмли ёш қизча ҳам дайдиб юриб Андижонга келиб қолган. Милиция ходимлари унинг онасига, кекса бувисига хабар беришса ҳам улар келиб ўз фарзандини олиб кетишмаган<sup>1</sup>.

Ота-она фарзандини ҳаддан ташқари эркалитиб, айтганини қилаверса ҳам бир куни бориб пушаймон бўлиб қолади. Фарзанди қилган ёмон қилиқлар, ҳатто жиноятчилик ишларидан ота-оналари бир умр афсусланиб, маҳалла-куй олдида ҳижолат чекиб, руҳий изтиробда юрганини яхши биламиз.

Бундай ота-оналар фарзандлари қилган ноҳўя ишларга ўзлари айбдор эканини кейинроқ сезиб, пушаймон бўлиб юрадилар. Халқ сўнги пушаймон, ўзингга душман, деб бекорга айтмаган.

Андижон шаҳрида яшовчи бадавлат бир одамнинг Қосимжон исмли ўғли бўлган. У бир куни отасига, мен ҳам тижоратчи

---

<sup>1</sup> «На посту» газетаси, 2000 йил 20 апрел.

бўлмоқчиман, менга бу ишни ўргатинг, деган. Ота дарҳол фарзандига шаҳар бозори ичидан бир дўкон очиб берган. У ҳар куни савдодан тушган пулнинг бир қисмини отасидан яшириб олиб қолиб, ўртоқлари билан ароқ ичиб, қимор ўйнаб юрган.

Тижоратчилик ҳам унинг жонига тегиб, отасига институтга кириб ўқиш нияти борлигини айтган. У институтга кириш учун тайёргарлик кўрмай ҳар куни яна дўстлари билан ичкиликбозлик қилиб юрган. Ниҳоят кунлардан бирида ичкилик орқасида жанжал кўтарилган. Қосимжон пичоқ билан дўстига ташланганида дўстлари уни ажратиб уйига олиб бориб қўйишган. Лекин у тинчимай пичоқ олиб кўчага чиққанида, тасодифан учраган бир дўсти уни милиция ходимлари қўлидан ажратиб олиб, уйига олиб бориб қўймоқчи бўлганида уни кўкрагига пичоқ уриб ўлдирган<sup>1</sup>.

Мана, бир муттаҳам деб бегуноҳ ёш йигит ҳаётдан кўз юмди, ота-онаси бошига ҳам оғир мусибат тушди.

Бу ишларда биринчи навбатда фарзандини ҳаддан ташқари эркатой қилиб тарбиялаган ота-она айбдор. Улар ўзлари тортаётган руҳий азоблардан ташқари бутун маҳалла-куй олдида ҳам бадном бўлишди.

Сабабсиз кўп хотин олиш оилавий ҳаётнинг моҳиятини тушунмасликдир, аёл қадр-қимматини камситишдир, фарзандларни руҳий азобга дучор этишдир. Эркакнинг бахти кўп хотин олишда эмас, балки бир соғлом, садоқатли, ҳалол аёл билан турмуш қуриб, фарзандлар кўриш, ширин, бахтли ҳаёт кечирishiдир. Имом ал Бухорий айтганларидек, «Кимки ўз оиласи ичида тинч, тани соғ яшаса ва оилада шу кунига етадиган таоми бўлса, у одамга бутун дунё берилган бўлади»<sup>2</sup>.

Тарихга назар ташласак ота-боболаримиз бўлган туркий халқлар оиласида аёл кишининг қадр-қиммати ниҳоятда юксак бўлган. XIV асрда Туркистонга келган араб сайёҳи Ибн Батута Хоразмда аёлларнинг мавқеи жуда ҳам баланд бўлганини ёзган. У Хоразмшоҳларининг хотинлари катта ҳуқуқларга эгалигини, чет давлатлардан келган элчилар, сайёҳлар билан бемалол суҳбатлашиши, давлатни бошқариш юзасидан маслаҳатлар бериб туришини катта мамнуният билан ёзади.

Қадимги ота-боболаримизда кўп хотин олиш одати ҳам бўлмаган. Зиё Гукалининг ёзишича, «эски Туркларда завжа (хотин) фақат битта бўлади»<sup>3</sup>. У яна шундай деб ёзади:

<sup>1</sup> «Постда» газетаси, 2000 йил 7 январ.

<sup>2</sup> Имом ал-Бухорий, Ал-Адаб ал Муфрид Т., «Ўзбекистон», 1990., 97-бет.

<sup>3</sup> Зиё Гукали. «Туркчилик асослари», 109-бет.

«Ҳоқон қабул қилган ҳар бир фармон «ҳоқон ва хотин амри-дирки», деб бошланарди. Элчилар ўнгда ҳоқон, сўл томонида хотин ўтиргандагина уларнинг олдига кира оларди. Қабулларда, кенгашларда, қурултойларда, ибодатларда, маракаларда, уруш ва сулҳ мажлисларида хотин ҳоқон билан баробар бўларди. Хотун-ҳоқон сулоласига мансуб барча маликаларнинг умумий унвони. Ҳоқоннинг ҳукмдорликдаги шериги бўлмиш хотинига «туркан» унвони бериларди»<sup>1</sup>.

Хотинлар ўқ отиш, от чопиш, турли қаҳрамонликлар кўрсатишда эркаклардан қолишмасди. Хотинлар қалъа ҳоқими, валий ёки элчи бўлишлари ҳам одатдаги бир ҳол бўлган. Эркакларнинг хотинига ҳурмати шунчалик баланд эдики, бирор ерга бориши керак бўлса, хотинлар аравага ўтириб, эрлари арава кетидан пиёда юрарди. Бу ҳам қадимги ота-боболаримиз этиқод қилган маънавий фазилатларнинг муҳим томони бўлган.

Эркакларнинг ўз умр йўлдошига ҳурмати, аёлларнинг садоқати, вафодорлиги, андишаллиги, шарму ҳаёлилиги миллий маънавиятимиз ва руҳиятимизга чуқур сингиб кетган қадриятдир. Буюк бобокалонларимиз ҳам оилани муқаддас деб ҳисоблаганлар, бу борада ҳозирги авлод учун намуна бўладиган буюк маънавий меросни қолдирганлар. Соҳибқирон Амир Темури ҳам ўз фарзандлари, набираларини ниҳоятда севган, аёлларга чексиз ҳурмат ва ишонч билан қараган. Тарихий манбаларда кўрсатилишича у аёлларни камситиш, ҳақорат ва гийбат қилишни таъқиқлаган. Унинг оқила, донишманд, вафодор, садоқатли умр йўлдоши Бибихонимга ҳурмати айниқса катта бўлган. «Сарой мулкхоним» даражасига эга бўлган бу аёл ўттиз уч йил давомида соҳибқироннинг сирдоши, ғамхўри, суянган тоғи бўлгани маълум. Отадан ибрат олган теуриий шахзодалар ўз жуфту-ҳалолларига садоқатли, фарзандларига меҳрибон бўлишган, умр йўлдошларига бағишлаб боғлар, мадрасалар, масжидлар барпо этишган, ҳашаматли мақбаралар қурганлар. Бобур авлодларидан бўлган Шох Жаҳон Жамна дарёси бўйида ўз умр йўлдоши Аржуманд Бону бегимга атаб қурган Тож Маҳал мақбараси буюк инсоний муҳаббат, садоқатга қўйилган мангу ёдгорликдир. Шох Жаҳон умрининг охирида ҳам севиқли рафиқаси шаънига қурилган мақбарага тикилиб туриб жон берган. Айтишларича унинг кўзи мақбарага тикилганича юмилмай очиқ қолган.

---

<sup>1</sup> Зиё Гукали. «Туркчилик асослари», 109-бет.

Эркаклар, аёллар ўз умр йўлдошига меҳрибон, оқибатли, садоқатли бўлиши, беғубор севгини ҳар доим ўз қалбида мусоффо сақлаши миллат маънавий камолоти даражасининг кўрсаткичлариридандир. Халқ мақолида айтилганидек, хотин олтин узук бўлса эр унга қўйилган ёқут кўздир. Ҳаётдаги энг катта бахт ҳам севгига содиқ бўлиб, ақли, имон, инсофли фарзандлар тарбиялаш, уларнинг бахтини биргаликда кўришга муяссар бўлишдир. Бундай анъаналар ёшларнинг эътиқоди, дунёқараши шаклланишига ҳам таъсир этган, албатта. Хотинлар ахлоқ, одоб доирасида ҳам қадриятларга тўла риоя қилганлар. Уларнинг адолатлилиги, ахлоқлилиги, шафқат ҳақидаги тасаввурлари, ҳалоллиги, андишаллилиги, шарму ҳаёлилиги, доим одамларга яхшилик қилишга интилиши маънавий меросимизнинг ҳозирги кунда ҳам амал қилиш лозим бўлган саҳифаларидир.

Ўзбеклар ҳамма вақт фарзанд кўришни бахт, фарзандсизликни бахтсизлик деб қараганлар. Халқ орасида «болали уй бозор, боласиз уй мазор», деган гап бор. Болали уйда шовқин-сурон, ташвиш ҳам кўп бўлади. Бириси касал бўлади, бириси инжиқ бўлади, кўпинча ёш болалар бир-бири билан урушиб қолади, баъзилар дилини ранжитадиган ножўя ишлар қилиб қўяди. Лекин болаларнинг бу ташвишлари борлиги ҳам оилага фойда бериб, ота-онани қувонтиради. Болалар ташвиши билан боғлиқ бўлган ишларни ҳам ота-оналар ички бир масъулият сифатида қувонч билан, қувонч аралаш ташвиш билан бажарадилар. Болаларнинг ташвиши қанча кўп бўлса ҳам ота-оналар ҳеч вақт буни ўзлари учун оғир юк деб билмайдилар.

Баъзан ишдан чарчаб ёки бирор нарсадан ранжиб келганингизда болаларнинг ғалваси ортиқча бўлиб кўринади. Уларни, жим ўтиринглар, ишдан чарчаб келганимни билмайсизларми, уйда бироз жим ўтириб дам олишга имкон беринглар энди, деб қойиб ҳам қўямиз. Болалар жим бўлишиб қолса, ғам-ташвиш ҳақидаги ўйларимиз яна ортади. Бўлар-бўлмас нарсаларни ўйлай бериб дилимиз яна сиёҳ бўлади. Болаларни эркалатиб, уларнинг ширин сўзларига қулоқ солиб, ўйинларига қўшилсангиз кўнглингиз кўтарилди, бироз дам ҳам олади киши. Бир ўйлаб кўринг. Ишдан чарчаб келдингиз, лекин уйда ҳеч ким йўқ, ҳамма ёқ жимжит, болаларингиз ва набираларингиз қаёққадир кетиб қолишган. Шунда ўзингизни қаёққа қўйишингизни билмай, бўлар-бўлмас нарсани баҳона қилиб жанжал чиқара берасиз, ёки уйга сизмагандек кўчага чиқиб кетгингиз келиб қолади. Ота-она учун

кўп фарзандлари ўйнаб юрган уй ҳеч вақт тор бўлмайди. Болаларсиз хувуллаб қолган уй тор зиндондек кўринади.

Болалар оиладаги маънавий муҳитнигина эмас, балки эр ва хотин ўртасидаги муносабатни ҳам мустаҳкамлайди. Фарзандли оилаларда эр-хотиннинг бир-бирига ҳурмати, ишончи ортади. Уларнинг қалбларидаги кўз билан кўриб бўлмайдиган ишонч ва масъулият ришталари янада маҳкамроқ боғланиб бераберади. Болалар кўпайгани ва улғайгани сари ота-она бир-бири учун кераклигини янада чуқурроқ ҳис қила бошлайди. Оила ташвишлари, масъулияти уларни бир-бирига суяниб турадиган тоғдек қилиб қўяди.

Агар оилада фарзанд бўлмасачи?

Бундай вазиятда баъзан ҳар қандай кучли муҳаббат ҳам дарз кетабошлайди, фарзандсиз турмуш бефайз, мазмунсиздек бўлиб кўринади. Бу эса ҳар қандай оила учун ҳам фожеадир.

Ота-она, фарзандлар ўртасидаги ишонч, ҳурматга асосланган муносабатлар — оила мустаҳкамлигининг яна бир заминидир. Одатда миллий ва диний қадриятларимизни яхши билмаган кишилар ота-она нимага келишиб қўйган бўлса, фарзандлар ҳеч эътироз билдирмай уларнинг иродасига бўйсиниш керак, деб ҳисоблайдилар. Баъзан бундай ҳолатни фарзанднинг ота-онасига ҳурмати, уларнинг иродасига бўйсунуши, деб қарайдилар. Ҳар қандай ҳурмат ҳам кўр-кўрона бўлмай, муайян маънавиятга таянмоғи керак. Маънавият мезонлари ота-онанинг иродаси фарзанднинг хоҳиши ва истагига мос келиши лозимлигини ҳам билдиради. Бу мослик — таълим, тарбиянинг, оиладаги ўзаро ишончга асосланган маънавий муҳитнинг натижасидир.

Шариат қоидаларида ҳам оилавий турмушнинг маънавий, ҳуқуқий асослари кенг ёритиб берилган. Улардан бири — ҳар бир йигит ўзи уйланадиган қизни, қиз эса йигитни кўриб, билиб олмоғидир. Оила икки ёшнинг бир умр бирга ҳаёт кечириши экан, бу бирлик ўзаро ишончга, бир-бирини яхши билишга асосланганидагина мустаҳкам ва барқарор бўлади. Ризоуддин ибн Фаҳриддин айтганидек «Оила курувчи қизу йигит хулқу табиатда бир-бирига мувофиқ бўлиши керак»<sup>1</sup>.

Ота-оналар ўз фарзандларининг тақдирини, бахтини ўйлаганида бу масалани ҳам асло, асло эътибордан четда қолдирмасликлари лозим. Ҳақиқий севги ҳам «хулқу-табиати мослиги» асосида шаклланади.

<sup>1</sup> Ризоуддин ибн Фаҳриддин. Илму ахлоқ. «Шарқ юлдузи» журнали, 10-сон, 1991., 91-бет.

Келин бўладиган қизнинг ўзинигина эмас, балки ахлоқ ва одобини, озодалиги ва покизалигини, уй-рўзғор ишларини юритишга қобиллигини, ота-онасини, оилавий шароитини суриштириш ҳам бўлажак фарзандлар саломатлилигини, оилавий тотувлиги ва бахтини ўйлаш билан боғланган. Ота-оналар келин танлаганида унинг наслини, авлодларини суриштириши ҳам ҳаёт эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган маънавий масъулиятдир. Баъзи оилаларда авлоддан-авлодга ўтадиган наслий касалликлар ҳам бўлади. Буларни эътиборга олиш ҳам яхши, аҳил оила қуришнинг, соғлом фарзандлар туғиш ва тарбиялашнинг муҳим шартларидан бири сифатида қаралган. Яқин қариндошлар, ака-укалар, опа-сингиллар бири-бирига қуда бўлиши рағбатлантирилмаган.

Шариат ҳукмларида турмушга чиқаётган қизнинг хоҳиш-иродасини тўла ҳисобга олиш бахтли оила қуришнинг асосий шартларидан бири экани кўрсатилган. Ҳадислар ва шариат ҳукмларининг бирор ерида, миллий анъаналарда қиз болани ўзи хоҳламаган кишига зўрлаб эрга бериш тўғрисида гап йўқ. Қизларни зўрлаб эрга бериш, балоғатга етмаган қизларни кўёвга узатиш оила заминини заифлаштирувчи ноўрин одат сифатида қораланган. Шариат ҳукмларидаги, «қиз болани ўзи хоҳлаган кишига турмушга чиқаринг», деган фикр бу масалага нисбатан бўлган диний, миллий муносабатнинг асосий нуқтасидир. Шариатда қиз бола балоғатга етганида уни ўзи хоҳлаган муносибига бермай сақлаб ўтириш ҳам катта гуноҳ сифатида қаралган. Ҳатто қиз болани қари ёки хунук кишига турмушга чиқариш ҳам ахлоқ ва инсонгарчилик мезонларига мос келмайдиган иш сифатида қораланган.

Булардан ташқари, ҳадислар ва шариатда қудрати бўла туриб сабабсиз уйланмай юриш, сабабсиз хотинини талоқ қилиш ҳам оилавий муносабатлар борасидаги диний ва миллий анъаналарга, қадриятларга бутунлай хилоф иш экани кўрсатиб ўтилган.

Булар ҳаммаси оилавий ҳаёт борасидаги диний, миллий қадриятларнинг инсонпарварлик ва адолат билан боғланган моҳиятини тўла ва тўғри тушунишга имкон беради. Ҳаётда баъзан учраб турадиган зарарли, аёлларнинг оналик ва инсонлик қадри қийматини камситувчи урф-одатларни исломий анъана сифатида кўрсатишга уриниш ҳам хатодир. Бу масалаларда хурофий анъаналарга амал қилиш ҳам гуноҳдир, маънавиятсизликдир. Бу масалаларда ота-она ўз фарзандларига ибрат бўлмоғи даркор.

## 6. СЕВГИ, МУҲАББАТНИНГ МАЪНАВИЙ ИЛДИЗЛАРИ

Хўш, муҳаббатнинг инсон ҳаёти, оила барқарорлиги, фарзанд тарбиясидаги ўрни, аҳамияти нимада?

Халқимизда «ишқсиз — эшак, дардсиз — кесак», деган мақол бор. Ҳақиқатан ҳам, инсоний қалбга эга бўлган бирорта одам ишқ, муҳаббат дардига мубтало бўлмай, унинг аламли ва қувончли дақиқаларини бошидан кечирмай бу ёруғ оламда яшаши мумкин эмас. Ҳаётнинг лаззати ҳам, қувончи ҳам муҳаббат билан боғлиқ. Кимки бировни севмаса ёки севилмаса у ёруғ оламга бекорга келиб кетади, деб айтавериш мумкин. Шу сабабли ҳам донолар «ишқ либосини кийишдан оро қилиш ва муҳаббат лаззатидан бебаҳра бўлиш табиатнинг оғир жафоси», деб бекорга айтмаганлар. Инсон муҳаббат йўлига қирмай яшаши мумкин эмас экан, ишқсизлик, рудий, жисмоний хасталикнинг оқибатигина бўлиши мумкин. Ишқ-муҳаббат — Аллоҳ инсон қалбига, рудиятига жойлаган энг муҳим ва нозик фазилатдир.

Ишқ ўти инсон қалбида ёна бошлаганидан кейин уни сув сеппиб ўчириш мушкул. Шундай бир ривоят бор: Бир куни бир одам хижрон ўтида ёниб, нола чекиб, ох уриб, гоҳ йиғлаб, бошларига тупроқлар сочиб, атрофдагиларга парво қилмай кўчада ўтирган экан. Уни кўрган бегона йўловчи, «бу одам жинни бўлиб қолибди, уни қўл-оёғини боғлаб даволаш керак, токи бу номақбул қилиқдан кутулсин», дебди. Шунда нола чекаётган кишининг дардини билган бир одам йўловчига, ошиққа на занжир ва на банд писанд, унга таъсир қилмас на таъна, на панд, деб жавоб берган экан.

Ишқ ўтида қовурилаётган одам ўз дардига ўзи даъво излайди ва ўзи даъво топишга ҳаракат қилади. Ҳаёт ҳақиқати шундай. Бир одамни севиб қолган кишига, бу қилиқларингни қўй, бошқасини севсанг бўлмайдим десангиз, у яна ҳам кучли ички туйғу, умид билан ўз севгилисига интила беради.

Соф севги бегараз бўлади, мансаб, манфаат билан боғланмайди. Шундай ривоят бор. Кишилар бир куни Шириндан, «Ҳисравнинг шунча шону-шуҳрати, бойлиги бўлса, уни

севмай нега камбагал Фарҳодни севасан», деб сўрашганида у шундай жавоб берган экан, «Хисравни менга бўлган севги даъвоси тилининг учиди, Фарҳодники эса қалбидадир»<sup>1</sup>.

Бировнинг бойликлари, ота-онасининг мансаби учун севиш қалб садоси эмас, балки вақтинчалик ҳиссиёт, манфаатдир. Бундай севгининг ёнишидан кўра сўниши осонроқ бўлади. Инсон ҳаётда ўз севгилисига етиша олмаслиги ҳам мумкин. Лекин биринчи муҳаббат инсон қалбида абадий ўчмайдиган из қолдиради. Қариб, сочинг оқарганида ҳам қалбингда биринчи муҳаббат ўтини ёққан инсон тез-тез тушингга ҳам кириб туради.

Севиш, севилиш ўзини унутиб, ўйламай-нетмай севган кишисининг ихтиёрига бутунлай топшириш, ибo, ҳаё, андиша, ору-номус чегарасини поймол этиш ҳам эмас. Севги ички туйғу, хиссиётдир. Инсонлик қадр-қиммати эса ундан юқори туради. Севги ўтида ёнганида ҳамма нарсани унутганлар кўп нарсани кўлдан бериб, кейин бир умр пушаймон бўлиб юришлари ҳам мумкин. Севги дардига мубтало бўлган ёшларга ота-онанинг йўл-йўриқлари, панду-насихатлари худди шу вақтда асқотиб қолади. Севги дардига мубтало бўлган фарзанд балоғат ёшига етган бўлса ҳам унинг ҳаётий тажрибаси йўқлигини, баъзан ҳиссиёти ақл-идрокдан устунроқ келиб қолиши мумкинлигини унутмаслик керак. Кўпинча севги деб енгил-елпи йўлга кириб кетган ёшлар хатога йўл қўяди-ку, унинг азобини ота-она, қариндош-уруғлар чекади.

Соф севги ору-номус, қадр-қимматни ҳам унутмасликдир.

Андиша, ор-номус, қадр-қимматни юқори тутиш билан боғлиқ бўлган соф севги ҳақида шундай ривоят бор: Сахроларда девонадек юрган Мажнун вақти-вақти билан Лайлини кўргани келар экан. Лайли эса соғиниб, кутиб ўтирган бўлса ҳам, севгилиси келганида юзини яшириб оларкан. Лайлидан, Мажнунни севасан, нега келганида юзингни яшириб оласан, деб сўраганларида у шундай жавоб берган экан: «Ҳар куни унга юзимни кўрсата берсам, унинг қалбида менга нисбатан муҳаббат совиб кетишидан кўрқаман». Бу фикрда баъзан ёшлар пайқамайдиган катта ҳаётий ҳақиқат бор.

Муҳаббат ўти кучли бўлганида севгилининг нуқсонлари бутунлай сояда қолиб кетиши ҳам мумкин. Баъзан севган кишига севгилисининг нуқсонлари ҳам яхшидек бўлиб кўринади. Халқда, Лайли хунук бўлса ҳам унга Мажнуннинг кўзи билан

<sup>1</sup> Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони. Т., «Фан», 1994., 91-бет.



қараш керак, деган гап бор. Бошқача қилиб айтсак, кучли севги одамнинг кўзини кўр, кулогини кар ҳам қилиб қўяди. Бировни севганда унга холис баҳо бера олмаслик — хиссиёт ақл-идрокдан устун келиб қолганининг белгисидир.

Йигит ва қизнинг ҳусну-чиройини эмас, балки ахлоқи-одобини билишга асосланган муҳаббат кучли ва барқарор бўлади. Вақти келиб, ҳусн, чирой ўтиб кетади, муҳаббат эса эр ва хотинни умр ўтиб, кексайгани сари бир-бирига маҳкамроқ боғлаб туриши керак. Шунинг учун ҳам донолар барча замонларда қизларнинг чиройлисини эмас, балки ахлоқу-одоблисини севиш маъқул деб ҳисоблаганлар. Бу ҳақида Бархудар ибн Маҳмуд шундай деган: «Шундай қизга совчи қўймоқ керакки, бу қизнинг чеҳраси очиқ, юзидан олижаноблик ва иффат намён бўлсин, поклик ва покизалик пардаси орқасида тарбияланган ва чиройли иш, одатларга ўрганган бўлсин! Бундай қиз энг яхши ҳадя бўлиб, ёшлик ва ҳаёт дастурхонининг лаззати зиёда бўлишига олиб келади»<sup>1</sup>.

Муҳаббат икки ёшни муайян мақсад ва манфаат асосида бир умр боғлайдиган юрак ришталаридир. Бу ришталарнинг турмуш қуриш, фарзанд кўриш ва тарбиялаш эҳтиёжи билан белгиланган ижтимоий, ирсий томонлари бор. Йигитлар гўзал қизлар, қизлар эса бақувват, соғлом йигитлар билан турмуш қуришга ҳаракат қилиши асосида чиройли ва соғлом авлод қолдиришга интилиш билан боғлиқ бўлган эҳтиёж ётади. Муҳаббат оила қуриш, фарзанд кўриш ниятида бир умр давомида бирга яшашга ҳаракат қилаётган ёшлар ўртасидаги ижтимоий, маънавий, биологик эҳтиёж, туйғуларнинг бирлигидир. Муҳаббат — самимий ишончдир. Ишонч бўлмаса оила ҳам мустаҳкам бўлмайди. Машҳур немис файласуфи Хегел айтганидек, севгининг ҳақиқий моҳияти ўз-ўзини тан олишдан воз кечиш, бошқа «мен»да ўзини унутиш ва худди шу йўқолиш ва унитишда ўз-ўзини топиш ва ўз-ўзига эгаллик қилишдан иборатдир.

Инсонда севгидан олдин унинг идеали, мақсади шаклланади. Севги шу идеалга мос келувчи фазилатларни бошқа бир шахсдан кўриш, у билан бирлашиб, орзуларни амалга оширишга интилишдир. Лекин бу интилиш жараёнида ҳам шахс ўз ички дунёси эҳтиёжларини янада яхшироқ қондиришга ҳаракат қилиши ётади. Севган киши ўз бахтини бошқанинг ҳам бахти

---

<sup>1</sup> Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони. Т., «Фан», 175-бет.

орқали топишга ҳаракат қилади. Бу бахт — ширин оилавий ҳаёт, икки жинсга мансуб ёшларнинг бирлашуви натижасида дунёга келадиган фарзандлардир.

Баъзан ишқ, муҳаббатда табиий, ирсий эҳтиёжлар кучайиб, оилавий ҳаёт ҳақида жамият яратган ахлоқий ва ҳуқуқий мезонлардан ҳам устунлик қилиб қолади. Оилавий ҳаёт тўғрисидаги ахлоқий, ҳуқуқий мезонлар асрлар давомида шаклланиб, ривожланиб келган. Бу мезонларни менсимаслик, ёки уларни четлаб ўтишга интилиш ҳам баъзан ҳақиқий севгига асосланган оила қуришга имкон бермайди.

Севги, муҳаббатни оддий ҳиссиёт эмас, балки катта ижтимоий масъулият деб қарамоқ керак. Оила бахтини жамоатчилик тан олганидагина ҳақиқий бахт бўла олади. Биз, ўзбеклар, ҳеч қачон бу ижтимоий, маънавий омилнинг ўрни ва аҳамиятини инкор эта олмаймиз. Оила бахтининг ўзбекона мезонлари — ёшларнинг ширин турмушидан ота-оналар, қариндош-уруғлар, маҳаллакуй, бутун жамоатчилик ҳам рози бўлишидир. Инсон ўзини бахтли деб ҳисоблаганида эмас, балки бошқалар ҳам бу бахтни тан олганидагина ҳақиқий бахтга эришган бўлади. Буюк Афлотун айтганидек муҳаббат — энг етук эътиқод, ҳар бир шахс учун маънавий покланиш жараёни ҳамдир.

Ишқ ўтида ёниш ҳамма нарсани унутиш эмас, балки бошқалардан ибрат олиб, ўзида яхши фазилатларни шакллантириш ҳамдир. Муҳаббат дардига мубтало бўлган йигит ва қизлар ўзига ўз нуқтаи назаридангина эмас, балки бошқаларнинг эътибори нуқтаи назаридан ҳам қарай бошлайди, яхши покиза кийинишига, меъёр даражасида ўзига зеб беришга, уй-рўзғор ишларини озода ва покиза олиб боришга, ахлоқ, одоб борасида ҳам кўзга ташланишга ҳаракат қилади. Севган кишининг эътиборига сазовор ва муносиб бўлишга интилиш инсонни маънавий покланиш йўлига чорлайди. Ўзи гўзал бўлса ҳам фаросатсиз, дидсиз, эътиборсиз бўлган, уй-рўзғор ишларини билмайдиган, ахлоқи ва одоби тубан, ишەқмас, эркатой қизни ҳеч ким умр йўлдоши қилиб танлашга ботина олмайди.

Бу фикрни исботлаш учун бир мисол келтирайлик. Ўзбеклар санъатсевар халқ. Буни кўпчилик яхши билади. Шу сабабли ҳам барча тўй-ҳашамлар санъаткорлар иштирокида ўтади, ашула, рақс, шеърхонлик, аскиябозлик авжига чиқади. Шу сабабли ҳам ўзбеклар ўтказаятган тўй-маросимларнинг ўзига хос файзи бор. Қизлар ҳам ёшлигиданоқ рақс маданиятини, бу борадаги анъаналарни ўзлаштиришга интиладилар. Лекин тўйларда рақсга тушиб,

шилқимлик қилиб, бусиз ҳам катта ҳаражат қилиб ўглини уйлаётган, қизини чиқараётган тўй эгаларини, келган меҳмонларни пулини шилиб олаётган 17-20 ёшли қизларни кўриб газабланмай иложи йўқ. Эртага оила куриб, фарзанд кўриши керак бўлган ёш қизлар одамларни пул қистиришга кўндириш учун қандай номуссиз қилиқларни қилмайдилар. Улар кўп ҳолларда иффат, ахлоқ-одоб, ору-номус чегарасидан ҳам чиқиб кетадилар. Булар ҳақиқий санъаткор бўла олмасликлари аниқ, албатта. Лекин кўпни кўрган бундай қизлар қандай қилиб имонли уй бекаси, меҳрибон она, масъулиятли тарбиячи бўла олишини, бировни чин қалбидан севишини тасаввур эта олмайсан, киши.

Бу масала хусусида рақс санъатининг моҳир устаси, Ўзбекистон халқ артисти, Гавҳархон Матёкубованинг куйидаги сўзларига бир қулоқ солиб кўрайлик. У «Оила ва жамият» газетаси муҳбири саволларига шундай жавоб берган: «Баъзан тўй ва зиёфатларда пул кетидан қувиб, ўзларига раққоса номини олган ёш қизлармизнинг ўйин ҳаракатлари ва беҳаёликларини кўриб, раққоса касбини танлаганинг учун афсусланасан киши... Энг ёмон томони шундаки, даврадаги шилқим қизларни кўрган ота-она ўз қизларининг раққоса бўлишига ҳеч қачон розилик беришмайди. Натижада бу соҳада ўта иштиёқманд, талантли ёшлар орзуси гунчалик чоғидаёқ сўнади»<sup>1</sup>.

Бундай қизларнинг ҳам ота-онаси бордир. Улар эл олдида уялишмасмикан, қизларининг келажакдаги бахтини ўйламасмикан?

Севгида ҳиссиётларгагина берилмай ақл, идрок, иродага таянмоқ керак. Аёллар, айниқса ёш қизлар, ишонувчан бўлади. Улар йигитларнинг ёлғони, макрига ишонишлари ҳам мумкин. Бундай фазилат 14-16 ёшли норасида қизларда кучли бўлади. Муттаҳам йигитлар ўз ниятига эришгач, қизларни оғир, маънавий, руҳий аҳволда қолдириб кетади, уларнинг келгуси бахти ва ҳаётига зомин бўлади. Ана шундай қизлардан бири Банк коллежи талабаси Насиба бўлган. Насиба бир муттаҳамнинг макрига илиниб, алданиб қолган, бўлган ишни ота-онаси, дугоналаридан яширган. Ниҳоят у ўзини эркин тутиб, бошқа эркаклар билан ҳам айшу-ишрат қилишга ўрганиб қолган. Натижада ҳомиладор бўлиб, ўлик бола туғиб, ахлатхонага ташлаб юборган. Бу — яхши уй бекаси, ширин фарзандларнинг онаси бўлиб, бахтли ҳаёт кечирishi мумкин бўлган гўзал бир қизнинг умри бутунлай хазон бўлганини билдиради.

---

<sup>1</sup> «Оила ва жамият» газетаси, 1995 йил 6 июл.

Албатта, эркак ва аёл Аллоҳ бахш этган эҳтиёж асосида бир-бирига интилади. Бу интилиш асосида руҳий, жисмоний лаззат ҳам ётади. Бўлмаса инсон авлоди давом этмас эди. Лекин Аллоҳ инсонга лаззатланиш имкони ва эҳтиёжидан ташқари ўз хатти-ҳаракатини бошқариш учун ақл, идрок, онг, виждон, ирода ҳам берган. Инсоннинг инсонлиги ҳам ўз фаолиятини, эҳтирос ва туйғуларини ахлоқ, одоб мезонлари, анъана ва қадриятлар, виждон, имон асосида бошқара билишда ҳамдир.<sup>1</sup>

Севгида биологик эҳтиёжлардан маънавий омиллар ва масъулият устуворлик қилиши бахтли оила кўришнинг асосий шартларидандир. Бу икки омил муштарак бўлса, муҳаббат ҳақиқий ҳаётий аҳамият касб этади, узоқ ширин турмушга маънавий асос бўлиб қолади. Ҳаётнинг маънавий омилларини унутиб, бир-бирининг чиройига учиб турмуш қуриш ҳар доим ҳам кутилганидек натижа бермайди. Оилада маънавий бирликнинг заифлиги икки ёшнинг кўп ўтмай бир-биридан кўнгли совишига олиб келади. «Кўрмайин босдим тиканни, тортадирман дардини», деган кўшиқда ҳам юзаки севги қурбони бўлган дилнинг оху-ноласи ифодаланган.

Албатта, ишқнинг биринчи учқуни ташқи қиёфани кўришдан бошланади. Ички руҳий оламни чуқурроқ билиш асосидагина бу биринчи ҳис, туйғу ҳақиқий муҳаббатга айланади. Ҳақиқий муҳаббат асосидагина ёшлар бир-бирига ҳамдир, ҳамкор, меҳрибон, оқибатли бўлиб қолади, бирининг тирноғига тикан кирса, иккинчисининг ҳам бутун аъзойи бадани оғрийдир. Француз ёзувчиси А. Сент-Экзюпери «Севиш – икки ёшнинг бир-бировига қарashi эмас, балки биргаликда бир томонга қарашидир», деб бекорга айтмаган. Ҳақиқатдан ҳам, севиш икки ёш бир-бировининг ҳуснига маҳлиё бўлиб ўтириши эмас, балки оила қуриб, фарзандлар кўриб, уларни тарбиялаб, жамият олдидаги бурчларини бажаришдир. Эру хотин ўртасидаги вафодорлик, самимийлик, садоқатлилиқ, ҳалоллик, меҳр-мурувватлилиқ, шарму ҳаёллиқ, ишонч, ҳурмат сингари маънавий муносабатлар ҳам ҳақиқий муҳаббат асосида туғилади, ҳаёт синовларидан ўтиб, тобора сержило, серқиррароқ, гўзалроқ бўла боради. Татар шоири Ходи Тоқтош айтганидек муҳаббат жуда қадимий туйғу, лекин ҳар бир юрак уни янгилайди, ёшартиради, унга янги ва янги қирралар бахш этади. Икки ёшнинг бир-бирига интилиши ҳаё, имон, инсоф, ҳурмат, вафо сингари фазилатлар билан боғлангандагина муҳаббат даражасига кўтарилади.

---

<sup>1</sup> «На посту» газетаси, 2000 йил 11 май.

Ҳамма аёл ҳам хотин зотига мансуб, лекин баъзилари бир умрлик вафодор умр йўлдоши бўла олмайди. Эркаклар тўғрисида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Ҳаётда эр, хотин топишдан кўра вафодор умр йўлдошини топиш қийинроқ бўлади. Вафодорликнинг томири ташқи қиёфага эмас, балки ички маънавиятга боғлиқ. Шу сабабли ҳам жисмоний балоғатгагина эмас, балки маънавий камолот ҳақиқий, мустаҳкам, ширин оила қуришнинг ҳал қилувчи омилдир. Икки ёшнинг бир-бирига вафодорлиги-садоқатнинг олий белгиси.

Юқорида айтилганидек, маънавий омиллар эътиборга олинмай туғилган севги оддий ҳис, туйғудир. У ҳақиқий муҳаббат даражасига етгунча-қанча сувлар оқиб кетади. Жуда ёшлиқда бир-бирини севиб турмуш қургандан кўра маънавий етилиб, оқу қорани танигандан сўнг шу ишга жазм этган маъқулроқ. Негаки ҳаётнинг мақсади ва моҳиятида уят, шарму-ҳаё, андиша, ору номус, қадр-қиммат деган маънавий фазилатлар борки, ҳар қандай кучли муҳаббат ҳам уларнинг чегарасидан чиқиб кетиши мумкин эмас.

Бир-биримизни севамиз, бошқалар нима дейишса дейишаверсин, деб кўча-кўйларда, жамоатчилик тўпланган жойларда ҳоҳлаган номаъқулчиликларни қилавериш ҳам маънавиятсизликдир. Ҳали бир ёстиққа бош кўймаган икки ёшни тўй кунини «горкий», деб бир-бирини эл олдида ўпишга ундаш ҳам одобсизликдир. Бунинг натижасида ҳали турмуш қурмаган йигит ва қизлар ҳам ҳеч кимдан уялмай, кўча-кўйларда бир-бирини ўпишга ўрганиб қоладилар. Беодоблик деб аталадиган бундай қилиқлар аста-секин маънавиятсизликка олиб келади. Ёшларнинг маънавий тубанлашиши ҳам худди шундай «арзимас иш», деб аталган одатлардан бошланади.

Бир кунини Тошкент шаҳридаги Анҳор бўйида юрганимизда дўстим Мирзагани Искандаров бир-бири билан очикдан-очик ўпишиб, кучоқлашиб ўтирган йигит ва қизларни кўриб шундай деган эди: Мен ёшлигимда севган қизимни уйига кузатиб кўйганман. У кўчанинг нариги томонидан, мен бериги томонида борар эдик. У уйига етгач менга қараб, хайр, деди-ю уйига кириб кетди. Шу дақиқани бир умр ёдимда сақлаб қолганман. Кўчада очик беҳаёлик қилаётган бу ёшларда ҳақиқий муҳаббат бормикан?

Албатта, муҳаббатнинг ёзилган қонуни йўқ. Лекин бу борада минглаб йиллар давомида тўпланган тажриба ва анъаналар борки, уларни поймол этиб ҳам бўлмайди.

Муҳаббат икки ёш ўртасидаги ахлоқ ҳаё, андиша, уят, ору номус, ифбатдан тўқилган маънавият пардасидир. Бу парда улар ўртасидаги интилишда, иштиёқларда инсонийлик туйғулари ва масъулияти устун бўлиб туришига олиб келади. Агар шу парда орадан кўтарилиб, ҳамма нарса жинсий эҳтиёжлар доираси билан чекланиб қолса, бу аста-секин оила қуриш иштиёқини ҳам иккинчи ўринга суриб қўяди, инсоний муносабатлар гўзаллиги нопоклик билан ўрин алмашади. Бу парда орадан кўтарилганда муҳаббатнинг қизиғи ҳам қолмайди. Севги бахт қуши сингари қўлга қўнади, лекин инсон уни ўзининг маънавий гўзаллиги билан қўлида ушлаб тура олади. Маънавиятсизлик туфайли бахт қушини қўлидан учирганлар бир умр бахтсиз бўлиб қоладилар. Буюк ёзувчи, мутафаккир Ф.М.Достоевский айтганидек, «Осонликча қўлга киритилган амал, бойлик, зебу зийнат бахтлилик белгиси эмас. Ҳақиқий бахт фақат ҳалол меҳнат, машаққат, азоб-уқубат билан қўлга киритилади». Бу фикр ёшлар ўртасидаги севги, муҳаббат масалаларига ҳам тааллуқлидир.

Дунёда севгисиз яшаганлар ҳам бор. Лекин улар ҳаёт лаззатларидан тўла баҳраманд бўлмаган бўлсалар керак. Яшаш кун кўриш эмас, балки ундан ором олишдир, хушнуд бўлишдир, қаноат ҳосил қилишдир. Дунёдаги ҳеч қандай бойлик, мансаб инсонга ҳақиқий севги берган роҳат-фароғатни, кўтаринкилик кайфиятини бераолмайди.

Соф муҳаббат туйғуси барча халқларда, бутун инсониятда бор. Инсониятнинг гўзал умумий маънавий жиҳатларидан бири ҳам шудир. Севги, оила муносабатларида маънавиятсизликка юз тутиш-умуминсоний қадриятлардан ҳам юз ўгиришдир.

Севги, муҳаббат бобида ҳам ота-оналарнинг ибрати фарзандлар учун катта ҳаётий мактабдир.

## 7. ОИЛАДА ОТА САРБОН

Ўзбеклар айтганидек оилада ота сарбондир. Ота оилани тебратида, етаклайди, фарзандларини яхши мақсад ва мустаҳкам ирода билан тўғри йўлга солади. Отанинг оиладаги ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди. Ўзбек оилаларидаги отага бўлган ҳурмат кўр-кўрона сиғиниш эмас, балки унинг обрў-эътиборини қадрлашдир, отага эргашиш, ишониш ва суянишдир. Она болаларига қанча меҳрибон бўлмасин, у рўзғор тебратишда, бола тарбиялашда отанинг ўрнини эгаллай олмайди. Оналар ўзлари ишлаб, болаларини бемалол боқиш, рўзғор тебратиш имкониятига эга бўлсалар ҳам отасиз қолган фарзандлар тарбиясида қандайдир нуқсонлар сақланиб қолади. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи», деган ҳикмат ҳам худди шу маънони англатади.

Инсон ақлининг шундай кўзлари борки, улар эркакона тарбия таъсирида яхшироқ очилади. Бу бетакрорлик айниқса, хулқу-одоб ирода, матонат, фидоийлик, сабр-тоқатлилик тарбиясида яққол кўзга ташланади. Демак, фарзандларнинг иродали, сабр-бардошли бўлиши ҳам кўпроқ ота тарбиясига боғлиқ. Ирода — инсон бирор ишни қилиш учун ўзида куч, ишонч топа билиши, ғайрат билан ишга кириша билишидир. Сабр-бардош ҳар бир ишни узоқни кўзлаб, шошма-шошарликка йўл қўймай бажаришдир.

Инсон бирор ишни охиригача бажариш учун даставвал ўзида куч-қудрат топмоғи, умид ва ишончни шакллантирмоғи, дадил ва ғайратли бўлмоғи зарур. Бошқача қилиб айтсак, инсон бирор ишда муваффақиятга эришмоқчи ёки бирор кишини енгмоқчи бўлса, аввал ўзини енгиши зарур. «Қўл ботир, кўз қўрқоқ», дейди халқимиз. Ҳақиқатан ҳам, бирор ишга киришишдан олдин инсонда икқиланиш, шубҳаланиш бошланиб қолса, у ҳеч нарсанинг улдасидан чиқаолмайди. Бундай кишилар ҳаётда бирор вазифани мустақил бажара олмайдилар. Мустаҳкам ирода инсонни ҳар қандай мураккаб шароитдан чиқа олишга, оғир вазифаларни катта ишонч, ғайрат билан бажара олишига имкон беради. Ишонч бирор ишни бажаришга киришмасдан олдин унинг барча оғир-енгилликларини, шароит ва имкониятларни билиб

олиб, ўз фаолиятини аниқ режалаштиришдир. Ғайрат эса ички руҳий кўтаринкиликдир, аниқ мақсадларни, қилинадиган ишларнинг оқибатини яхши билишга асосланган фаолиятдир. Фақат оталаргина болаларини ҳаётдаги барча оғирликларни ақлидрок, сабр-чидам, ғайрат ва ирода билан енгиб ўтишга ўргата олади. Ота иродаси фарзандларни бирор мушкул аҳволда қолса иккиланмасликка, саросимага тушмасликка ўргатади.

Яхши фарзандлар отанинг изидан боради, дўстлари, қадрдонларини ҳурмат қилади, укаларини тарбиялайди, қариндош-уруғларига меҳр-оқибатли бўлади. Булар ота меҳр ва умид билан фарзанд қалбига эккан маънавият уруғининг янги меваларидир.

Ота қолдирган яхши номни фарзандлари ахлоқи ва одоби, ҳалол меҳнати, эл ўртасидаги ҳурмати, обрў-эътибори билан улуғлайдилар, руҳини шод қиладилар. «Одам ўлганидан кейин ҳам унинг фойдасига ёзилиб турадиган амаллар бор, дейилади ҳадисларда. Булардан бири комил фарзанддир». Яхши фарзанд отанинг иккинчи умри ҳисобланади. Кишилар ақли фарзандни кўриб ўлган отасини яхши сўз билан тилга оладилар.

Туркистон заминида XIII-XV асрларда қандай бой, бадавлат кишилар яшаганини кўплар билмайди. Уларнинг номлари тарих саҳифаларидан ўрин олмаган, бутунлай унутиб юборилган. Лекин Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Баховуддин Нақшбанд, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Хўжа Аҳрор Валий сингари буюк сиймоларни, маънавият соҳиблари, адолат ва инсонпарварлик посбонларини тарбиялаб, вояга етказган оталарнинг номини халқ ҳали ҳам ҳурмат билан тилга олади. Инсоннинг иккинчи умри шудир. Яхши фарзанд тарбиялаган оталар ўзларига ҳам мангулик ҳайкалини қўйган бўладилар.

Оталар учун фарзанд бахтию роҳатини кўришдан буюкроқ орзу бўлмайди. Фарзандлар ҳам ёш вақтларида кўпроқ она паноҳида бўладилар, улғайганидан сўнг эса ҳаётнинг мураккаб масалалари бўйича ота билан маслаҳат қилишга ҳаракат қиладилар. Оталар обрўси, мулоҳаза билан узоқни кўра билиши, бор ҳақиқатни очиқ айтишга қодирлиги, болалар бахтидан умидвор бўлиши, уларни тўғри йўлга солишга интилиши фарзандлар кўзини очадиган ақл ҳазинасидир. Бу ҳазинадан баҳраманд бўлишга ҳаракат қилмаган фарзанд кўп нарсани қўлдан бой беради, пешонаси қаттиқ деворга текканидан кейин бир умр пушаймон қилиб ўтади.

Оталар қаттиққўллик, тўғри сўз билан фарзандларида дадиллик, мардлик сингари фазилатларни ҳам шакллантиради. Шу са-



бабли ўзбек оилаларида қадим-қадимдан бошлаб отага ҳурмат фарзандлар маънавий оламида алоҳида ўрин олган. Ота уйнинг тўрида ўтирган, фарзандлар сафарга чиқса, бирор ишни қилмоқчи бўлса, даставвал отанинг маслаҳати ва розилигини олишган, ота розилигисиз бирор ишни қилишга ботинмаганлар, ота ўтирган уйга рухсатсиз кирмаганлар, таомга ҳам отадан олдин қўл узатмаганлар. Ота ҳамма вақт ҳам оилада ҳал қилувчи гапни айтган. «Ота рози – худо рози», деган ҳикмат ўзбек оилаларида маънавий мезони, кундалик юриш, туриш, ахлоқ, одоб нормасига айланиб кетган. Булар кўр-кўрона итоатнинг белгиси эмас, балки ҳаётнинг мақсади ва моҳиятини англаш асосида инсон қалбига сингган маънавийдир, миллий ахлоқий фазилатдир, қадриятдир.

Баъзи миллатлар ёшларининг ўз оталарига бўлган муносабатини кўрганимизда бу борадаги миллий ахлоқий қадриятларимиз буюклигини янада чуқурроқ ҳис қила бошлаймиз. Бундай қадриятлар айрим шахсларнигина эмас, балки бутун миллатнинг маънавий етуклигини билдиради.

Бу ўринда бир воқеани эслаб қолдим. 1979 йилда Тошкентга Москвадан таниқли бир олим келган эди. У биринчи куниде кўп болали ўзбек оиласидаги ҳаётни кўришга қизиқаётганини айтди. Олдиндан оғохлантирмай кўп фарзандли бир дўстим – Аббос Сайдуллаевнинг уйига бордик. Болалари дарров кўл ювгани сув олиб келди, бири чой келтирди, бири дўконга кетди. Ҳамма болалар бир иш билан банд эди. Фарзандлари отасини қанчалик ҳурмат қилаётганини, гапига қулоқ солаётганини кўриб меҳмон ҳайрон бўлиб қолди. Мени, – деди у, – бир набирам бор, унга тўрт киши қараймиз. Шундай инжиқки, битта гапимизни ҳам қуловига олмайди, бизга ўз сўзини ўтказишга ҳаракат қилади.

Бу инжиқлик боланинг туғма хусусияти эмас, балки оиладаги нотўғри тарбиянинг оқибатидир.

Ҳа, фарзанд тарбиялашда талабчан бўлиши керак. Оилада онанинг меҳри, отанинг талабчанлиги, баъзан қаттиқ қўллиги билан муштарак бўлмоғи лозим. Ота талабчан бўлсаю, юмшоқ кўнгилли она бунга эътироз билдирса бола тарбияси бузилади. Отанинг қаттиқ талабларни оғир олган эркатой бола она паноҳида ҳимоя топишга уринади. Бу эса оилавий ихтилофларга сабаб бўлади.

Ҳеч бир ота ўз болаларига ёмонликни раво кўрмайди. Қаттиққўллик, талабчанлик ҳам эгилувчан ёш новдани ўз вақтида керакли томонга буришга интилишдир. Вақти ўтгач бу ёш новда эгилмайдиган бўлиб қолади. Агар эгаман деб қаттиқроқ ҳаракат қилсангиз у синиб кетади. Оиладаги бола тарбиясида отанинг ўрни

муҳим, бетакрор эканини, бу вазифаларни ҳеч бир меҳрибон она тўла бажара олмаслигини яна бир бор айтиб ўтмоқ керак.

Амалдор, кўпроқ маош оладиган аёл ўз эрини менсимай кўйиши, болалари олдида уни камситиши ҳам миллий қадриятларимизга мос келмайди. Бундай ҳоллар фарзандлар тарбиясига салбий таъсир этади. Отани ҳурмат қилмайдиган, ундан хайиқмайдиган фарзанд оилада ҳам, кўчада ҳам ўзи хоҳлаган номаъқулчиликни қилаберади. Ирода жиҳатдан анча заифроқ бўлган онанинг эса уни бу йўллардан қайтиришига кучи етмайди. Катта мансабларда ишлайдиган аёллар ҳар қандай вазиятда ҳам эрини эр сифатида, оила бошлиғи сифатида қадрлаши зарур. Она болалари олдида умр йўлдошини қадрлаши, ҳурмати, иззатини ўрнига кўйиши оилада соғлом муҳит барқарор бўлиши, мўмин-қобил фарзандларни тарбиялашнинг муҳим шартидир. Шу сабабли ҳам барча даврларда вазият қандай бўлмасин, оилада болалар тарбиясида отанинг мавқеи ва обрўси ҳар доим баланд бўлган. Бундай ҳол, авваллари айтилганидек «ўтмишнинг зарарли сарқити» эмас, балки оиладаги мўътадил маънавий муҳитнинг муҳим омилidir.

Ақлли фарзандлар ахлоқ-одобли, меҳнатсевар, обрў-эътиборли оталари билан фахрланадилар, унга суянадилар, эргашадилар. Замонамизнинг буюк алломаларидан бири шоир Расул Ҳамзатов ҳам, «Мен кўп китоблар ўқиганман, аммо энг яхши китоб отанинг донишмаддлиги бўлиб қолади», деб ёзган эди.

Оталик туйғуси – инсон қалбидаги имонлиликнинг намоен бўлишидир. Фарзанд кўриш осон, лекин уларга ҳақиқий ота, маънавий раҳнамо бўлиш ҳамманинг қўлидан келавермайди. Фарзанд кўриш – уни инсон сифатида вояга етказиш билан боғлиқ бўлган барча масъулиятни ҳам ўз бўйнига олишдир. Афсуски, айрим оталар қалбида шундай меҳр булоқлари кўз очмайди. Улар баъзан ўз фарзандларига ваҳшийларча муносабатда бўладилар, уларни ташлаб кетадилар ёки етарли даражада меҳр, оқибат кўрсатмайдилар. Бу дунёга келган беғуноҳ фарзандларнинг ҳам жожеасидир. Кўпгина отасиз қолган ёшлар ёмон йўлларга кириб кетади.

Фарзандни дунёга келтириш оталиқ эркаклик бурчининг бир томонидир. Унинг энг асосий вазифаси эса фарзандини яхши тарбиялаб, жамиятда ўзига муносиб ўрин олишини таъминлашдир. Шундагина ота жамият ва фарзандлари олдидаги ўз бурчинини адо этган бўлади. Бу бурчни англаш ҳам маънавиятдир. Имонли оталар кўпроқ ўзини эмас, балки фарзандларини ўйлайдилар, ўзлари

яхши кийим киймасалар ҳам фарзандларини кийинтирадилар, ўзлари оч қолсалар ҳам фарзандларини тўйдирадилар.

Фарзандлар учун отанинг панду-насиҳатигина эмас, балки қилган ишлари, юриш-туриши ҳам ибратли. Баъзи оталар ичкиликбозликка, нашавандликка берилиши, кўча куйда, оилада адолатсизлик, ахлоқсизлик, инсофсизликка йўл қўйиши, умр йўлдошини уриши ва ҳақорат қилиши ҳам болалар тарбиясига таъсир этади. Баъзилари бу ишларда отадан ёмон ибрат оладилар, баъзилари эса ич-ичидан нафратланиб, уялиб, юради. Фарзанд қалбида ноқобил, жоҳил отага нисбатан нафрат, адоват туғилиши қийин. Лекин бундай адоват туғилса уни қалбдан чиқариш ҳам осон эмас.

Оталик меҳри инсон қонига, томирларига, ҳужайраларига сингиб кетган маънавий қудратдир. Бу меҳр ўзи-ўзидан шаклланмайди, балки Оллоҳ томонидан инсон қалбига жо қилинади. Оилага, фарзандларига шафқатсиз, меҳрсиз бўлган оталар — имонсизлардир.

Шариат ҳукмларида оталик бурчи, масъулиятига оид бир бутун ахлоқий ва ҳуқуқий кодекси тизими яратилган. Оталик масъулияти ҳақида шариат ҳукмларида келтирилган қўйидаги ахлоқ ва ҳуқуқ нормаларини мисол сифатида келтиришимиз мумкин:

- Эр ўз хотинини адолат, тўғрилиқ ва зулм ўтказмай тарбия қилиши;
- Эр ўз хотини учун алоҳида бир уйини ажратиб бериши;
- Хотинини одатдаги ўртача кийим, таом билан таъминлаши;
- Фарзандларини керакли даражада тарбия қилиши;
- Хотиннинг маҳрини чин қўнгилдан бериши;
- Хотини, қизларига ҳар соҳада эътибор бериши ва ёрдам қилиши;
- Уй-рўзгор ишларида хотин билан бамаслаҳат иш қўриши;
- Хотиннинг қариндошларини ҳурмат қилиш ва ўзига яқин тутишга;
- Сафардан қайтганида оила аъзоларига ва қариндошларига совға олиб келиши;
- Хотини қиз туғса барака умид қилиб суюниши;
- Қиз фарзандларига кўпроқ меҳр-шафқатли бўлиши;
- Бегона, номаҳрам аёлларнинг юзларига бешаҳват қараши;
- Шубҳа қилиб хотини туққан фарзандни мендан эмас, демаслиги;
- Хотинига, фарзандларига, хизматчиларига кучлари етмайдиган оғир ишларни буюрмаслиги;
- Хотини, фарзандлари, хизматчиларини кичкина айблари учун қаттиқ сўкмаслиги;
- Қизини ўзи хоҳлаган кишига турмушга бериши;
- Хотинини ташлаб, тўрт ойлик сафарга кетиб қолмаслиги;

- Ифбатли хотинини зинокор, деб ҳақорат қилмаслиги;
- Адолат билан таъминлай олмаса, иккинчи хотинга уйланмаслиги ва бошқалар.

Ҳадисларда ҳам эркакларнинг ёмони — ўз аҳли аёлига бахиллик ва қизганчлик қиладигандир, деб очиқ айтилгани сабабсиз эмас.

Юқорида келтирилган ўн тўққиз ахлоқ ва ҳуқуқ мезонида эркакларнинг оилани бошқариш ва оила аъзоларига муносабати борасидаги бурчи ва масъулияти ёритилган. Бу мезонлардан чекиниш оддий хато эмас, балки Оллоҳ олдидаги гуноҳдир. Уларнинг баъзилари зулми ҳаромлар жумласига киритилгани ҳам ҳар бир эркак ўз оиласи олдидаги бурчини муқаддас деб қарашининг белгисидир. Ҳаётда бу мезонларга риоя қилиш оилада муҳаббат, ишонч, адолат барқарор бўлишининг асосий шартларидандир.

Отанинг яна бир муҳим бурчи — қиз фарзандларини меҳр-муҳаббат билан тарбиялашдир. Баъзи оталар оилада қиз болалар кетма-кет туғилса маънос бўлиб юрадилар. Бу ҳол ҳам оила ва фарзанд тарбияси тўғрисидаги миллий, исломий қадриятларга бутунлай хилофдир. Ҳақиқатда эса ҳаётда ота қизнинг, қиз отанинг таянчидир. Қиз фарзандлар кўпроқ отага меҳрибон бўлишини ҳаммамиз яхши биламиз. Ҳадисларда ҳам қиз фарзандларни тарбиялаб вояга етказиш дунёдаги энг савобли ишлардан бири экани кўрсатилади. Бу ҳақда ҳадисларда қуйидаги сўзлар ёзилган: «Қимки учта қиз фарзандни ўстириб, тарбиялаб, вояга етказиб, муносиб жойларга узатса, унинг мукофоти жаннатдир». Бу фикр қиз фарзандларига совуқ муносабатда бўлиб юрган баъзи оталар учун фойдали ўғитдир.

Отанинг ўз умр йўлдошига бўлган адолати муносабати, кўрсатган меҳр-муруввати, раҳм-шафқати ҳам фарзандлари тарбияси учун катта аҳамиятга эга. Фарзандлар адолат нима эканини отанинг онага бўлган муносабатидан ҳам биладилар.

Таниқли тарбияшунос олима Олима ул-Банот ўзининг «Муошаарат одоби» номли китобида бир арабнинг ўз хотинига айтган қуйидаги сўзларини келтиради: «Аччиғим чиққан вақтда мени кечир, ўзингни тий, мени кўрқитаман ва мендан устун келаман деган фикрга бориб, аччиғимни баттар чиқарма. Биласанку, мен сени доим ёқтираман. Шундай вақтда менга жавоб қилмай жимгина тур. Гарчи шундай қилиб мендан устун бўлмоғинг эҳтимол бўлсада, аммо аччиғимни орттириб, катта зарар кўришинг ҳам мумкин. Аччиқ чиққандан кейин нима бўлишини билмассен. Бу вақтда менинг сенга бўлган

муҳаббатимни сундирасан. Муҳаббат билан нафрат бир кўнгилга сизмас, нафрат бор кўнгилда муҳаббат турмас, чиқади-кетади»<sup>1</sup>.

Ҳадисларда эркак ўз хотинини ҳурмат қилиши, уни камситмаслиги энг савобли ишлардан бири экани айтилган. Шундай ривоят бор: «Ҳазрати Умар айтган экан: «Хотинлар мени гуноҳдан сақлашга сабабчидирлар, уйимга қарайдилар, молимни боқадилар, кийимларини ювадилар, болаларимни эмизадилар, тарбия қиладилар, овқатларимни пиширадилар, нонимни ёпадилар. Шунинг учун мен уларни кечираман»<sup>2</sup>.

Эркак кўп ишларда ўз аёлига кўмаклашиши, оила учун бўлган ҳаражатларда қўли очиқ, саҳий бўлиши ҳам катта ижтимоий, тарбиявий аҳамиятга эга. Ҳадисларда кўрсатилишича ҳазрати Ойша ўз умр йўлдоши ҳақида қуйидаги фикрларни айтган: расули Акрам «оилаларининг ишларига кўмаклашар эдилар, агар азон овозини эшитсалар, масчитга чиқар эдилар»<sup>3</sup>.

Оила бошлиғи бўлган эркак оила эҳтиёжлари, ғам ташвишларини ўйлаши, ўз умр йўлдошига нисбатан бўлган ишончи, ҳурмати фарзандларининг маънавиятида чуқур из қолдиради. Бундан болалар отани кўпроқ ҳурмат қилишга ўрганадилар. Ота қанчалик одил бўлса, болалар ҳам бундан катта ҳаётий сабоқ оладилар. «Ота рози — худо рози» деган сўз минглаб йиллик ҳаёт сабоқларидан келиб чиққан ибратли фалсафий хулосадир.

Баъзи эркаклар фарзандларини севадиларку лекин уларни туғиб, не-не машаққатлар билан тарбиялаган онасини ҳурмат қилишни унутиб қўядилар. Фарзандни севиш — унинг онасини ҳурмат қилишдан, ҳолидан тез-тез хабар олиб, уй ишларида унга ёрдамлашишдан бошламоғи даркор. Бу меҳр-мурувват фарзанд туғилганидан кейин эмас, балки у она қорнида бўлган даврданоқ бошланиши керак. Руҳшуносларнинг айтишича, хомиладаги бола ўз эҳтиёжларини она тили орқали айтади. Хомиладор аёл баъзи нарсаларни истеъмол қилгиси келади. Булар ўзи учун эмас, балки қалбида униб-ўсаётган боланинг эҳтиёжи учун керак. Она қийин руҳий вазиятда бўлса, эр, қайнона, қайнога томонидан камситилса у соғлом авлодни дунёга келтира олмайди. Хомиладор аёлга меҳр-оқибатли бўлиш, ҳурмат қилиш, кўнглини кўтариш, оғирини енгил қилиш бўлғуси фарзанд учун ҳам кўрсатилаётган меҳр-мурувватдир.

<sup>1</sup> Олимаат ул-Банот. «Муошарат одоби». 14-бет.

<sup>2</sup> Имом ал Бухорий. Ал жамъ ас-Саҳих. 3 жилд, 481-бет.

<sup>3</sup> Имом ал Бухорий. Ал жамъ ас-Саҳих. 3 жилд, 475-бет.

Фарзанд дунёга келиб, кўзини очганидан кейиноқ, унинг таасуротлари шаклланишида отанинг, бошқаларнинг онага нисбатан бўлган муносабати катта аҳамиятга эгадир. Баъзан оталар фарзанд ва умр йўлдошининг бахти ва саломатлиги билан боғлиқ бўлган мана шу руҳий вазиятни эътиборга олмайдилар. Она учун эрининг бир оғиз ширин сўзи ҳам катта руҳий мадад. Инсоннинг қорни тўяди, лекин меҳр-мурувватга бўлган эҳтиёжи ҳеч қачон тўлмайди. Бу нарса аёлларда айниқса кучлидир.

Бу ёруғ оламдан уйланмай, бола-чақа кўрмай ўтиб кетган эркаклар ҳам бор. Бу — бахтсизликдир, инсонга бир мартаба бериладиган ҳаётнинг лаззатларидан бебаҳра бўлиб қолишдир. Бу йўқотишнинг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди. Хотинсиз уй — жонсиз жасаддир. Қайси уйда хотин бўлмаса чироғи йўқ базмга ўхшайди. «Ҳақимларнинг айтишича хотини йўқ эркак қарори йўқ енгил нарсага ўхшайди, бундай эрнинг ҳеч ерда қўними бўлмайди. Ҳаёт гулдастасини боғлаб турувчи шерози ва ҳаё чаманини яшнатиб турувчи гул — аёллардир»<sup>1</sup>.

Бу фикр қуйидаги маснавийда ифодаланган:

Уйлансаю, бўлса бола-чақаси,  
Манманлигу, кибр кетар барчаси.  
Жаннатмисол обод бўлади хона,  
Хотин эркак учун бўлса ҳамхона.

---

<sup>1</sup> Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони. Т., «Фан», 1994., 175-бет.

## 8. ОНА МЕҲРИ – МАЪНАВИЯТ БУЛОҒИ

Оиланинг маънавий раҳномаси аёлдир, онадир. Шу сабабли ҳам барча даврларда аёлларнинг қиёфаси жамият маънавияти ҳолати ва даражасидан дарак берувчи бир нишона бўлиб келган. Донолар айтганидек, эркаклар миллатнинг бугуни бўлса, аёллар унинг келажигидир. Бугунги кун – бугунги борлигимиздир, нақд қўлга киритган ютуғимиз ёки мағлубиятимиздир. Эртанги кун, келажак бўлса меҳнат, ахлоқ, одоб билан қўлга киритиш мумкин бўлган умид-орзудир. Инсон доим эртанги кун умиди билан яшайди.

Аёллар инсон маънавиятининг олтин хазинаси. Келажак уруғлари аёлларнинг бағрида, қалбида униб етилади. Инсон ҳаёти оламнинг энг буюк зийнати бўлса, бу зийнатни аёл бахш этади. Шу сабабли ҳаёт сингари уни яратувчи аёл ҳам муқаддасдир. Шарқ ҳикматларида айтилганидек, аёл кишини ҳатто гул билан ҳам уриб бўлмайди. Аёлнинг зийнати – маънавиятдир. Шу сабабли ҳам қуръони Каримда «аёллар билан эзгу муомалада яшанг» деган ҳикматли фикрлар айтилган.

Қадимги ота-боболаримиз аёлларни камситишни ахлоқсизлик деб ҳисоблаганлар. Бу борада адолатсизликка йўл қўйиш эса ҳуқуқий жиноятдан ҳам қаттиқроқ қораланган. Ҳар қандай жинсий иш қилишга қодир бўлган шахс ҳам ўз онасини, хотинини ҳақорат қилишга, камситишга ботина олмаган. Бу борадаги тенглик мулкий муносабатларда ҳам бўлган. Зий Гукалининг ёзишича, оддий оилаларда ҳам мулк эр ва хотиннинг иккисига баробар тегишли бўлган. Бошқаларга нисбатан валийлик оталарда қанчалар бўлса, оналарда ҳам шундай бўлгани маълум. Эркаклар доим ўз хотинларига катта ҳурмат билан қараганлар. Бу эса ахлоқий етукликнинг асосий белгиларидан бири сифатида қаралган. Бу мисоллар феминизм (яъни аёлларни ҳурмат қилиш) қадимги ота-боболаримизнинг оддий одати эмас, балки қон-қонига сингиб кетган эътиқодига айланганини кўрсатади. Зий Гукалининг кўрсатишича «қадимги халқлар орасида ҳеч бир қавм туркларчалик хотин жинсиятига шунчалик ҳақ-ҳуқуқ бермаган ва ҳурмат кўрсатмаган»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Зий Гукали. «Туркчилик асослари», 110-бет.

Аёл киши фарзанд кўриш ва уни тарбиялаш учун дунёга келади. Шу сабабли ҳам фарзанд кўришга интилиш эҳтиёжи аёлларнинг қон-қонига сингиб кетган. Маълум ёшга етганида оналик туйғуси ҳар бир аёлда табиий равишда уйғонади. Лекин инсон зотига мансуб бўлган аёлнинг вазифаси табиий эҳтиёж ва имкониятларга таяниб янги авлодни юзага келтиришигина эмас. Она фарзанд кўрмасдан олдинроқ кўп орзу-умидлар билан яшайди, фарзандларнинг туғулишинигина эмас, балки бахтли инсон бўлиб етишишини, ҳалол, меҳнатсевар, имонли бўлишини, улардан невара-чевара кўриб, парвариш қилишни, кексайган чоғида болалари, невара-чеваралари олдида, ҳимоясида бўлишни орзу қилади. Шу сабабли ҳам болали бўлган она уларни боқайди, ҳимоя қилади, билим, тарбия беради, муайян турмуш малакаларини шакллантиради. Бундай маънавий таъсир фарзандлари мустақил оёққа туриши билан тугалланмайди, балки бир умр давом этади. Она кўзига 60-70 ёшга кириб, қариб қолган фарзанд ҳам ҳали ёш боладек кўринади. Она уларга насиҳат қилиш, яхши ишлари учун мақташ, ёмон ишлари учун койишни ўзи тирик бўлган барча даврларда давом эттираверади. Ҳатто ҳаётдан кўз юмаётган она сўнгги дақиқаларда ҳам фарзандларига насиҳат беришга, васият қилишга ҳаракат қилади.

Оналик меҳри, маънавияти туғилган ёш гўдак улғайишида, инсон сифатида шаклланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Оналар қалбида ўз фарзандининг соғ-саломатлиги, ахлоқли ва одоблигини, яхши, тинч турмуш кечиришини кўришдан кўра буюк умид бўлмайди.

Яхши аёл фарзандларинигина эмас, балки эрининг ҳам бахтидир. Ўзбеклар, «эрни эр қиладиган ҳам, эрни ер қиладиган ҳам хотиндир», деб бекорга айтмайдилар. Ҳақиқатан ҳам, яхши аёл фарзандларинигина эмас, балки ўзининг ҳалоллиги, меҳри муруввати, ахлоқи-одоби, оилапарварлиги, рўзгорпарварлиги билан эрини ҳам тарбиялайди. Эрақ киши оила бошлиғи бўлса ҳам у кўпроқ ишда, ташқарида бўлади. Оиладаги соғлом маънавий муҳитни аёллар яратадилар. Шу сабабли ҳам халқ ичида «яхши хотин — бахту олтин», деган ҳикматли сўз бор.

Она меҳри, гўзаллиги ва маънавий кучи жиҳатидан беқиёс ва бетакрордир. Донолар айтганидек, саҳийлик бобида ҳатто куёш ҳам она меҳрибонлиги олдида ҳору-ҳасдир. Тонг, баҳор гўзаллигини ҳам она меҳри гўзаллиги билан таққослаб бўлмайди. Шу сабабли ҳам оламда онадан кўра садоқатли, меҳрмуруватли дўст топиб бўлмайди. Ҳаммамиз ҳам оналаримиздан қарздор бўламиз. Лекин бу қарзни бир умр тўла узаолмаймиз.



Оналик меҳри фарзанд қиёфасидагина эмас, балки жамият тараққиётида ҳам ўз аксини топади. Халқимизнинг, «Она бир кўли билан бешикни, иккинчи кўли билан оламини тебратеди», деган ҳикматли сўз ҳам худди шу маънони англатади.

Она меҳри чексиз, беғараз ва беқиёсдир. Жамият ҳаётидаги, фарзанд тарбиясидаги барча қийинчиликлар ҳам бу чексиз меҳрни сўндира олмайди. Оғир дамларда она ўзини унутса унутадики, лекин фарзандларини асло унутмайди. Халқнинг, «дунё тор бўлганида ҳам она меҳри кенг бўлади», деган мақолида ҳам ҳаёт фалсафасини, аёлларнинг ички дунёсини чуқур билиш билан боғлиқ бўлган буюк ҳикматни кўрамиз. Оналик меҳри бир шахсгагина тегишли бўлган фазилат эмас, балки бу табаррук зотнинг барчасига хос маънавиятдир. Аёл қалбига Аллоҳ жойлаган маънавият шунчалик нафис, гўзал, серқирраки, уни тўла таърифлаб беришга инсон ожизлик қилади. Она меҳрига бағишлаб кўп китоблар ёзилган. Лекин уларда бу меҳрнинг сирлари тўла очиб берилган эмас.

Оналар кўпинча ўзларининг бу буюк фазилатларини тўла тасаввур этолмайдилар. Оила барқарорлигини, аҳиллигини, фарзандлар тарбиясини жамият юклаган вазифа эмас, балки ўзининг табиий, инсоний бурчи деб қарайдилар. Оналар учун бағрида, аллаларни тинглаб, тарбияланган барча фарзандлари азиздир. Ҳар бир она ўз фарзандларига, «ўнта бўлса ўрни бошқа, қирқта бўлса — қилиғи», деган мезон асосида ёндошади. Расули Акрам ҳам мусулмонларга «барча фарзандларингни тенг кўринглар», деб иноят қилганлар.

Бундан қирқ йилларча муқаддам, яъни 50-йилларнинг охирларида бир ёзувчи араб мамлакатларига борганида ўнта боласи бўлган маҳаллий аёлдан, болаларингизнинг қайси бирини кўпроқ яхши кўрасиз, деб сўраганда у шундай жавоб берган экан: «Қайси бири кичик бўлса, катта бўлганига қадар, қайси бири касал бўлса, соғайиб кетганига қадар, қайсиси олдимда бўлмаса, қайтиб келганига қадар бошқаларидан кўра кўпроқ яхши кўраман». Бу фикрларда жуда чуқур фалсафий ҳақиқат бор. Уни баъзилар тушунмаслиги мумкин. Фарзандларнинг бири чиройли, бири хунук, бири инжиқ, бири мулойим, мўмин қобил бўлиши мумкин. Лекин оналар учун уларнинг барчаси бир. Бундай маънавий бойликни фақат оналаргина тушунадилар. Она қалбини фақат она билади. Биз оналардаги меҳрни, оқибатни, ифбат ва ҳалолликни кўрамизку, унинг туб моҳиятини тўла ту-

шуниб етолмаймиз. Бу моҳият ҳам табиий, ҳам ижтимоий, маънавий омилларнинг бирлигидан иборатдир.

Оналарга фарзандларининг кўзи билан ҳам қараш керак. Оналар турли халқларга, турли ирқларга мансуб бўлиши мумкин. Лекин она — ҳамма ерда — Она. Оналик меҳри миллий, ирқий фазилат эмас, балки умуминсоний маънавиятдир.

Оналарнинг ахлоқий фазилатларида, оиладаги ҳуқуқи ва бурчи, ҳурмати борасида кўплаб миллий ўзига хосликлар ҳам борки, уларни асло эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Бу ўзига хослик, айниқса шарқ аёлларида яққол кўзга ташланади. Бу аёлларнинг оилада тутган ўрни, бурчи ва масъулияти, иффати, ору номуси, рўзгор ишларига, эрига, қўни-қўшнилари ва қариндош-уруғларига, фарзандларига муносабатида намоён бўлади. Шарқ аёллари ҳамма ерда камтарлиги, эрига ҳурмати, ишончи ва садоқати, иффати ва ору номуслилиги билан ажралиб туради. Бу борадаги миллий анъаналар, қадриятлар ўзбек аёлларининг маънавий оламига чуқур сингиб кетган. Шу сабабли аёлларнинг шарқона маънавияти ҳақида гапиришга тўла ҳақлимиз.

Совет тузуми даврида ўзбек аёлларининг маънавий оламида маълум чекинишлар, салбий ҳолатлар юз берган бўлса ҳам бу уларнинг оналик, хотинлик бурчи ва масъулиятини бутунлай ўзгартириб юбормади. Уларнинг кийиниши, рўзгор тутиши, юриш-туриши, умр йўлдошига, қариндош-уруғларига муносабатида айрим ўзгаришлар бўлди. Лекин миллий руҳият, ору номуслилиқ, ҳалоллик, садақотлилиқ сингари фазилатларнинг теран томирлари уларнинг маънавий тубанлашиш томон юз ўгиришига имкон бермади. Ҳалқимизда «аёл иффати, ҳурматини сақлар», деган мақол бор. Ўзбекларда аёллар она бўлгани учун ҳам, ҳалол, иффатли, номусли, садоқатли, меҳрибон, сабртоқатли андишали, умр йўлдоши бўлгани учун ҳам ҳурмат қилинади. Ўзбек халқининг, «хотиннинг яхши ёмони меҳмон келганида билинади», «яхши хотин ишлиқ бўлур, ёмон хотин тиллик бўлур», деган ҳикматли сўзларида ҳам уларнинг одамгарчилиги, меҳнатсеварлиги, меҳр-оқибатлилиги, андишаллиги, болажонлиги, эрига садоқатлилиги, қариндош-уруғларга ҳурмати, сабр-тоқатлилиги, барча даврларда ҳам юксак маънавий фазилат сифатида қадрланганини кўрсатади.

Шариат қоидаларида ҳам хотин ўз эрининг қариндошларини яқин тутиши, эрига яхши кўриниш учун зийнатли кийимлар кийиши, уйдан сабабсиз кетиб қолмаслиги, ҳалол эрлари туриб бошқа эркакларга қўнгил бермаслиги, эркакларнинг кий-

имларини, юпқа, бир қаватли кўйлақлар кийиб юрмаслиги са-  
вобли ишлар туркумига киритилган.

Яхши, покиза аёл ўз хулқи, одоби билан умр йўлдошига ҳам  
маънавий таъсир кўрсатади. Қозонга яқин юрсанг қораси юқади  
деганидек, ёмон аёл билан турмуш қурган эрақнинг феълу-  
атворида ҳам аста-секин ёмон хислатлар пайдо бўла бошлайди.  
Бу ўринда тарбия борасида ажойиб фикрларни айтган Олима  
ал-Банотнинг қуйидаги сўзларини келтириш мумкин: «... Чирой-  
ли хулққа эга бўлган аёлларнинг эрлари ҳам шундай хулққа эга  
бўладилар. Аксинча, ёмон хулқли аёлларнинг эрлари ёмон  
хулққа эга бўлиб, уларда ёвузлик хислатлари пайдо бўлиб,  
бошқалар билан ҳам кўпол муомала қилар эканлар»<sup>1</sup>.

Алишер Навоий ҳам ифбатли аёлларнинг бола тарбияси, эри-  
нинг ҳурматини ўрнига қўйиш, рўзгорни юритиш ишидаги  
ўрнини кўрсатиб қуйидаги ҳикматли фикрларни айтган эди: «Му-  
вафиқ тутса қодбону (уй бекаси) давлат ва жамиятга ҳамзону (ё-  
стиқдош) уйнинг оройиши андин ва уйликнинг асоиши андин.

Жамоли бўлса кўнглига марғуб ва самоҳи бўлса жонга мат-  
луб, оқила бўлса, рўзгорни андин салоҳ ва интизом ва маоши  
асбобига андин тартиб ва саранжом.

Бу навъ жуфт кишига қовушса, балки мундоқ комгорлик ил-  
кка тушса, нихоний гаму меҳнатда ҳамроз ва ҳамдаминг бўлғай  
ва махфий ва пинҳон дарду машаққатга дамсоз ва маҳраминг  
бўлғай. Рўзгоридин ҳар жафо этса анисинг ул ва арха даввор  
(фалақдан) ибтило (абло) келса жалисинг (ҳамдардинг) ул»<sup>2</sup>.

Бу фикрларда ору номусли, ҳалол, меҳрибон, оқила аёл эр  
учун ҳамдард, ҳамкор, оила гўзаллиги ва осойишталигининг са-  
баби, ҳаётнинг барча машаққатли йўлларидан қўлни қўлга бе-  
риб, садоқат, сабр-тоқат билан ўтаоладиган бир умрлик дўст  
бўлаолиши мумкинлиги кўрсатилган.

Ўзбекларда оқила аёл оиланинг бойлиги, эр ва фарзандлар-  
нинг бахти деб қаралади. Ақли аёлни, тежамкор уй бекасини  
ота-онасигина эмас, балки умид билан бир ёстиққа бош қўйган  
эри ҳам тарбиялайди. Гап ёмон хотинни олиб тарбиялашда эмас,  
балки садоқатли умр йўлдоши бўлаоладиган, оқила, озода, по-  
киза жуфти ҳалолни топа билишдадир. Бўлажак келинни кўчада  
танишибоқ уйга олиб келиш бизнинг миллий маънавиятимизга

<sup>1</sup> Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони. Т., «Фан», 1994., 177-бет

<sup>2</sup> Қаранг: Э. Юсупов, Ф. Исмоилов «Одამийлик сабоқлари». Тошкент, 1997., 108-бет.

мос келмайди. Бу масалада ҳар кимнинг ўз фикри бўлиши мумкин. Бизнинг фикримизча, бу — оила қуришга бефарқ қарашдир. Шу сабабли халқимиз барча замонларда ҳам келин танлашни ўта масъулиятли иш деб қараган.

Дунёда қизлар кўп. Лекин уларнинг баъзилари вафодор ёр, оқила тарбиячи, тежамкор уй бекаси бўлиши қийин. Шу сабабли бўлажак келинни яхши билиш ҳам бахтиёр оила қуришнинг муҳим шартларидан ҳисобланади.

Қиз қуриш осон, яхши келин топиш қийин. Гўзал аёллар баъзан ўзининг чиройига асосий эътибор бериб, ота-онаси, оиласи, фарзандлари олдидаги бурчи ва масъулиятини унутиб қўядилар. «Сочи узуннинг ақли калта бўлади», деган мақол бор халқимизда. Албатта, сочи узун аёл онадан ақли калта бўлиб туғилмайди. Лекин бошқаларнинг эътибори, мақтовлари уни ўзига маҳлиё қилиб қўяди, ўз чиройини асосий бойлиги деб ҳисоблай бошлайди. Бу эса оналик бурчини, аёллик қадр-қимматини унутишга, баъзан маънавий тубанлашишга ҳам олиб келиши мумкин. Аёл кишига чирой ҳам керак. Лекин ақл, ахлоқ, одоб, андиша, шарму-ҳаё, ифғат, ору-номус аёл руҳиятида устувор бўлмоғи зарур. Шундай фазилатларга эга бўлган аёлларгина ҳалол, ибратли оила қуришга, яхши фарзандларни тарбиялашга қодир бўладилар.

Ўзбек оиласида аёл ўзининг иродасини эрига зўрлик билан ўтказишга ҳаракат қилмайди. Албатта, бу хулоса аёл ўз фикрига эга бўлмаслиги, эрининг барча буйруқларини сўзсиз бажариши, инжиқликлари ва адолатсиз ишлари, хатти-ҳаракатларига кўникиши керак, деган маънони билдирмайди. Аёл ҳам она, ҳам табаррук зотдир. Унинг ўзига яраша обрўси, қадр-қиймати бор. Унинг ҳаққи-ҳуқуқи оёқ ости қилинишига фарзандлар ҳам, жамоатчилик ҳам четда жим қараб турмайди. Лекин аёл мулойимлик, оқилалилик, меҳр ва ғамхўрлик билан эрига ўз фикрларини айтиши, у билан маслаҳатлашиб, бир ёқадан бош чиқариб иш тутиши лозим. Ҳадисларда шундай фикрлар бор: «Барчангиз ўз қўл остингиздагиларга хомий ва масъулдирсиз, эркак ўз оиласига хомий ва масъулдир, хотин ўз эри уйида хомий ва масъулдир». Ўзбекларда «эр-хотин кўш хўкиз», деган сўз бор. Улар иккиси бир бўлиб, рўзгор аравасини тортишсагина ҳаёт кўнгилдагидек бўлади, оғир ишлар ҳам жойидан енгил кўчади. Эр оила бошлиғи бўлгани сабабли хотин бу ҳақиқатни тан олиб, оилани бошқаришда унинг ўрнини инкор этмаслиги, уй ишларида у би-

лан бир ёқадан бош чиқариб туриши, уни оила сарбони, деб тан олиши мажбурият эмас, балки масъулиятдир. Бу масъулият зами-нида ҳам юксак инсоний маънавият ётади. Эрни ҳурмат қилиш ҳам савобли иш. Ҳадисларда айтилганидек, «қайси бир аёл вафот этганида эри ундан рози бўлса, у аёл жаннатга киради».

Ўзбек аёлларига хос бўлган камтарлик, шарму-ҳаёлилик, андишалилик ҳам маънавиятдир. Аёлнинг камтарлиги, андишалилиги оилавий турмушни барқарор сақлашга, турли келишмовчиликларга йўл бермасликка интилишнинг ахлоқий асосидир. Ҳадисларда хотиннинг ўз умр йўлдошига бўлган муносабатининг маънавий асослари ҳақида шундай ибратли фикрлар ай-тилган: «Хотинларнинг яхшиси эрнинг кўзини қувонтирадиган, амрига итоат қиладиган ва ёқтирган нарсани ёқтирадиган, ёқтирмай-диганини ёқтирмайдиган бўлади».

Аёлнинг қиёфаси, юриши, туриши, кийиниши, покизалиги ҳам эрида унга нисбатан ҳурмат уйғотадиган омиллардандир. Аёл пардоз-андозни кўчада юриш, бошқаларнинг кўзига ташланиш, ўзига эътиборини жалб этиш учун эмас балки ишдан чарчаб келадиган эрининг руҳини кўтариш учун қилмоғи зарур. Кўчадан чарчаб, баъзан асабийлашиб келган эркак учун хотинининг ши-рин сўзи, ғамжўрлиги, ёқимли нигоҳидан яхшироқ нарса бўлмаса керак. Эркак аёлнинг ширин сўзидангина эмас, балки қиёфаси, кийиниши, покизалигидан ҳам ўзига маънавий қувват олади. Эр-как ишдан чарчаб келсаю, уйда ҳамма нарсалар ағдар-тўнтар бўлиб ётса, хотини ифлос кийимлар кийиб, ўзига қарамай юрса, бунинг устига бўлар-бўлмас баҳоналар топиб жанжал бошласа, болаларига қараб бақирса, уни олиб бермадинг, буни олиб бер-мадинг деб инжиқлик қилса, бу ҳам киши кайфиятини бузади. Шу сабабли ҳам аёлнинг ўзига маълум меъёрда оро бериб юриши, уйини озода тутиши оилавий турмуш гўзаллигининг муҳим маънавий омилларидан биридир. Она покиза кийиниб, вақти чоғ бўлиб юрса бундан фарзандлари ҳам қувонади.

Эрнинг амрига итоат қилиш — унинг ақл билан ўйлаб, оила манфаатларини эътиборга олиб айтган сўзларига, қилган ишларига кўмаклашидир. Лекин эрнинг иродаси ҳам маълум маънавий омиллар доирасида бўлиши лозимлигини унутиб бўлмайди.

Эри ёқтирганини ёқтириб, ёқтирмаганини ёқтирмаслик ҳам оила бошлиқларининг бир-бирига маънавий уйғунлашуви бел-гисидир. Лекин бу борадаги муносабатлар бирёқлама бўлиши мумкин эмас. Эр ҳам хотинининг истакларини эътиборга олиб ўз

иродасини намоён қилмоғи зарур. Хотин эри қилаётган ишларни ёқтириши оила ҳаётидаги эҳтиёжлар ва вазифаларни муштарак тушуниш заруриятидан келиб чиқади. Албатта, эрнинг айрим ишлари, хатти-ҳаракати хотинига ёқмаслиги ҳам мумкин. Лекин аёл вазият қулай бўлганида ётиғи билан, босиқлик билан бу ишларга нисбатан ўз муносабатини билдириши зарур.

Оилавий муносабатларда, фарзанд тарбиясида эр билан хотин бир-бирига ён бериши ҳам аҳамиятли. «Жаҳл келганида ақл кетади», дейди халқимиз. Ҳаётда шундай вазиятлар бўладики, одамнинг жаҳли чиқиб турганида унга оддий бир ҳақиқатни ҳам тушунтириб бўлмайди. Ҳиссиёт таъсирида бўлган одамнинг ҳақиқат олдида кўзи юмилиб қолади. Ана шундай вақтда эр хотин ҳақ-ҳуқуқ талашини, бир-биридан устун келишга интилиши оилавий турмушга раҳна солади, ҳатто уни издан чиқариб юбориши ҳам мумкин. Аёлнинг кучи унинг сабру-тоқатида ҳамдир. Оқила аёллар ана шундай жиддий вазиятда ўзларини тугиб турадилар, яхши сўзлар билан эр кўнглини овлашга, айрим ноҳақликларни билиб туриб билмасликка олишга ҳаракат қиладилар. Бир оздан сўнг эр ҳовридан тушади, ноҳақ сўзи ва ишларини ўзи виждонан тан олади. Бундай вазиятда ноҳақ эр эмас, балки сабр-тоқатли хотин ғалабага эришади.

Ақли калта одамнинг товуши йўғонроқ бўлади, дейди халқ. Гарчан аёл гап талашиб, ўринсиз тортишиб, ҳатто баъзан шаллақилик қилиб эридан устун келса ҳам у ҳеч нарса ютмайди, балки ютқзади. Тили узун аёлларга нисбатан эрнинг муҳаббати, кўни-қўшнилари, ҳатто фарзандларининг ҳурмати ҳам камаяди. Ёмон арава йўл бузганидек, тили ёмон хотинлар оиладаги вазиятни бузади, фарзандларининг маънавий камолатига, уларнинг кейинги турмушига ҳам салбий таъсир этади. «Қуш уясида кўрганини қилади», дегандек бундай оналарнинг фарзандлари ҳам шундай муҳитда тарбияланадилар. Бундай оналар тарбиялаган қизларга ҳам яхши жойлардан совчи келавермайди. Уларнинг ўғилларига ҳам бошқалар ўйлаб қизини келинликка беришади. Эрини уйига сиғдирмаган, у билан муроса қилаолмаган аёл келин билан, қудалар билан муроса қилиши амри маҳол.

Ўзбек аёлларининг тежамкорлиги, рўзғорпарварлиги, сарф-ҳаражатларни имкониятга қараб қилиши ҳам оила барқарорлигининг муҳим шартларидандир. Ҳадисларда айтилганидек «Хотинларнинг баракалироғи сарф-ҳаражатни камроқ талаб қиладигандир».

Оилавий турмуш фақат маишат, роҳату-фароғатдангина иборат эмас. Турмушнинг ширин дамлари ҳам, оғир дамлари ҳам бўлиб туради. Аёл буни ҳаммадан кўпроқ билмоғи керак. Бугунги роҳатда, старчилик кунларида эртанги етишмовчиликларни ҳам ўйлаш керак. Оилавий ҳаётни маишатга, зеби-зийнатга берилмай ташкил этган оналар ҳаётнинг ҳар қандай дамларига ҳам мослаша оладилар. Оилавий турмушни бир меъёрда ташкил этган аёллар ҳар қандай қийинчиликлардан сабр-бардош билан чиқади. Шу сабабли ҳам тежамкор аёллар бу кунни эмас, балки кўпроқ эртани ўйлайдиган, бугун камроқ сарф-ҳаражат қилиб, қолган имкониятдан эртага фойдаланишни кўзлайдиган бўлади.

Рўзгорпарвар аёлларнинг эртанги кунда керак бўладиган нараси доим тахт бўлиб туради.

Оиладаги тўй тараддудини бир ўйлаб кўрайлик. Ўғил уйлаш, қиз чиқариш катта сарф-ҳаражатларни талаб қилади. Тўй дастурхонидан ташқари уй жиҳозлари, асбоблар олиш, куёвга, келинга, қудаларга, қариндош-уруғларга кийимлар, совға-саломлар ҳам бериш керак. Бу ҳам фарзандларига бўлган ўзбекона меҳрнинг, ғамхўрликнинг бир кўринишидир. Тўй арафасида бундай сарф-ҳаражатларни ўйлаб довдираб қолади, киши. Бировдан қарз олинса, эртага уни тўлаш керак. Ана шундай дамларда аёлларнинг ақли-идроки, оила ташвишлари билан ҳамма вақт яшаб юргани яққол кўзга ташланади. Улар эридан яшириб, оила ҳаражатларидан тежаб тўплаган барча нарсаларини ўртага қўядилар. Тўйнинг кўпгина ҳаражатлари уйнинг ўзида борлигини билмай ғам-ташвишда юрган эрнинг ҳам руҳи енгиллашади. Шу жиҳатдан тежамкор, сарф-ҳаражатни ўйлаб, имкониятига қараб қиладиган аёллар фарзандларининг ҳам, эрининг ҳам мушқулини енгиллаштиради.

Оналарнинг яна бир муҳим бурчи-қизларини вафодор ёр, меҳнатсевар, покиза, меҳрибон уй бекаси, камтарин, ахлоқли, одобли, мураббий сифатида тарбиялашидир. Ўзбекларда оналар қизларига жуда ёшлигиданоқ оилавий ҳаётнинг мақсади, масъулияти ҳақида таълим берганлар ва уни инсон шахси шаклланишининг муҳим заминларидан бири деб қараганлар. Бинобарин, оилавий ҳаётнинг масъулияти, фарзанд тарбиялаш борасидаги анъаналар ва тажрибани қизлар оила қурмасдан олдинроқ ўрганадилар. Бу ўринда, анча узун бўлса ҳам, бир онанинг ўз қизига қилган насиҳатини келтирмоқчиман. Она ўз қизига шундай деган экан, «Эй қизим! Сен ўз ўрганган уйингдан кетиб,

нотаниш хонадонга бормоқдасан. Сен бўлажак эрингнинг ҳамма ҳислатларини билмайсан! Сен ер бўл, у эса осмон бўлади. Демак, сен у билан шундай йўл тут: унинг олдида ер каби камтар бўлсанг, у осмон каби олижаноб бўлади. Осмон шифоли ёмғири билан ерни кўкартиргани каби, у ҳам ўз меҳру-шафқати билан сени хушнуд этади. Яна сен унга тўшак бўлсанг, у сенга ёстиқ бўлади. Ёки сен унга канизак бўлсанг, у сенга кул бўлади.

Қизим! Эрингдан кучи етмаган, сотиб олишга имкони бўлмаган нарсаларни талаб қилма, бундай қилсанг, оилангдаги тотувлик йўқолади, турли хил жанжаллар пайдо бўлади. Ўзинга хушбўй нарсалар билан оро бер! Нохуш ҳидларнинг эр димоғига киришини олдини ол! Покизалик ҳамиша йўлдошинг бўлсин, аччиқ пичинг сўзлар айтишдан сақлан, тилингни ширин, юзингни ҳамиша очиқ тут! Эринг сендан фақат юмшоқ ва ширин сўзларни эшитсин, ярашмайдиган ёки, эски либосда, (ёки юзларингга оро берилмаган ва сочларинг тартибга солинмаган ҳолда) унинг олдида ўтирма»<sup>1</sup>.

Бу оддий сўзлар мазмунида оила барқарор, ширин, тотув бўлиши учун ниҳоятда зарур бўлган ҳаёт фалсафаси ётади. Дарҳақиқат, оилавий ҳаётда эр-хотиннинг бир-бирига ишончи, садоқати, ҳурмати катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятга эга.

Ҳаёт доим тўйдан, хурсандчиликдан иборат бўлмайди. Унинг оғир кунлари, мусибатли дамлари ҳам бўлади. Оиланинг мустаҳкамлиги ҳаётнинг ҳар қандай вазиятида эру хотин бир-бирига ҳамкор, ҳамдард бўла билишлигидадир. Ўзбек оилаларида «муросаю мадора» деган катта фалсафий ҳақиқат борки, оналар уни ёшларнинг миясига болалигиданоқ куйиши керак. Муросаю мадора — эр ва хотин бир-бирига кечиримли бўлишидир, арзимаган сабаблар билан бир-бирига таъна, маломат тошларини отмаслигидир. Муросаю мадора ҳаётнинг ҳар бир дақиқасида бир-бирига суяниш, ён бериш, бир-бирининг хатосини тузатиш ҳам демақдир.

Аёлларга ён босиш, уларнинг мушқулини енгиллаштириш, оилавий ишларида ёрдамлашиш эркак учун ор эмас, балки унинг маънавиятлилиги даражасини кўрсатувчи фазилатдир. Эркак аёлга ёрдамлашишдан аёлнинг ўзигина эмас, балки оила наф кўради. Аёл ўзи қилиши мумкин бўлган ишга эри ёрдамлашганини сезса, руҳий қаноат ҳосил қилади. Бу қаноат аёл саломатлигининг, кай-

---

<sup>1</sup> Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони. Т., «Фан», 1994 йил....-бет.



фиятининг асосий омилларидадир. Онанинг ҳурмати катта бўлган оила — бахтли оиладир. Аёлларга ёрдам бериш, уларнинг оғирини енгил қилишга интилиш бизнинг азалий анъанамиз бўлган. Аёллар оғир юк кўтариб келса эркаклар уни қўлидан олиши, кўчат экишса ер қазилганини ўғил болалар, кўчатга сув қуйишни қизлар бажариши ҳам ажлоқий маданиятнинг кўринишидир.

Совет тузуми даврида аёллар эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлди, деб эълон қилинди. Лекин бу «тенгҳуқуқлик» аёлларга ҳос заифлик, уларнинг оиладаги ўрни ва бурчини бутунлай инкор этиш эди. Аёллар колхоз далаларида, завод ва фабрикаларнинг цехларида ишлай бошладилар. Улар жамоатчилик ишларига жалб этилганлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Лекин улар бола туғиш ва тарбиялаш, оила аъзоларининг кирини ювиб, таом тайёрлаш, уй-рўзгор ишларини тебратиш, сигир соғиш сингари вазифалардан озод бўлмади. Колхоз далаларида эса эркаклар сувчи, тракторчи, бригадир, табелчи бўлиб қолдилар. Қўл кучи билан иссиқ, совуқ кунларда далаларда бажариладиган барча оғир ҳисмоний ишлар аёллар зиммасида қолди.

Совет тузуми тўла «озодликка чиқарган» колхозчи ўзбек аёлининг бир кунлик иш вақтини тасаввур этиб кўрайлик. У тун ярмида уйқудан туради, ҳовли супуриб, сигир соғиб, болаларига чой тайёрлайди. Саҳарда нонушта тайёрлаб, болаларини кийинтиради, мактабга, ишга жўнатади. Тонг ёришмай ўзи сигирини етаклаб, кичик боласини қўлига олиб, далага ишга боради. Сигирини дала четига бойлаб, ёш боласини тут дарахтларига боғлаган беланчакка солиб, ишлайди, бола йиғлаганида исиб кетган кўкраги билан эмизади, яна кетмон чопади. Тушлик пайтига ҳам бир соат вақт ажратиларди. Кунлик нормасини бажара олмаса, гап эшитарди. Қош қорайгач, яна бошига бир боғ ҳашакни кўтариб, боласини қўлига олиб, сигирини етаклаб уйига келади, уй супуриб, овқат пиширади, сигир соғади. Болалари ётганидан кейин кир ювади, ёяди. Тунда дам олар-олмай яна эрта саҳар туради. Бир йилда 365 кун мана шу аҳвол. Бу аёллар саккиз соатлик иш кунини, шанба, якшанба кунлари дам олишни, бир ойлик таътил нима эканини билмаган. Унинг устига, қилган оғир иши учун деярли иш ҳақи ҳам олмаган. Бундай оғир аҳволга фақат меҳнаткаш, жафокаш аёлларгина бардош бера олади.

Совет тузуми даврида далада ишловчи аёллар яхши кийиниш, театрларга бориш, ўзига оро бериш нима эканини бутунлай унутиб қўйдилар. Улар болаларининг ўқишидан, дарсдан

кейинги юриш-туришидан ҳам тўла хабар ололмадилар. Биз ҳам ана шундай оғир шароитларда меҳнатдан боши чиқмаган, кўллари қадоқ оналар кўлида тарбияландик.

Бундай оилалардаги болаларда ҳам дам олиш, ўйин-кулгу қилиш учун шароит бўлмаган. Улар мактабдан чиқиб оналарига, укаларига қарашган, кўй-мол боқишган. Инсоният тарихида муқаддас зот — аёл бошига шундай оғир кунлар тушмаган бўлса керак. Шундай кунларда ҳам ўзбек аёллари ўзларининг оналик бурчини, хотинлик масъулиятини, инсонлик қадри қимматини асло ерга урмадилар. Эрлари фронтга кетган ёш келинлар ҳам оғир қийинчиликларга қарамай ўзларининг аёлик ифратини, ору номусини баланд тутдилар. Бу ҳам баъзан тушуниш қийин бўлган, фақат аёлларнинг ўзига хос ички дунёси, тасавури ва эътиқоди билан боғлиқ бўлган маънавиятдир. Ҳаёт синовлари ўзбек аёлларининг бағрини эзиб, қаддини букса ҳам имон, эътиқодини, оруномусини ерга уролмади. Бундай буюк қудрат миллий, диний эътиқодлар билан боғланиб, аёллар қалбига сингиб кетган юксак маънавиятдир, инсонийликнинг олий ифодасидир.

Халқимиз қадим-қадим замонлардаёқ оналик имкониятининг табиий моҳиятини, ижтимоий аҳамиятини яхши англаган, оилавий муносабатларга мақсад ва йўналиш берувчи ахлоқ ҳуқуқ нормаларини яратган. Булар инсоннинг табиий ва ижтимоий, маънавий эҳтиёжларини мутаносиблаштиришга имкон берган. Шу сабабли аёллар табиий эҳтиёж кучайган чоғларда ҳам маънавият чегараларини четлаб ўтаолмаганлар. Шунинг учун шарқ аёлларида табиий эҳтиёждан кўра инсонийлик масъулияти, оналик қадри-қиммати, вафодор умр йўлдошлик эътиқоди ҳамма вақт устувор бўлган. Аёлнинг эрки ва эркинлиги ҳам маънавий мезонлар билан белгиланган. Ҳақиқий эркинлик инсон ўз хоҳиши ва истагини муайян маънавий, ҳуқуқий мезонлар чегарасида амалга оширишидир. Бу борадаги мезонларни бузган аёлларни жамоатчилик қаттиқ қоралаган.

Молу дунё, маишат деб умид билан бир ёстикқа бош кўйган эридан, фарзандларидан ҳам кечиб юборадиган, оиланинг қадри-қимматини, халқимизнинг ҳалоллик, садоқат, вафо, ҳаё бора-сидаги анъаналарини, муқаддас динимиз қадриятларини оёқ-ости қиладиган аёллар ҳам борки улардан бирининг жирканч қилмишлари ҳақида бир мисол келтирмоқчимиз. Бу аёлнинг асли номини ўзгартириб ёзишга қарор қилдик.

Тошкент шаҳрида Феруза исмли чиройли бир аёл яшаган. Унинг уйи-жойи, вафодор умр-йўлдоши, ширин-шакар қизчаси ҳам бўлган. У молу-дунёга, маишат кетидан қувиб, маънавий тубанлик, бузуқлик йўлига кириб кетган. Хотинининг беҳаёликларини сезган эри уни инсофга келтириб, тўғри йўлга солмоқчи бўлган. Лекин бу ишдан натижа чиқмагач, у ёш қизчасини олиб ота-онасиникига кетиб қолган. Феруза эса шаҳардаги ҳиссадорлик жамиятларидан бирида раҳбар бўлиб ишловчи, бола-чақали пулдор йигитни қўлга олган, у билан маишат қилиб, ресторанларга борган, ичиб, ширакайф бўлгач, бева бир кампирнинг уйига бориб яна маишатни давом эттиришган. Ҳўнаши иш билан банд вақтида кампирнинг уйига бошқа эркакларни ҳам олиб келган.

Кунлардан бир куни Ферузанинг эри ярашиш ниятида уйига келиб, хотинини кроватда ётган Ҳўнаши билан кўргану, уни пичоқлаб ўлдириб қўйган. Шундан кейин Феруза эри билан Ҳўнашининг мурдасини майдалаб, каналга олиб бориб ташлаган. Ниҳоят терговчилар жиноятни фош этишган. Оқибат шунга олиб келдики, Ҳўнашининг хотини бева, уч ёш боласи етим бўлиб қолди. Энди, Феруза, жаҳл устида жиноятга қўл урган эри умрининг анча қисмини қамоқхонада ўтказди, ширин-шакар, ёлғиз қизи эса, ота-она меҳрини кўрмай катта бўлади.

Бу фожеадан бошқалар ҳам хулоса чиқариб олиши керак. Аналик қадрни, аёллик ору-номуси, масъулияти ҳақиқий виждонли аёл учун дунёнинг барча бойликлари, зеби-зийнатларидан устун бўлган. Ўзбек аёллари барча даврларда ҳам бу қадриятларга амал қилишган.

Тижоратчилик, тадбиркорлик йўлига кирган баъзи аёллар катта пул топиб, эс-хушини йўқотиб, фарзандларини, турмуш ўртоғини ҳам менсимай, айрим ҳолларда, номуссизлик, жиноятчилик йўлига ўтиб олганининг ҳам гувоҳи бўлмоқдамиз. Мисол сифатида Гулистон шаҳрида яшовчи Танзила исмли аёлнинг қилмиш-қидирмишларини кўрсатиш мумкин. Унинг икки фарзанди, эсли-хушли, меҳрибон турмуш ўртоғи ҳам бўлган. Танзила олиб-сотарлик қилиб, катта пул топа бошлагач, эрини бутунлай ҳурмат қилмай қўйган, оналик номига доғ тушуриб, беҳаёлик йўлига ўтиб олган. Эри сабр-тоқат билан уни тўғри йўлга солишга ҳаракат қилган. Лекин Танзила бемалол ўз кўнгил хушлигини давом эттириш мақсадида ухлаб ётган эрини кўкрагига пичоқ уриб ўлдирган. Бу ишнинг натижасида оилам, уйим-жойим, фарзандларим деб яшаган бир ҳалол инсон ҳаётдан кўз юмган, икки ёш бола эса етим бўлиб қолди.

Тадбиркорлик йўлига ўтиб, ҳалол меҳнат қилиб, пул топиб, оилада тотувликни таъминлаб, элда обрў ортгирган аёллар орамизда камми? Ана шундай аёллардан бири Тошкентдаги «Хосиятхон» номли дўкон эгаси Ҳалима Турдиевадир. У фарзандларини яхши тарбиялаб, ўз қўли остида ишлаган йигирмадан ортиқ аёлга меҳрмурувват кўрсатиб, улар ишлаши ва тўқ яшаши учун шароитлар яратиб берди. У ўзининг тадбиркорлик фаолиятини 1994 йилданоқ бошлаган. Боготлик Тўхтагул опа Бўронова ҳам 1994 йилдаёқ хусусий фермер хўжалиги ташкил этган. У ер олиб, оила аъзолари билан меҳнат қилиб пахта ҳам экди. Бундай аёллар ор-номусини, оила қадрини, эри ва фарзандлари олдидаги масъулиятини ҳамма нарсадан устун қўяди. Жамият шундай аёлларга суянади.

Абдурахмон Жомийнинг куйидаги мисралари худди шундай ахлоқ-одобли, имонли, диёнатли, меҳнаткаш аёлларга аталгандек туюлади:

Тан маҳраמידан ўзга, бўлса ҳамки хусндор,  
Ҳалол аёл қарамас бегонага бирор бор.  
Фалак ойи бўлса ҳам, хуснда у ягона  
Ҳаёлик аёл доим бегонага бегона.

Қадимги туркий халқлар аёллари инсоний қадр-қиммат, ору номусни энг буюк фазилат деб билишини кўрсатиш учун Зиё Гўкали шундай бир мисол, келтиради: Ўтган замонларда гўзал салжуқ маликаларидан бири Қазвин шаҳрининг соҳиббаси бўлган экан. Аёл ҳар йили баҳорда шаҳар атрофидаги гуллар очилган водийлардан бирида чодир тикиб дам оларкан. Малика дам олиб юрганида шаҳардаги камбағаллар эҳтиёжи, ободончилик ишлари учун пул керак бўлиб қолипти. Шунда бир гуруҳ оқсоқоллар пул сўраб маликанинг олдига боришса, у ўтов четида ўтириб, чарҳда ип йигираётган экан. Шунда келганлардан бири, орқамизга қайтиб кетаверайлик, молу-дунёга тўймай, ип йигириб ўтирган бу хасис аёл бизга пул бермайди, деган. Лекин оқсоқоллар ўйлаб, ўйлаб маликанинг олдига бориб, илтимосини айтишга қарор қилганлар. Шундан кейин маликанинг олдига бориб, арзларини айтганида, у сўраган пулларини ортиғи билан берган. Келган оқсоқоллардан бири бу вазиятдан ажабланиб унга, маликам, сиз жуда бадавлат аёлсиз, нима учун дам олмай, бўз тўқиб ўтирибсиз, деганида у шундай жавоб берган экан: Нима қилса ҳам мен аёлман, агар қўлим бирор зарур иш билан банд бўлмаса миямга турли ҳавойи фикрлар келиши мумкин. Бу фикрлар миямга келмасин, деб иш билан банд бўламан.

Бу жисмоний бақувват, айна вақтда маънавий етук шарқ аёлининг ҳаёт фалсафаси эди.

Шарқ аёллари ўзининг жисмоний эҳтиёжларини инсоний маънавиятга тўла бўйсундириши ҳам, ҳар қандай вазиятда ўзининг қадри-қиммати, ору номусини баланд тутиши ҳам оила мустаҳкам бўлишининг сабабларидан ҳисобланган. Онанинг ҳалоллиги, виждонан поклиги, эрнинг, фарзандларнинг, қолаверса бутун миллатнинг обрўсидир. Баъзан аёлларнинг ҳулқи атвори тўғрисида сўз кетганида унинг қайси миллатга мансублигини ҳам эътиборга оладилар. Бу ҳам миллат маънавияти даражаси ва моҳиятини кўрсатувчи мезонлардан бири. Бирор аёл бошқа мамлакатга бориб, ахлоққа зид иш қилса, у ўзининг шахсигагина эмас, балки мамлакатига ҳам, миллатига ҳам иснод келтиради. Шу сабабли ҳар бир шахснинг маънавий етуклиги ва заифлиги у мансуб бўлган миллат ва яшаётган мамлакатигаги маънавий муҳитнинг кичик бир белгисидир.

1979 йили Лаосда бўлганимизда аёллик қадри-қиммати қанчалик юксаклигининг гувоҳи бўлдик. Мамлакатда ниҳоятда оғир иқтисодий қийинчиликлар мавжуд эди. Лекин аёлларнинг ор-номуси, андишаси шунчалик юксак эдики, улар оч қолсалар ҳам нопок ишларга юрмасди. Мамлакатда французлар ҳукмронлик қилган йилларда очилган фохишахоналарда маҳаллий миллатга мансуб бирорта аёл бўлмаган. Аёллар учун оналик, хотинлик бурчи ҳамма нарсадан устун ва муқаддас ҳисобланган. Бундай ахлоқ, одоб маданияти аёлларнинг кийинишида, юриштиришида, муомаласида ҳам яққол кўзга ташланар эди. Фарбдан келган баъзи кишилар бу ҳолни маданиятсизлик, қоқоқликнинг белгиси деб ҳисоблашлари мумкин. Лекин бу инсонийлик қадрини ҳаётнинг барча лаззатларидан устун қўйишга асосланган маънавиятнинг ифодаси эди.

Лаосдаги биринчи учрашувларда Ўзбекистондан, Тошкентдан келганимни айтдим. Лекин кўпчилик зиёлилар дунёда бундай мамлакат ва шаҳар борлигини билишмас экан. Ҳамроҳ бўлган киши, бу одам «Баҳор» ансамбли келган мамлакатдан келди, деб айтди. Шундан кейин менга нисбатан бўлган ҳурмат, эътибор анча ортиб кетди. Кейинроқ билсак «Баҳор» рақс ансамбли бир неча йил олдин бу мамлакатга гастролга келган экан. Бу ансамблдаги раққоса қизларнинг узун лозим, узун кўйлак кийиб рақсга тушиши маҳаллий аҳолига жуда маъқул келган. Мамлакатда катта иқтисодий қийинчиликлар бўлиб, кўпчилик аҳоли очлик шарои-

тида яшаган бўлса ҳам барча концертларда заллар одамлар билан тўлиб кетган. Аёлларнинг қалта кўйлақлар кийиб, баданларининг кўп жойларини очиб юриши лаосликларнинг эътиқодлари, ахлоқ тўғрисидаги тасаввурларига тўғри келмас экан.

1990 йилда Бирлашган Араб Амирлигига борганимизда ўзбеклар, уларнинг миллий, исломий маданияти тўғрисида жуда ажойиб фикрлар айтилди. Бизни Имом Бухорий, Имом Термизийнинг авлодлари сифатида ҳурмат қилишди. Лекин 1992-1996 йилларда у ерга кўплаб тижоратчи аёлларнинг бориши, баъзилари савдодан ташқари беҳаё ишлар билан шуғулланиши ўзбек миллати ҳақидаги яхши тасаввурларни ҳам анча хиралаштириб қўйган бўлса ажаб эмас.

Аёллар ўзини тутуши, кийиниши, юриши-туруши, муомаласи эркакларнинг уларга нисбатан қандай муносабатда бўлишини ҳам белгилайди. Айтиб ўтилганидек, эркак билан аёл ўртасидаги муносабат асосида жинсий мойиллик эмас, балки биринчи навбатда оила қуриш, фарзанд кўриш истаги ётади. Бу ҳам табиий, ҳам ижтимоий эҳтиёждир. Ёш қизлар ҳам йигитларга биринчи марта назар ташлаганда вафодор умр йўлдоши бўлиш, фарзанд кўриш истаги билан қарайди. Жинсий муносабатлар уларнинг назарида биринчи ўринда турмайди. Бу балоғат ёшига етаётган ҳар қандай қиз учун ҳам табиий бўлган бир ҳолдир. Яхши оилادا, соғлом муҳитда тарбияланган ёш йигитларда ҳам қизлар билан бўлган биринчи учрашувлардаёқ шу ҳиссиёт, туйғу устуворлик қилади. Булар умрбод бирга яшаш иштиёқи, умиди билан боғланган туйғулардир. Жамият ривожига асос бўладиган маънавий омиллардан бири ҳам шудир.

Агар қиз ёки аёл ўзини эркакларга чиройли кўрсатиш учун яхши кийинса, юз-кўзларини бўяб, баданининг кўп жойларини очиб юрсачи? Бундай вазиятда ҳам аёллар эркакларнинг эътиборини ўзига тортади. Лекин бунда эркакларда инсоний иштиёқлардан кўра шаҳвоний туйғулар устуворлик қилади. Улар аёлнинг қалбига, ахлоқ-одобига эмас, балки қадду-қоматига, бўялган қошу-кўзига, баданининг «манаман» деб кўзга ташланиб турган аъзоларига кўпроқ эътибор берадилар. Уларда аёл билан оила қуриб, фарзанд кўриш истагидан кўра, бир нафас лаззатланиб қолиш билан боғлиқ шаҳвоний истақлар устуворлик қилиб кетади. Улар имкониятни қўлдан бермай, аёлнинг кўнглини олишга интилсалар ҳам уйланиш мақсадини ўз олдига камдан кам қўядилар. Агар бирор зарурият билан уйланиб олсалар ҳам бундай оила бахтли ва барқарор бўла олмайди.

Баъзи аёллар бундай ҳолларда эркакларнинг инсоний бурчига нисбатан вақтинчалик шаҳвоний интилишлари кучайишини, бу эса ҳеч вақт ҳақиқий муҳаббат даражасига кўтарила олмаслигини яхши билмайдилар. Бошқа эркаклар билан муомалада бўлган аёлнинг ўз умр йўлдошига ҳам кўнгли совийди, оиласидан файз-барака кетади. Енгил аёл турмуш курганидан кейин ҳам ўзининг хунук қилиқларини ташламаслигини кўпчилик яхши билади. Шу сабабли эркаклар, агар яхши оила қуришни ният қилган бўлсалар, асосан, қизларнинг, аёлларнинг оддийлиги, ҳалоллиги, меҳнатсеварлиги, вафодорлиги, ибодилиги, шарму-ҳаёлилиги, андишалилигига эътибор берадилар. Бу ўринда шаҳвоний интилишдан, ҳиссиётдан кўра яхши оила қуриш билан боғлиқ маънавий масъулият баланд туради.

Аёлларнинг ўзига оро бериши, яхши кийиниши миллий, диний қадриятларимизга зид келмайди. Лекин бу ишлар бошқаларга ўзини кўз-кўз қилиш учун эмас, балки эрига, фарзандларига яхши кўриниш учун қилинмоғи зарур. Аёлнинг маънавий гўзаллиги ҳам ҳудди шунда намоён бўлади. Бу маънавий гўзаллик эр учун ҳам, фарзандлар учун ҳам катта бахтдир. Аёл учун катта бахт мол-дунё, зебу-зийнат эмас, балки ширин, аҳил оиладир. Аёл киши ҳамма вақт фарзандлари ақл-идрокли, соғ-саломат, бахтли бўлишини, эри ишдан қайтгач яхши кайфият билан уйга кириб келишини хоҳлайди. Барча оила аъзолари билан бирга ўтириб чой ичиш, уларни аҳил, самимий муносабатларини кўриш, сўзларини эшитиш, эри билан уй-рўзгор ташвишлари, ишлари, болаларининг тақдири ҳақида ўйлаш ва фикр алмашиш она учун энг улуг бахтдир.

Ақлли, меҳрибон аёлларни фарзандлари, неваралари, турмуш ўртоғидан олисдаги дунёнинг энг гўзал жойларига олиб бориб қўйсангиз ҳам улар тинч бемалол, роҳат қилиб дам ололмайдилар. Ҳар дақиқада фарзандлари, оиласи тўғрисида ўйлайдилар, улардан хабар келмаса бутун дунё кўзига тор бўлиб кўринади, кечалар кўз юммайдилар. Уйидан яхши хабар келса, қорни ҳам тўяди, кайфияти ҳам яхшиланади, бироз тинчиб руҳий ором олади. Она бозорга борса ҳам аввал фарзандларига бирор нарса олади, ортиб қолса ўзига олади. Бу аксарият аёлларга хос бўлган буюк маънавиятнинг кўринишидир. Оналарнинг табиат инъом этган бундай нозик руҳий ҳолатини сиртдан кузатиб турсак ҳам унинг ички моҳиятини тўла тасаввур этаолмаймиз.

Онанинг шодлиги оиладаги бахт ва тотувликнинг белгисидир. Онанинг кулгуси бутун хонадоннинг кулгусидир. Бу кулги оддий

хис-туйғу эмас, балки фарзандларга, умр йўлдошига ҳам куч-қудрат, ишонч бахш этувчи маънавий омилдир. Онанинг кулгуси жаранглаб турган хонадон — энг бахтли хонадондир. Онанинг хафалиги ҳам оиладаги ноқулай вазиятга, шароитга, фарзандлар, умр йўлдошининг ахлоқи, юриш-туриши, ўзини тутуши таъсирида ортади.

Онанинг меҳри, муҳаббати, вафо-садоқати, ғамхўрлиги, камтарлиги, оқибатлилиги тарбия жараёнида шаклланган маънавий фазилатлардир. Лекин оналик меҳри табиат инъоми ҳамдир. Қиз болалар ёшлигиданоқ қўғирчоқ ўйнайдилар. Бу ерда оналик бурчи билан боғлиқ бўлган генетик масъулият ҳам бор. Аёл шу жинсга мансуб бўлиб, туғилганлиги, оилада она тарбиясини олгани учунгина эмас, балки қонида насл қолдириш билан боғлиқ ўзига хос генетик имконият бўлгани учун ҳам онадир. Лекин бу генетик имконият инсон яшаган муҳит ва оиладаги тарбия жараёнида сайқалланиб, ҳаётий кучга эга бўлади. Она меҳри шундай бепоёнки, унинг имкониятини тўла тасвирлаб бериш қийин.

Она меҳри бамисоли бир маънавият булоғи. У абадий қайнайди, ундан таралаётган маънавият нурлари авлоддан-авлодга ўтиб, тобора сержило бўлиб, инсоният жамияти давомлилиги ва тараққиётининг муҳим омили бўлиб қолаверади. Оналик маънавиятининг шу моҳияти шоир Ғафур Ғуломнинг куйидаги мисраларида ҳам ўз ифодасини топган:

Онам деганимда оқсоч, жафокаш,  
Мунис ва меҳрибон чехранг намоён,  
Чунки сен бағрингда парвариш қилиб,  
Кўзимга бахш этдинг кўзгудек жаҳон.



## 9. ФАРЗАНДЛИК БУРЧИНИНГ МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ

Ота-онани ҳурмат қилиш, уларга меҳр-мурувватли, раҳм-шафқатли бўлиш инсонга хос маънавиятнинг муҳим томонидир. Буюк Хитой файласуфи Конфуций, «ахлоқнинг биринчи асоси фарзандларнинг ота-онага ҳурматидир», деб айтган эди. Бу бир миллатга эмас, балки бутун инсониятга хос бўлган хусусиятдир. Ота-онани ҳурмат қилмаган инсон бошқа ҳеч кимни ҳурмат қилмайди. Ота-онага ҳурмат авлодлар меросига таянишдир. Конфуцийнинг куйидаги фикрлари ҳозир ҳам ибратли: «Ота-онангга хизмат қил, уларнинг кўнглига қара, улар бирор ишингдан норози бўлишаётганини сезсанг ҳурматини яна юқори кўтар, иродасига қарши борма, чарчасанг ҳам улардан ҳафа бўлма»<sup>1</sup>.

Кўпгина тирик жонзотлар ҳам ўз боласига меҳрибон бўлади. Баъзи қушлар, ҳайвонлар ўз жонини қурбон қилиб бўлса ҳам болаларини сақлаб қолишга интилади. Боласининг бошига хавф тушса беварқ қараб турадиган жонзот умуман оламда бўлмаса керак. Лекин қуш ва ҳайвонларнинг болаларида ота-она олдидаги бурч ва масъулият бўлмайди, деб айтиш мумкин. Улар оёққа туриб олгач, ўз йўлидан кетаверади. Инсондаги фарзандлик бурчи туйғуси оддий инстинкт эмас, балки ижтимоий асосланган, ҳаётий мақсад даражасига кўтарилган маънавий масъулиятдир. Бу маънавий масъулият инсоният жамиятини муайян мақсадлар асосида бирлаштирувчи қудратли омилдир.

Фарзанднинг бурчи ва масъулияти масаласи миллий ва диний анъаналарда, давлат томонидан қабул қилинган қонунлардан ҳам ўз ифодасини топган. Ўзини ҳалқ олдида бурчли, масъулиятли деб билиб, ота-онасини унутган шахсни маънавиятли инсон деб бўлмайди. Умуман инсон зотида ватанга, жамиятга, ҳалқига, ҳурмат ота-онага бўлган ҳурматдан бошланади. Ота-онага ҳурматсизлик-имонсизликнинг белгисидир. Жамият тараққиётининг барча даврларида шахснинг обрў-эътибори ўз ота-онасига муносабати билан белгиланиб келган. Ота-онани қаровсиз

---

<sup>1</sup> А. Гусейнов «Великие моралисты» «Москва», Издательства «Наука», 1997 г. стр.36.

қолдирган, уларга азоб бериб, ҳақоратлаганлар «оқпадар» дейилган. Ўзбекларда «оқпадар» деган сўз жуда оғир ҳақоратдир, жамиятнинг нафратига дуч келишнинг ифодасидир. Оқпадарлардан ота-онагина эмас, балки барча қариндош уруғлар, бутун жамоатчилик юз ўгиради.

Қариган ота-онани ҳурмат қилиш, ҳар доим ҳолидан хабар олиб туриш бизнинг гўзал миллий, диний анъанамиздир. Ота-она бизни дунёга келтиргани учунгина эмас, балки не-не машаққатларни кўриб, турмушнинг оғир енгилликларига бардош бериб, тарбиялаб инсонийлик даражасига кўтаргани учун ҳам мўътабардир. Отанинг босиқ ва меҳрибон нигоҳини, пешонамизни силаб эркалаган қадоқ қўлларини, онанинг кечалар ухламай бешик олдида айтган аллаларини дунёдаги ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Дунёдаги энг ноёб гўзаллик ҳам ота-она меҳри тафти олдида хиралашиб қолади.

Қуръони Каримда ота-онани ҳурмат қилиш савобли ишлардан бири эканини кўрсатиб ўтилган. Мисол сифатида «Ал-Исро» суръасида айтилган қуйидаги фикрларни келтириш мумкин: «Агар уларнинг (Ота-онанинг) бирови ёки ҳар иккиси сенинг қўл остингда кексалик чоғига етсалар, уларга қараб (уф) тортма ва уларнинг (сўзларини) қайтарма. Уларга (доимо) яхши сўз айт! Улар учун меҳрибонлик билан хорлик қаноатини паст тут — ҳокисор бўл ва «Парвардигорим, мени улар гўдаклик чоғимдан тарбиялаб ўстирганидек сен ҳам уларга раҳм-шавқат қилғил», деб (ҳақларига дуо қил)»<sup>1</sup>.

Имом ал Бухорий ҳам Расули Акрамнинг фарзандлик бурчи ҳақида айтган қуйидаги фикрларини келтиради: «қайси бир мусулмон фарзанди эрталаб ота-онасини зиёрат қилса, Олло Таоло унга жаннатнинг бир эшигини очади. Бола ота-онасидан қайси бирини хафа қилса, уни рози қилмагунча Олло Таоло ундан рози бўлмайди».

Ҳадисларда ҳам ота-онани ҳурмат қилиш, қариганда кўнглини кўтариш энг савобли ишлар қаторига киритилган. Муҳаммад Пайғамбарнинг ҳадисларида айтган қуйидаги фикрлари ҳамма учун ибратлидир. «Ота-оналарини кексалик вақтида ҳар иккисини ёки бири бўлмаганда бошқасини рози қилиб жаннатий бўлиб олмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин ва яна хор бўлсин». Демак, ислом динида ота-онани ҳурмат қилиш оддий

<sup>1</sup> Қуръони Карим, «Ал-Исро» суръаси, 23-24 бетлар.

савобли ишгина эмас, балки имонлиликнинг белгиси, жаннатга тушушнинг шартларидан, Аллоҳга маъқул келадиган энг ҳайирли ишларидан бири деб баҳоланган.

Яна шуниси эътиборга сазоворки, ислом динида ота-онани рози қилиш Аллоҳни рози қилиш билан тенглаштирилади. Бу фикрлар миллий маънавиятимизга ҳам чуқур сингиб кетган. Айрим фарзандлар қариган ота-онасини елкасига кўтариб хаж сафарига олиб боргани ҳам маълум. Инсон шундай буюк фидойилик қилганда ҳам ота-она олдидаги фарзандлик бурчини тўла узиб бўлмайди.

Ота-она дунёдан кўз юмаётганида биздан рози бўлганини айтишади. Лекин биз ҳамма вақт ҳам ота-она олдидаги бурчимизни тўла бажара олмаганимиздан афсусланамиз. Ота-онани хурсанд қилиш учун қўлимиздан нима келса қиламизки, лекин бундан ҳеч қачон тўла қаноат ҳосил қилмаймиз, қандайдир армонлар юрагимизда қолиб кетади. Бу ҳам инсон қалбида чуқур ўрин олган имон ва виждоннинг садосидир. Ота-она меҳри шунчалик чексизки, ноқобил фарзандларидан кўп азоб укубат кўрганлари ҳам ўлар чоғида, «мен сендан розиман, болам», дейишади. Бундай чексиз меҳрнинг маънавий илдиэларини ўзимиз ота-она бўлганимиздан кейин чуқурроқ тушунамиз. Фарзандларимизга нисбатан қалбимизда унган, ўсган меҳр бизни ота-онани яна бир бор эслашга олиб келади. Фарзандларимиз ишдан кеч қайтса, кўчада қишда совуқда, ёзнинг иссиқ кунларида кутиб турганимизда, ўзимизнинг ота-онамиз тирик бўлган вақтда қилган ишларимизни кўз олдимизга келтирамиз. Биз ҳам ёшлик қилиб, ярим кечаларда келганимизда ота-оналаримиз йўлга кўз тикиб, қандай оғир дамларни бошдан кечирган экан, деб ўйлаймиз. Фарзандларимиз катта бўлганида ота-онамиз тирик бўлса уларга меҳримиз яна ортарди.

Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Жомий кўрсатишича, фарзандларнинг ота-онаси олдида саксонга қарзи бўлиб, улардан қирқтаси тириклик чоғида, қирқтаси вафотидан кейин бажарилади. Тириклик чоғида адо этиш лозим бўлган қирқта шартнинг ўнтаси танга, ўнтаси тилга, ўнтаси дилга ва ўнтаси молга тааллуқлиқдир. Танга тааллуқли ҳақ ота-онага сидқи дилдан хизмат қилишдир. Булар жумласига ота-онани ҳамма вақт ҳурмат қилиш, қилма деган ишларини қилмаслик, уларнинг розилигисиз ҳеч бир ишга қўл урмаслик, улар келганида доим ўрнидан туриб кутиб олиш, ўтиришса ёнларида тик туриш, руҳсат берганидан кейингина ўтириш,

йўлда бирга кетаётганда олдиларига ўтиб олмаслик, олдиларида қовоқ солмай очиқ чехра билан туриш, чақирганларида лаббай, деб олдиларига югуриб бориш ва бошқалар киради.

Дилга тааллуқли бўлган ўн шарт — уларга раҳм-шафқат билан қараш, қўлидан келганича яхшилик қилиш, хурсандчиликларига шерик бўлиш, ғам, ташвиш тортсалар дардларига даъво излаш, ортиқча гапирсалар ҳам малол олмаслик, барча орзуниятларига етишишларига кўмаклашиш, қанча узоқ умр кўрсалар хурсанд бўлишдан иборат.

Тилга тегишли бўлган ўн шарт — уларга доим мулойимлик билан муносабатда бўлиш, баланд овоз билан гапирмаслик, кўп гапирмаслик ва кўпол сўзларни ишлатмаслик, уларни отини айтиб чақирмаслик, гаплашаётганида гапларини бўлмаслик, айтганларини рад этмаслик, бирор ишни буюрсалар йўқ, деб жавоб бермаслик, уларни гапларини тинглаб туриб, «уф» демасликдир.

Фарзанд ўзига кийим-кечак олмасдан олдин ота-онасига олиши, уларни ўзи истеъмол қилаётганидан кўра ширинроқ таом билан сийлаши, дастурхонда ўтирганида овқатнинг яхшиларини уларнинг олдига суриб қўйиши, имкони борича истаган нарсаларини сотиб олиб бериши, яшаган уйлари яхшилаб бериши, сўрамасалар ҳам пул бериб туриши, агар ота-она узоқроқ ерда турса уларни тез-тез меҳмонга чақириб туриши, ота-онанинг дўстларини ҳам хурмат қилиши — мол борасидаги қарзларидир.

Ота-она вафотидан кейин бажариладиган қарзлар жумласига улар дафн этилганидан кейин зарур маросимларни дабдабалиқларсиз ўтказиш, хотирасини муқаддас сақлаш, қабрини зиёрат қилиб, тоза сақлаш, қариндош-уруғлари, дўсту-биродарларини хурмат қилиш, улар билан алоқани узмаслик ва бошқалар киради<sup>1</sup>.

Бизнинг миллий анъаналаримиз, ахлоқий қадриятларимиз, диний эътиқодимизга кўра, «ҳар бир фарзанднинг ота-онага хурмат ва эҳтиром кўрсатиши, уларга нисбатан шафқат ва марҳаматларини ишга солиши муҳим вазифалардан биридир. Ўз ота-онасини рози қилмайдиган, уларни ранжитадиган фарзанднинг *иши ҳеч қачон олға бормади* ва элнинг олдида *обруйи бўлмади*»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони. Т., «Фан» 1994., 30-32 бетлар.

<sup>2</sup> Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони. Т., «Фан» 1994., 28 бет.

Мустафо Хомийпошшонинг фарзандларнинг ўз оналари олдидаги бурчи ва масъулияти ҳақида айтган куйидаги фикрлари ҳам эътиборга сазовордир: «Болалар! Оналаримиз бизларни во-яга етказиш учун меҳру-муҳаббатини ишга солиб, оромидан кечиб, кечалари ухламай тарбия билан машғул бўлган. Хафа бўлиб қолсак ёки кўнглимиз бироз ранжиб қолса атрофимизда парвона бўлган, тобимиз қочиб қолса ҳузур-қоловатини йўқотган ҳам она. Боғбонсиз бирор дарахтнинг меваси яхши бўлмайди. Она эса биз учун боғбондир. У доимо бизни парвариш қилиш пайида бўлади. Буни фаҳмлаган бола ўз онасини барча нарсадан устун кўяди ва ҳамиша ҳурматини қилади»<sup>1</sup>.

Фарзандлар ота-оналари олдида эркалайди, ўзини эркин ту-тади, ҳимоя остида эканини билади. Умуман олганда ҳар доим, ҳар қандай шароитда ота-онага одоб доирасида муносабатда бўлиш, овозини кўтариб гапирмаслик, гап қайтармаслик, ноўрин бахслашмаслик одоб мезонларининг энг муҳим жиҳатларидандир.

Ёшларни ота-онага нисбатан одоб, ахлоқ доирасида муомала қилишга ўргатиш миллий тарбиянинг энг асосий томонларидан бири бўлган. Шарқ педагогикаси анъаналари ривожига катта ҳисса қўшган донолардан бири Муҳаммад Жомий ота-онага муносабатнинг ахлоқий асослари устида тўхтаб куйидаги фикрлар-ни айтган: «Фарзанднинг ота-она олдидаги одоблари шундайки, фарзанд ота-она нима деса диққат билан кулоқ солади, улар-нинг олдида тушиб юрмайди, ниманики буюрсалар ва буюрган нарсалари гуноҳ ва хиёнат бўлмаса жону дил билан бажаради. Улар ўтирган жойларидан турсалар у ҳам ирғиб туради, чақирсалар лаббай, деб жавоб беради, уларни хурсанд қилишга ҳамиша орзуманд бўлади, уларни олдида таъзим билан туради, қилган ишларини миннат қилмайди, ота-онанинг қилган ишлар-и учун аччиқланиб, уларга хўмрайиб қарамайди, ружсатисиз сафарга кетмайди»<sup>2</sup>.

Ота-онани ҳурмат қилиш ҳаёт қонуни экан. Оталик қадрини ота бўлганлар, оналик қадрини она бўлганлар яхши билади. Кўпинча ҳаётга мустақил қадам ташлаб, унинг аччиқ-чучук-ларини тўла англамагунимизча ота-онага бўлган муносабатимиз-да қандайдир нуқсонлар қолаверади.

<sup>1</sup> Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони. Т., «Фан» 1994., 28 бет.

<sup>2</sup> Ўша асар 29-бет.

Ота-онага бўлган яхши муносабатимиз фарзандларимиз учун ҳам катта тарбия мактабидир. Ота-онасига самимий меҳрибонлик кўрсатган одам ўз фарзандларидан ҳам шундай оқибат кўради. Расули Акрамнинг қуйидаги фикрлари ҳам ибратли: «уч тоифа одамларнинг дуоси, ҳеч шубҳасиз Алло Таоло олдида мақбулдир: мазлум кишининг дуоси, мусофирнинг дуоси ва ота-онанинг (фарзанд ҳақида қилган) дуоси»<sup>1</sup>.

Мустафо Хомийпошшо фарзандлар оталарининг иззат-хурматини жойига қўйиш лозимлиги устида тўхтаб яна қуйидаги фикрларни айтган: «Отамиз оиланинг узоғини яқин ва йўғини бор қилиш учун доимо ҳаракатда бўлади. У бизнинг яшашимиз учун уй-жой ҳозирлайди. Кийдириш учун кийим-кечак топади. Ичишимиз ва ейишимиз учун овқат топиш пайида бўлади. Боринги, ҳар бир оиланинг равнақи учун биринчи галда ҳаракат қиладиган киши отадир.

Болалар! Оталаримиз биз учун тер тўкиб ҳаракат қилишини, қўлидан келган барча яхшиликларни биз учун муҳайё қилиш йўлида жон-жаҳди билан меҳнат қилаётганликларини билишимиз, бунинг шукронаси учун уларга итоат қилиш, айтганларини бажаришимиз, отамиз чарчаган онда ва ёрдам керак бўлган пайтда дарҳол ёрдамга шошилишимиз, фарзандлик бурчини ўташ учун ҳамisha шай туришимиз керак»<sup>2</sup>.

Баъзи ёшлар қариган ота-оналарини кексалар уйига олиб бориб кўядилар. Бундай ҳол ўзбеклар орасида аввал бўлмаган, ҳозир эса учраяпти. Одамлар бундай ишлардан олдин нафратланса, ҳозир бироз кўникиб қолганга ўхшайди. Баъзилар, кексалар уйида яшаш анча тинч, у ерда шифокорлар ота-онамизнинг ҳолидан тез-тез хабар олиб туришади, дейишади. Бу фикрлар миллий маънавиятимизга, диний қадрият-ларимизга бутунлай зиддир. Кексайган одамга яхши кийим, етарли озиқ-овқат эмас, балки кўпроқ фарзандларнинг меҳр-оқибати керак. Кексаларнинг дарди учун фарзандларнинг ширин сўзию, набираларнинг қулгусидан, шўлигидан ортиқроқ шифо бўлмаса керак. Одам кексайган чоғида ўзини яккаланган, жамоат эътиборидан четда қолаётган киши сифатида хис қила бошлайди. Кексалар кўпроқ эътиборга, ширин сўзга, меҳр-оқибатга эҳтиёжманд бўлиб қоладилар.

Алишер Навоийнинг қуйидаги мисралари ҳам ўзининг аҳамиятини йўқотмайдиган насихатдир:

<sup>1</sup> Имом ал-Бухорий. «Ал-Адаб ал-Муфрид», 24-бет.

<sup>2</sup> Одоб бўстони ва ахлоқ гулмстони. Т., «Фан» 1994., 27-бет.

Бошни фидо қилғил ота бошига,  
Жисмни қил садақа ано қошига.  
Тун-кунингга айлагил нурпош,  
Бирисин ой айла, бирисин қуёш.

Ота-онанинг фарзанд тарбиясидаги ўрни айнан бирдек бўлмаса ҳам уларнинг иккиси ҳам бирдай муътабардир. Шу сабабли ҳам Навоий бирини қуёшга, бирини ойга қиёслайди.

Тўғри, ҳаётда ҳамма ота-она бир хил эмас. Шундайлари ҳам борки, улар ҳаётни беш кунлик маишат, роҳат-фароғат деб тушунадилар. Бундайлар фарзанд кўрсалар ҳам уларни боқиш ва тарбиялашни ўзлари учун оғир юк деб ўйлайдилар. Баъзилари ўз жигаргўшаларини болалар уйига ташлаб кетиб, кейин хабар ҳам олмай қўяди. Баъзилари эса ичкиликбозликка, нашавандликка, маиший бузуқликка бурилиб, болаларининг тарбиясига эътибор бермайди. Улар ота-она эмас балки қалбида шавқат туйғуси, меҳр-оқибат бўлмаган одамсифат махлуқлардир.

Фарзандларчи? Болалар уйига ташлаб кетилган гўдак доим онасини кутади. Бу меҳр уруғи гўдак қалбига илоҳий қудрат киритган кучдир. Онасиз қолган гўдакларга бошқа аёллар қанча меҳрибонлик кўрсатсалар ҳам бу ҳеч вақт туққан она меҳри ўрнини боса олмайди. Етимлик дардини ота-онанинг меҳрига ташна бўлганлар яхши билади, десак хато бўлмайди.

Кечиримчилик туйғуси ота-оналарга хос деб айтган эдик. Улар фарзандлари қилган оғир гуноҳларни ҳам кечира оладилар. Шундай кечиримчилик туйғуси фарзандларга ҳам хос бўлиши даркор. Бу ҳам оддий бурч эмас, балки инсон қалбидаги туғма маънавиятдир. Фарзандлар ота-онадан ёмонлик кўриши мумкин. Лекин бу ёмонликка ёмонлик билан жавоб бериш шарт эмас. Маишатпарастлик, ахлоқий тубанлик гирдобига тушган кишиларда вақти келиб оталик, оналик меҳри ҳам уйғонади. Улар ўзларини фарзандлари олдида гуноҳкор хис қиладилар. Фарзандларини хор қилганини англаш билан боғлиқ бўлган руҳан азоб инсон учун ниҳоятда оғирдир.

Фарзандларнинг жамият ва халқ олдидаги бурчи, масъулияти тўғрисида кўп китоблар ёзилган. Лекин уларнинг ичида ота-она олдидаги бурч ва масъулият тўғрисида ёзилган асарлар кам. Жамиятни ўйлаб ота-онани унутиш ҳам ўзбекона маънавият мезонларига мос келмайди. Ота-онани рози қилган фарзандлардангина эл рози бўлади.

Фарзандларнинг ота-оналари олдидаги бурчи ва масъулияти кўп ва серқирра бўлиб, унинг барча томонларини тўла тасвир-

лаш қийин, албатта. Инсоннинг маънавий камолоти даражаси ҳам бу бурчга муносабатда яққол кўзга ташланади. Ҳикматларда айтилганидек, ота-онадан қарздорлигимизни етмиш хазина билан ҳам узиб бўлмайди. Бу қарзни фақат ҳалол меҳнат, меҳроқибат, ширин сўз, оталар насиҳатига қулоқ солиш, кўрсатган йўлидан бориш, ҳалол меҳнат қилиб элда обрў-эътибор орттириш, ўз фарзандларимизни яхши тарбиялаш, аҳил, иноқ оила куриш орқали узиш мумкин.

Фарзандлик бурчи ва масъулиятининг маънавий асосланган кўринишларидан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

– Ҳар доим, ҳар қандай шароитда ота-онанинг ҳолидан хабар олиб туриш, ишга кетишдан олдин уларнинг олдига кириб хайрлашиш, ишдан келгач яна бир бор илиқ саломлашиш, сафарга борганда уларнинг дуосини олиш, совғани аввал ота-онага олиш.

Эҳтимол, ота-она совғага муҳтож эмасдир, айрим мураккаб ишларда ҳам етарли маслаҳатлар бераолмас. Лекин фарзандларнинг бундай муносабати ва мурожаатидан уларнинг кўнгли кўтарилади, ишонч-хурматни сезиб, ўзини бахтиёр хис қилади, танига қувват киради. Кексалик шундай даврки, бир оғиз ёмон сўз кишининг белини букади, бир оғиз ширин сўз эса кўнглини тоғдек кўтаради. Шариятда фарзандлар ота-онадан узоқ жойда яшаганида ҳам улар билан ҳар ҳафтада кўришиб, дуоларини олиб туриши имон ва инсофлиликнинг асосий белгиларидан бири сифатида тасвирланган.

– Меҳнатсевар бўлиш, ҳалоллик, имонлилик, инсофлилик, меҳр-мурувватлилик, инсонпарварлик, оилапарварлик, раҳм-шафқатлилик, тadbиркорлик, ишбилармонлик билан элда обрў орттириш ҳам фарзанднинг ота-она олдидаги бурчидир. Бу фазилатлар биринчи навбатда уларни тарбиялаган ота-онасига ҳурмат келтиради, фарзандлари, набиралари тақдири ҳақидаги ғаму-ташвишларини енгиллаштиради, кўнглини тинчитади.

Яхши фарзандларнинг хайрли ишлари ҳаётдан кўз юмган ота-оналарнинг ҳам иккинчи умридир. Марҳум ота-онанинг руҳини беҳисоб молу дунё билан эмас, балки меҳнатсеварлик, ҳалоллик, меҳр-мурувватлилик, хайр-эҳсонлилик, элу юртнинг ҳурматига сазовор бўлиш билан шод этиш мумкин. Саҳоватсиз, гумроҳ, меҳр-мурувватни, хайри эҳсонни билмайдиган бахил бойлар ўтмишда ҳам бўлган, бундайлар ҳозир ҳам бор. Улар пул топиб ақл топмаган кишилардир. Ақл имон, ин-



соф билан боғланганида маънавият даражасига кўтарилади. Харом йўл билан пул топганлар ҳалол умр сурган ота-онанинг номига ҳам иснод келтиради. Одамлар, фалончи яхши одам эди, боласи номард бўлибди, дейдилар. Катта-катта бойлар ҳам бу дунёдан ўтади, бойлиги бир куни созурилади. У дунёга бирор нарса олиб кетиб бўлмайди. Уларни дунёга келтириб, тарбиялаган ота-онасининг номи ҳам кишилар ёдидан кўтарилади. Яхши тарбия топиб, ҳалоллик билан элда обрў орттирган кишилар эса ўз номини ҳам ота-онаси хотирасини ҳам абадийлаштиради. Бу – марҳум ота-оналарга қобил фарзанд бахш этган иккинчи умрдир.

– Ҳаётнинг қизиқ бир томони бор. Ота-она қарийди, фарзандларининг ёши ҳам улғаяди, улар оила қуради, бола-чақали бўлади. Лекин ота-оналар назарида фарзандлар ҳамма вақт ёш боладек бўлиб қолади. Ота-она назарида фарзандлари доим уларнинг ёрдамига, йўл-йўригига муҳтождек бўлиб кўринади. Бу ҳам ҳар бир оилада ўзига хос шаклда намоён бўладиган инсоний фазилат, маънавиятдир. Бу анъанага доим содиқ бўлиш керак. Бўлмаса кексаларнинг дили ранжийди, болам сўзимга қулоқ солмай қўйди, деб хафа бўлади. Ота-оналарнинг гапига қулоқ солиш уларга нисбатан бўлган ишонч ва ҳурматни билдиради. Агар ота-онанинг сўзига ҳар доим қулоқ солсак, бу иш фарзандларимиз учун ҳам ибрат бўлади, улар ҳам бизнинг гапимизга қулоқ солишга одатланадилар. Шу йўл билан ахлоқ ва одоб борасидаги мерос ва қадриятлар авлоддан-авлодга ўтади, ривожланади.

Баъзан кекса ота-оналарнинг гапи ўринсиз, бизга малол келгандек бўлиб туюлади. Ҳар ҳолда кексалар даврнинг руҳи, имкониятларини тўла билмай қолишлари ҳам мумкин. Лекин уларнинг барча насиҳатларига эътироз билдирмай қулоқ солган маъқул. Улар айтаётган сўзларининг баъзилари ўринсиз бўлса ҳам яхши умид ва ният билан гапирадилар.

– Ҳар бир оиланинг рўзғор юритиш, меҳмон кутиш, қўни-қўшнилар билан муносабатда бўлиш, меҳнат қилиш, дам олиш, бола тарбиялаш, касб танлаш, тежамкорлик борасида ўзига хос анъаналари бор. Фарзандлар бу анъаналарга ҳам риоя қилиши керак. Яхши оилавий анъаналар мерос сифатида авлоддан-авлодга ўтиб, катта ҳаётий мактаб ва тарбия омили бўлиб қолади.

– Ака-укалар, опа-сингилларнинг аҳил, бамаслаҳат иш қилиши, қариндош-уруғлар билан иноқ, ҳамжиҳат бўлиши ота-оналар

орзусидир. Ота-она бир фарзандини эмас балки барчасининг бахтини, тинчлигини ўйлайди. Бундай вазият эса кўп маънода ака-укаларнинг, қариндош-уруғларнинг ҳамкорлигига, ҳамдардликка боғлиқ. Шу сабабли ҳам ота-оналар кўзи очиқ вақтида болалари ўртасидаги муносабатларни мустақкамлашга, қариндош-уруғлар билан ҳам алоқани яхшилашга ҳаракат қилишади.

Исломи динида ҳам қариндош-уруғлар билан яқин, аҳил, самимий муносабатда бўлиш энг савобли ишлардан бири сифатида қаралган. «Қариндошлар билан яқин алоқада бўлиб, ҳолаҳвол сўраб туриш, — дейилади ҳадисларда, — бу савоби тегадиган хайрли ишлардан. Қариндошлардан узилиб кетиш эса жазоси тез билинадиган ёмон ишлардандир».

Шу анъаналарга асосланган аҳил оилаларнинг аъзолари соғлом, бардам бўлиб, ҳаётнинг барча оғир, енгил дамларида бир-бирига таянч бўлганлар, бир-бирини қўллаб-қўлтиқлаганлар, аҳиллик билан бахт-саодатли яшаганлар. Ака-укалар, опа-сингиллар, қариндош-уруғлар ўртасида молу-дунё талашиб, низолар кучайган уйдан барақа ҳам, меҳр-оқибат ҳам кетади. Оқибатсизлик ёвлашишга олиб келади. Ота-она тирик вақтидаёқ фарзандлар ноаҳил бўлиши, молу-дунё талашиб жанжаллашиши улар учун катта бахтсизликдир. Қариндош-уруғлар ўртасидаги яқинлик, меҳр-оқибатлилики, ҳамкорлик ва ҳамдардликни сақлаш ҳам фарзандлик бурчига киради.

— Ҳадисларда шундай ибратли сўзлар бор: «Отангиз вафотидан кейин унинг дўстлари билан алоқани давом эттиринг. Улар билан алоқани узсангиз, тангри сизнинг нурунгизни ўчиради». Ота дўстлиги меросгина эмас, балки давом этиши лозим бўлган анъанадир қадриятдир. Бу анъана давом этиб, янги авлодлар ўртасида ҳам самимий, дўстона муносабатлар шаклланишига олиб келади.

Вафот этган отанинг дўстлари билан борди-келдини узмаслик, уларнинг болалари билан дўстлашиш оилавий анъаналарни давом эттиришдир. Бу ота-оналар тириклик чоғидаёқ орзу қилган умид, ниятдир. Баъзан, ота вафот этгач унинг дўстлари, яқинлари билан бўлган алоқалар узилиб кетади. Бу эса атрофингизда ишончли, меҳр-оқибатли кишилар доираси торайишига сабаб бўлади. Марҳум отанинг дўстлари, яқинлари билан алоқаларни мустақкамлаш жамиятдаги ҳамкорлик, ҳамдардлик, ҳамжиҳатликнинг таркибий қисмидир.

— Фарзандларнинг ота-онани рози қиладиган ахлоқий фазилатларидан бири — самимийлик ва тўғрилиқдир. Самимийлик, тўғрилиқ

яхши тарбиянинг белгиси ва натижаси бўлиб, у инсон қалби софлигини, беғаразлиги ва беғуборлигини билдиради. Тарихда яшаган буюк шахсларнинг ҳаётига назар ташласак, улар самимий, тўғри, инсофли бўлганини кўраемиз. Самимий бўлмай доно бўлиш, элу юртда обрў-эътибор орттириши ҳам мумкин эмас. Тўғри кишилар бор ҳақиқатни айтишга, ўз хатоларини бўйнига олишга, бошқаларнинг қилмишларига ҳам хушомад этмай холис баҳо беришга қодирдирлар.

Баъзан тўғри сўзликни андишасизлик, деб тушуниш ҳам мумкин. Андишасизлик тўғрилиқ, самимийликнинг тескариси бўлади. Андишасиз одам очиқ ҳақиқатнигина эмас, балки ўзи ўйлаган субъектив ҳақиқатни тан олишга ўрганиб қолади.

Ҳадисларда ҳам тўғри сўзни очиқ ва дадил айтиш, самимий бўлиш энг савобли ишлардан бири сифатида тасвирланган. Самимийлик, тўғрилиқ-кенг қалбли бўлиш ҳамдир. Сабрлилик эса имонлилиқнинг белгиларидан бири ҳисобланади. Буюк файласуф Дени Дидро ҳам самимийлик ҳақиқатнинг, инсониятга хос бўлган маънавий камолотнинг белгисидир, деб айтган эди. Самимийлик, тўғрилиқ ҳақ сўзни очиқ айтишга қодирлик ҳисобланади. «Тангри наздида энг яхши жиҳат, — дейилади ҳадисларда, — золим подшоҳга айтилган ҳақ сўздир».

Самимийлик — оқ кўнгилликдир. Бировга яхшилик қилиб, уни миннат қилмасликдир. Тўғрилиқ — ҳалолликдир, ҳаромдан ҳазар қилиш, ўзгаларга беминнат, ҳолисона ёрдам қилишга интилишдир. Ҳалол одамлар ҳақиқатгўй бўладилар, доим шунга интиладилар. Абу Райҳон Беруний ҳақиқатчи, тўғри сўзли бўлиш учун аввало руҳингни ўзингни ва бошқаларни йўлдан оздирувчи хусусиятлардан, ҳақиқат олдида одамни кўр қилувчи сабаблардан тозалашинг керак, деб бекорга айтмаган. Агар шундай қилинмаса нопоклик, виждонсизлик келиб чиқади. Руҳни тозалаш эса инсон ўз қилмишларига ўзининг, бошқаларнинг нуқтан назаридан, ҳақиқат ва адолат мезонларидан келиб чиқиб баҳо бера билишдир. Бошқача айтганда, қилмишларига ўзи холисона баҳо бериш имконига эга бўлиш тўғрилиқнинг асосий омилдир. Ота-она ўз фарзандига тарбия берганида уларда шундай фазилатларни шакллантиришга ҳам ҳаракат қилади. Буюк Навоий, «Эл нечук топгай мени, мен ўзимни топмасам», деган ҳикматли сўзларни айтган эди. Самимийлик, тўғрилиқ, беғаразлик, очиқ кўнгилдан келиб чиққан иштиёқ билан боғлангандагина маънавий комилликнинг кўриниши сифатида намоён бўлади.

– Фарзандлар ота-она ҳаётдан кўз юмгандан кейин ҳам уларнинг ҳурматини ўрнига қўйиш лозим. Ота-оналар фарзанд кўриб, уларни тарбиялаганда, вафот этсак ҳам уйимизда чироқ ўчмайди деб умид қиладилар. Одатда ота-она вафотидан кейин кўп кўз ёши тўкамиз, хотираларини ёдлаб йигирмасида, йилида элга ош берамиз, вақти-вақти билан худойи қилиб турамиз, қабрларини обод қилиб, мрамар тошлар қўямиз. Булар етарлими? Йўқ албатта. Ота-онанинг орзуси фарзандлари уларнинг қабрига катта ёдгорликларни қўйиши, минглаб кишиларга ош бериб, маросимлар ўтказиши эмас. Ота-онанинг орзуси – уйдан чироқ ўчмаслиги, фарзандлар улар берган тарбия, қилган насихатларига таяниб иш кўриши, ҳалол меҳнат билан элда обрў орттиришидир. Бу эса қабрга тошдан ёдгорлик қўйишу, катта маросимлар ўтказишдан кўра муҳимроқдир. Марҳум ота-онанинг ҳурматини ўрнига қўйиш – анъаналарини давом эттириш, авлод-аждодлар номига доғ туширмасликдир.

Ота-она олдидаги бурч ва масъулият бир дақиқа ҳам инсон хотирасидан кўтарилмаслиги лозим.

Халқимизда беш қўл баробар эмас, деган гап бор. Орамизда ота-онага ноҳақ азоб берадиган, уларнинг жонига қасд қиладиган номардлар ҳам йўқ эмас. Мана бир неча мисол: «На посту» газетасининг 2000 йил апрел ойидаги сонларида Булунғур районида бўлиб ўтган даҳшатли бир воқеа ҳақида хабар босилди. Хабарда кўрсатилишича икки марта қамалган Мўмин (номи ўзгартирилган) турмадан қайтгач, бирор ерда ишламаган. Тасодифий йўл билан топган пулига ичкилик ичиб юрди. Қишнинг совуқ кунларидан бирида яна ичиб келган. Онаизор фарзанди келганидан хурсанд бўлиб эшикни очган. Мўмин олиб келган бир шиша виносини очиб, онасидан закуска сўраган. Она, уйда ҳеч нарса йўқ деганида, уни қўярда-қўймай, қўшнилариникига чиқарган. Онаси қўшниликдан тузланган қарам олиб келган. Винони очиб, кайфи ошгач, онасидан яна ароққа пул сўраган. Онаси, пулим йўқ, болам энди ухлаб дам ол, деса, уни пул топиб берасан деб арқон билан бўға бошлаган. Онанинг доду фарёди ҳам унга таъсир этмаган. Онаси ўлганини билган бу ваҳший ҳайвон уни кўмиш маросимида ҳам иштирок этмай, қочиб кетган. Лекин милиция ходимлари томонидан тезда қўлга олинган.

Бундайларни бурунги замонларда халқ тошбўрон қилиб ўлдирган. Онасини ўз қўли билан бўғиб ўлдирган фарзандга бундай жазо ҳам кам.

Ота-оналар ўзи емай, ичмай, фарзандларим, набираларимнинг тўй-ҳашами учун деб молу-дунё йиғадилар. Ота-она бу дунёдан бирор нарсани нариги дунёга олиб кетиш мумкин эмаслигини билади. Биз ўзбеклар шундай халқмиз, фарзандларимизни тинч, соғ-саломат, бахтли кўришни ҳаётимизнинг асосий моҳияти ва мақсади деб биламиз. Лекин ўзи бир ерда ёлчителиб ишламай, ота-она топган молу дунёга кўз олайтирувчи муттаҳам фарзандлар ҳам йўқ эмас. 2000 йил май ойи ўрталарида ана шундай оқпадарлардан бири Термиз шаҳридаги Ат-Термизий кўчасида яшовчи онасининг уйдан 850 минг сўм пул, бошқа қимматбаҳо буюмларни ўғирлаб кетаётганида милиция ходимлари томонидан қўлга олинди<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда бемехр фарзандлари ташлаб кетган кексалар учун пансионатлар ташкил этилган. Бу ерда уларга шифокорлар ва бошқалар меҳр-мурувват кўрсатишади. Лекин булар фарзандлар, набиралар меҳрининг ўрнини боса оладими? Йўқ, албатта. Инсон — инсон-да. У ҳар қандай шароитда ҳам фарзандлари, набираларини ўйлайди, уларнинг меҳрига тўймайди.

Тошкентдаги пансионатлардан бирига 1996 йилда қизи олиб келиб ташлаб кетган 65 ёшли Иззат ая ҳақида инсон чидаб тура олмайдиган шундай даҳшатли гапларни айтадилар: Уни ўз қизи пансионат дарвозасидан киритиб, уриб, сўжиб ташлаб кетган. Бу кўзи ожиз аёлнинг набираси ҳам бошидан қайноқ сув тўкиб, оёқ-қўлини куйдириб қўйган экан. Бу кекса аёл ўз ички дардини бировга айта олмай, доим мунгли қўшиқларни куйлаб юрар экан. Оналик меҳрининг кучи шунчалик кучлики, бу аёл ҳеч кимга ўз қизи, набиралари устидан шикоят қилмаган. Оналар қалбидаги кечиримлилик фазилати ҳам ниҳоятда кучли бўлади!

---

<sup>1</sup> «На посту» газетаси, 2000 йил 25 май.

## 10. ОИЛАДАГИ ТАРБИЯНИНГ ҲОЗИРГИ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

Тарбия бир умр давом этадиган жараён. Инсон ёшлигида ҳам, камолот чоғида ҳам, кексалик даврида ҳам доимо бошқалардан, ҳаёт сабоқларидан кўп нарса ўрганади, ибрат олади, янги хулосалар қилади. Лекин инсон камолотига асос бўладиган барча бошқа омиллар оиладаги тарбиянинг ўрнини олаолмайди. Жамият ривожланган сари оиладаги тарбиянинг аҳамияти, шу билан бирга ота-онанинг масъулияти ҳам ортиб боради. Яхши тарбия топган фарзанд ота-онанинг бахти, ёмон фарзанд бир умрлик дардидир. Ота-онанинг қалбига ноқобил фарзандлар етказган дард, аламни ҳеч бир шифокор даволай олмайди.

Оилада бола тарбиясини анча эрта бошлаб, узлуксиз, босқичма-босқич олиб борган маъқул. Ўзбеклар, ҳўл новдани хоҳлаган томонга эгиш мумкин, дейдилар. Оиладаги тарбия ҳам фарзанд ҳўл новдадек эгилувчан бўлган бир даврда кўпроқ самара беради. Шу сабабли ҳам оиладаги фарзанд тарбиясини уч даврга бўлса бўлади. Булар қуйидагилардир:

1. Бола бир ёшдан саккиз, ўн ёшгача бўлган давр. Бу даврда болага юриш-туриш, ахлоқ ва одобнинг оддий қоидаларини ўргатиш, унинг хатти-ҳаракатларидаги яхши томонларини рағбатлантириш, ёмон томонларини чеклаш керак бўлади. Болани озодаликка, катталарга салом беришга ўргатиш — маънавияти пойдеворида қўйилган биринчи гиштлардир. Инсон маънавиятидаги энг катта тубанлашиш ёш боланинг кичик хатти-ҳаракатлари, ноўрин қилиқларидан, эркаликларидан бошланади. Бу даврда боланинг онгида табиат, жамият, инсон ҳаёти ҳақидаги биринчи тасаввур ва тушунчалар шаклланиб, унинг қалбида чуқур ўрин олади, эътиқодига таъсир этади. Болалик йилларидаги ҳодисалар, ўша даврда шаклланган тушунчалар қалбимизга чуқур таъсир этгани учун ҳам уларни бир умр унутмаймиз, доим худди кеча бўлиб ўтган воқеадек эслаб юрамиз. Ёш боланинг ҳаётий тажрибаси йўқлиги, яхши билан ёмонни, фойдали нарсани билан фойдасиз нарсани ажратиш имкони бўлмагани учун ота-онанинг, катталарнинг йўл-йўриқлари, панду насиҳатлари ҳақи-

қатни билишнинг асосий йўли бўлиб қолади. Бу -- ҳўл новдани хоҳлаган томонга эгиш мумкин бўлган даврдир. Ота-онанинг тарбияси худди шу даврда таъсирчан ва самарали бўлади.

2. Ўн, ўн бир ёш билан ўн олти ёш ўртасида боланинг маънавий қиёфаси шаклланишига таъсир кўрсатиш анча мураккаб ва масъулиятли бўлиб қолади. Бу даврда табиий ва ижтимоий омиллар таъсирида ўғил ва қиз болаларда ўзини руҳан, ақлан етук деб хис қилиш, мустақил ҳаракат қилиш, ўзига ишониш туйғуси кучаяди. Агар ота-она болаларига ёшлигиданоқ яхши тарбия бермаган бўлса, бу даврда уларга маънавий таъсир кўрсатиш имкони ҳам қийинлашади. Ота-онанинг яхши тарбиясини олмаган болалар бу даврда ҳар бир ишига, хатти-ҳаракатига ўзича баҳо беришга интилади. Ўз қилмишлари нимага олиб келишини тўла тасаввур эта олмаслик эса оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу даврда тарбияни ва таълимни бир дақиқа эътибордан қолдирмай, уни мунтазам, режали амалга ошириб бориш зарур.

3. Ўн беш, ўн олти ёшдан бошлаб болаларга ахлоқ, одоб, юриш, туриш мезонларинигина ўргатиш билан чекланмай, уларни бевосита амалий, ижтимоий ҳаёт эҳтиёжлари асосида тарбиялаш лозим. Ота-она бу даврда фарзандларига қилиқлари, юриш-туриши, ширин сўзлари билан қувонч бахш этадиган эркатойлар сифатида эмас, балки ҳаётга мустақил қадам қўйиб, ўз йўлини ва бахтини меҳнати билан топа оладиган шахс сифатида қарамоғи керак. Бу даврда боланинг мустақил фикрлаш ва фаолият кўрсатишига кенг йўл очиб бериш лозим.

Албатта, фарзанд тарбиясидаги шу уч босқични бир-биридан бутунлай ажратиб бўлмайди. Лекин инсон жисмоний, маънавий камол топиб бориши билан унга тарбиявий таъсир кўрсатишнинг мезонлари, меъёрлари, имкониятлари, мазмуни, мақсадлари ўзгариб боришини эътибордан четда қолдирмаслик керак. Фарзанд катта бўлганида ҳам унга болагигида қилинган муносабатни такрорлаш тўғри эмас. Бола катта бўлгач ота-онага ҳамкор, маслаҳатгўй бўлиб қолади. Ота-она бирор иш қилмоқчи бўлганида балоғатга етган фарзандлари билан маслаҳатлашиши ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга. Бу ёшларда ўзига ишонч туйғуси мустаҳкамланиши учун ниҳоятда муҳимдир. Ота-она яхши тарбиялаган катта болаларда ўзига ишонч кучли бўлса улар ҳаётда мустақил йўл топа оладилар.

Тарбиянинг оқибатлари ота-она танлаган услубга ҳам боғлиқ. Баъзи ота-оналар фарзандларига раҳм-шафқат қилгандай бўлиб,

уларнинг кўнглига қараб иш тутишлари, барча инжиқликларини кўтаришлари, болам қийналмасин деб уларга турли ишларни буюрмай, барчасини ўзлари бажаришлари ҳам мумкин. Бундай тарбия ижобий оқибатларга олиб келмайди. Фарзандларга ҳаддан ортиқ меҳрибонлик кўрсатиш ҳам баъзан уларнинг ҳаётда чорасиз бўлиб қолишларига сабаб бўлади. Сўнги пушаймон ўзингга душман, деганидек баъзи ота-оналар тарбия жараёнида хатоликларга йўл қўйиб, кейин бир умр афсусланиб юрадилар. Ҳаёт мураккаб, зиддиятлидир. Умр ўткинчи, ҳамма вақт ҳам ота-она бошимизда соябон, мушкулимизни енгил қилувчи бўлиб туравермайди. Эртага ҳаётнинг барча оғир-енгилликлари фарзандларнинг елкасига тушади.

Фарзанд ота-она қўлидаги омонатдир, унинг дили нафис бир гавҳарга ўхшайди. Гавҳарга турли нақшлар солиш мумкин бўлганидек бола дилига ҳам турли фикрлар нақштини солиш мумкин. Бола қалби тоза ер кабидир, унга қандай уруғ сепсанг ўша уруғ унади. Ота-она эса шу тоза ерга биринчи уруғ экувчилардир. Бола қалбидаги биринчи маънавият куртаги ота-она эккан уруғдан униб чиқади. Бу энг тоза ва мусаффо уруғ бўлмоғи керак. Бу уруғнинг томирлари инсон катта бўлганида қиладиган хатти-ҳаракатларининг заминигача бориб тақалади. Бу заминга ёмон уруғ эккан ота-она ундан яхши ҳосил олишни умид қилмаслиги керак.

«Равзаи хулд» асарининг муаллифи мавлоно Мажидиддин шундай бир мисолни келтиради. Язд шаҳрида ота-она ва фарзанд тарбияси ҳақида суҳбат бўлаётган экан. Шунда бир оқсоқол ўрнидан туриб, отасининг соқолидан тутиб, бошига калтак билан урган фарзанд ҳақида нима дейиш мумкин, деб сўрабди. Шунда ундан, отаси болани нима ишга ўргатган экан деб сўрашганида у, эшакни ижарага беришга, деб жавоб берибди. Шунда Мавлоно Мажидиддин отаси фарзандига эшакни ижарага беришни эмас, балки бирор билим бериб, ахлоқ, одобни ўргатганида боласидан шундай азият чекмаган бўлур эди, деб жавоб берган экан.

Кўпинча ота-оналар ўз фарзандларининг ноқобиллигидан нолийдилар, лекин бу ноқобиллик фазилатлари шаклланишида ўзлари ҳам айбдор эканини тўла ва тўғри тасаввур эта олмайдилар. Агар ота фарзандининг ички дунёсини ёшлигиданоқ ахлоқ, одоб, илм, ҳунар, имон, инсоф, виждон, ҳалоллик, меҳр-мурувватлилик, раҳм-шафқатлилик нурлари билан безатганида шундай оқибатга дучор бўлмас эди. «Экканингни ўрасан», деган халқ мақоли оиладаги фарзанд тарбиясига ҳам бевосита дахлдордир.



Ота-она бола тарбиясида уларнинг истеъдоди ва қобилиятини билиш ва рўёбга чиқаришга ҳам алоҳида эътибор бериши керак. Истеъдод, қобилият қирралари билим, ахлоқ ва одоб билан боғланиб шаклланса нур устиган нур бўлади. Туғма истеъдод, қобилият аввал имконият тариқасида юзага келади, тарбия жараёнида сайқал топиб, рўёбга чиқиб, инсон эътиқоди, фаолияти йўналишига айланиб қолади. Туғма истеъдоднинг соҳиби бир соҳада ажойиб қобилиятларини намоён этса ҳам кўпинча ўзининг нималарга қодир эканини яхши англамайди. Шу сабабли ота-оналар боланинг истеъдоди, қобилиятини аниқлаб, тарбияни асосан шу йўналишда мақсадли олиб бориши керак. Хожа Самандар Термизий айтганидек, «одамларни отасининг хизматлари туфайли эмас, ўзларида бор бўлган қобилиятига асосланиб тарбиялаш лозим»<sup>1</sup>.

Фарзандларни одобли қилиб тарбиялаш оиладаги вазиятга боғлиқ деймиз. Бироқ, оилада вазият яхши бўлса-ю, фарзанд кўчага чиқиб, беадаб ёшлар даврасига кириб қолса бу ҳол ота-она берган тарбиянинг таъсирини пучга чиқаради. Шу сабабли ҳар бир ота-она фарзандлари қандай одамлар билан боғланиб, мулоқатда, муносабатда бўлиб юганини билиши ҳам аҳамиятлидир. Агар ота-она бу масалага бефарқ қараса кўча таъсирида қолиб кетган фарзандининг хатти-ҳаракатлари ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Хожа Самандар Термизий айтганидек, «агар ҳар ким ёшлигидан беодоб кишилар ичида ўсиб улғайса, катта бўлгач, унинг вужудига ўрнашиб олган бад-фёълик иллатларини чиқариб ташлаш қийин бўлади»<sup>2</sup>.

Беодоблик инсонда учрайдиган энг оғир нуқсондир. Инсон одоби билан гўзал, дейди халқ. Беодоб бола жамиятда, эл ўртасида ўз обрў-эътиборини йўқотибгина қўймайди, ноўрин қилиқлари уни тарбиялаган ота-онага ҳам иснод келтиради. «Падарингга лаънат», деган оғир сўз биринчи навбатда ота-она фарзанд тарбиясида йўл қўйган хатоларга берилган баҳодир.

Ахлоқ ва одоб шундай пойдеворки, инсоннинг бошқа барча маънавий фазилатлари, ҳатто илими, билими ҳам унинг заминида шаклланади. Ақл одоб билан боғланса инсон маънавий камолоти ва маданий эҳтиёжининг имкониятлари, чегаралари ҳам кенгая боради. Улуғлик ақлу-одоб, билим бирлиги билан шаклланади. Ахлоқли, одобли ёшларда чуқур билим олишга иштиёқ ҳам кучли бўлади. Шу сабабли халқимизда ақлнинг

<sup>1</sup> Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони. Т., «Фан» нашриёти, 1994., 10-бет.

<sup>2</sup> Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони. Т., «Фан» нашриёти, 1994., 10-бет.

ҳам кучли бўлади. Шу сабабли халқимизда ақлнинг қадри одоб билан, бойлик қадри саҳоват билан, қувват қадри баҳодирлик билан ошади, деган ҳикматли бир фикр бор.

Фарзандига биринчи қадамлариданоқ ахлоқ ва одоб ўргатган ота-она унинг келгуси бахтига мустаҳкам пойдевор ўрнатган бўлади. Яхши хулқ, одоб шундай бир заминки, баъзан инсоннинг айрим кичикроқ нуқсонлари ҳам унинг соясида қолиб кетади. Одамлар яхшиларнинг айрим гуноҳларини ҳам осонроқ кечирадилар.

Баъзан фарзандларининг нуқсони ота-онага билинмайди, улар фақат яхши томонларинигина кўришга ҳаракат қиладилар, деб ўйлаймиз. Менинг фикримча бундай ўйлаш тўғри эмас. Отананинг руҳи фарзандлари руҳи билан четдан туриб пайқаш қийин бўлган ришталар билан боғланиб кетган. Фарзандларининг нуқсонини ота-она кўз билан кўриб, тил билан бошқаларга айт-маса ҳам, дил билан сезади, ташвишланади. Ноқобил фарзандларнинг нуқсонлари учун ҳеч ким ота-она сингари куймайди, қайғурмайди. Бу ташвиш, қайғу асосан дилда шаклланиб, беҳисоб руҳий изтиробларда намоён бўлади, ота-онанинг бевақт оқарган сочларию, юзидаги ажинларида кўзга ташланади.

Фарзанд тарбияси шунчалик масъулиятлики, бу ишда хатога йўл қўйиш осон, лекин бу хатони тузатиш қийин. Баъзи ота-оналар фарзандларининг тарбиясига бефарқ қарайди. Мен иш билан бандман, боламни боғчадаги мураббийлар, мактабдаги муаллимлар тарбияласин, деган фикр айрим ота-оналарда йўқ эмас. Фарзандлари бўш вақтида нима қилиб юргани, кимлар билан мулоқотда бўлгани ҳам уларни қизиқтирмайди. «Бекордан худо безор», деганларидек, ишсиз, назоратсиз, кўча-қуйда санғиб юриш ҳам ёшларни тўғри йўлдан оздиради. Бола доим бирор иш билан банд бўлиши, ота-она, қариндош-уруғлар, яхши кўни-кўшнилар назоратидан узоқлашмаслиги керак. Ота-оналар назоратининг кучи шундаки, улар бола йўл қўйган хато ёки ноҳўя ишни кўриб, уни ўз вақтида тўғри йўлга солишга ҳаракат қиладилар. Бир-икки марта назоратсиз қилинган ноҳўя иш эса аста-секин кўникмага, одатга айланиб қолади. Бориб-бориб бола ўрганган ишларни ота-она таъқиқласа, жамоатчилик қораласа ҳам яширинча, кейинроқ очикдан-очик қилишга одатланиб қолади. Кўплаб ёшлар ичкилик ичишга, папирос чекишга, нашавандликка ва бошқа ёмон одатларга ана шундай йўллар билан ўрганади.

Совет тузуми даврида кўплаб оилалар коммунал уйларда яшаб, ота-оналари иш билан банд бўлганлиги сабабли айрим ёшлар назоратсиз бўлиб қолдилар. Ота-онанинг назорати заиф-

лашган жойда тарбияга салбий таъсир этувчи омилларнинг аҳамияти ортади. Одатда ўспиринлар ўзининг жисмоний, табиий эҳтиёжларига кўпроқ эътибор беришга, бошқалардан ажралиб, устунроқ бўлиб туришга, керак бўлганида бирор ишда зўрлик усулини қўллашга, куч ишлатишга ҳаракат қилади. Қизлар ҳам балоғатга ета бошлагач ёшлиқда ақл билан идора қилиб бўлмайдиган хиссиётлар, интилишлар таъсирида бўлади. Бундай шароитда болаларга ота-оналар таъсири кучли бўлмаса, улар ахлоқий бузуқлик, ҳатто жиноятчилик йўлига ўтиб кетиши ҳам мумкин. Умуман ҳаётда 14-16 ёшли болалар тарбиясига алоҳида эътибор бериш, уларнинг ҳар бир босган қадамини назорат қилиш, керак бўлганида турлича таъсир кўрсатиш ўта муҳим аҳамият касб этади. Бу даврда итотсиз ёшларга нисбатан куч ишлатиш ҳам фойдадан ҳали эмас, деб ўйлаймиз.

Бола 18-20 ёшга етгач, ўз қадри-қимматини, инсонлик бурчи ва масъулиятини ақлан, ахлоқан чуқурроқ хис қила бошлайди. Бу ёшда қизлар ҳам ўзининг ору номуси, иффиати, қадри қимматини анча тўғри тушуниб олган бўлади. Бу даврда ёшлар маънавий омиллар, ахлоқ ва одоб мезонлари таъсирига кўпроқ бериладилар.

Бозор муносабатларига ўтиш билан боғлиқ бўлган ҳозирги шароитлар ҳам оилада ёшлар тарбиясига катта эътибор бериш заруриятини туғдирмоқда. Бозор муносабатлари фақат пул топиш йўлини излашдангина иборат эмас. Бозор муносабатлари ривожини учун кишиларда даромад топишга интилишдан ташқари юксак маънавият ҳам бўлиши керак. Агар одамларда ҳалоллик, ҳаромдан ҳазар қилиш, имон, инсоф, адолат, инсонпарварлик сингари фазилатлар бўлмаса бозор тараққиёт йўли бўлмай қолади, жамиятда маънавий инқироз имкониятлари кучаяди. Бозорнинг мезони «ё мен бировни алдайман, ё биров мени алдайди», деган қоида эмас. Бозор муносабатларига асос бўладиган миллий, диний, маънавий қадриятларни оиладаёқ ёшларга чуқур сингдириш даркор. Бозор муносабатлари — ҳар бир шахс ўзининг, бошқаларнинг қадри қиммати, манфаатини ҳам адолатли равишда ҳисобга олабилишидир.

Ёшлар тижоратга интилишининг ижобий ва салбий томонлари ҳам бор. Ҳозирча бу интилишнинг салбий томонларига етарли эътибор берилаётгани йўқ. Ёшларни пул топишгагина ўргатмай, уларни кўпроқ ақлий, илмий, амалий камолот йўлига бошламоқ керак. Барча ёшлар олди-соттига берилиб, пул топиш йўлига ўтиб кетаверса Ўзбекистон келажакда буюк, қудратли

давлат бўла олмайди. Мамлакатимиз истиқболи биринчи навбатда ёшлар замонавий фан асосларини, энг янги техника ва технологияни, миллий ва умуминсоний маънавият асосларини қанчалик чуқур эгаллашига боғлиқ.

Бу фикрлар оиладаги тарбия масаласига ҳам оиддир. Ота-оналар фарзандларининг мактабда, олий ўқув юртларида олаётган билимларига, касб танлаш маданияти, эҳтиёжи шаклланишига бефарқ қарашлари мумкин эмас. Ёш авлодни бугунги кун имкониятларигагина эмас, балки эртанги кун эҳтиёжларига таяниб тарбияламоқ зарур. Умуман тарбияда эртанги кунни ўйлаш, кўра билиш устувор аҳамиятга эга.

Болалар доим бирор фойдали иш билан банд бўлишини таъминлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Бирор иш билан банд бўлишга ўрганган ёшлар меҳнатсевар бўладилар, уларда жуда ёшлигиданоқ маълум меҳнат малакалари шаклланади. Бўш вақти бўлдими, улар ўзлари севган иш билан шуғулланишга ўрганиб қоладилар. Бундай болаларнинг жиноят қилишга ёки ножўя ишлар билан шуғулланишга вақти ҳам бўлмайди.

Қишлоқ оилаларидаги тарбиянинг ҳам ўзига хос имкониятлари ва афзалликлари бўлади. Одатда болалар жуда ёшлигиданоқ бирор ишни мустақил бажаришга, дала ишларида ота-онага ёрдамлашишга ўрганиб қоладилар. Бўш вақти бўлди деса уй-рўзғор ишларига қарашади, мол, қўйларини суғоради, кичик укаларини тарбиялайди. Қишлоқ ёшлари орасида ахлоқий тубанлашган, жиноятчиларга қўшилиб кетганлар кам учрайди. Қишлоқ ёшлари кўпинча одобли, меҳнатсевар, жисмоний бақувват бўлишининг сабабларидан бири ҳам шудир. Кўп болали оилаларда ҳам ёшлар одобли, чидамли, меҳнатсевар бўладилар. Ёшлар вақти-вақти билан, қисқа муддатга дала ишларига сафарбар этилишини ҳам қоралаб бўлмайди. Бу ҳам маълум меъёр доирасида бўлса, ёшларни жисмоний чиниқтиради.

Одатда ота-она кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилиб, фарзандларига бирор мерос қолдиришга ҳаракат қилади. Баъзилар фарзандларига ҳашаматли уйлар, енгил машиналар, қимматбаҳо уй анжомлари, зебу зийнат буюмлари қолдирадилар. Бу билан улар мендан кейин болаларим қийналиб қолмасин, деб умид қиладилар. Бу ҳам уларнинг қалбида чуқур ўрин олган фарзандларга меҳрибонлик туйғуси белгисидир. Лекин меҳнат ва машаққатсиз ўсган болалар бундай ҳаракатни ота-онанинг мажбурий бурчи деб ҳисоблайди, улар берган мероснинг қадрига ҳам етмайди. Ўзларида ҳалол меҳнат қилишга иштиёқ йўқлиги сабабли бу бойликни ота-она тириклигида, ёки

сабабли бу бойликни ота-она тириклигида, ёки уларнинг вафотидан кейин тезда кўкка совурадилар. Ота-она қолдирган мерос қанчалик кўп бўлмасин, ноқобил фарзандларнинг бахтли ҳаётини бир умр таъминлай олмайди. Халқимизда, ётиб ейишга тоғ ҳам бардош бермайди, деган мақол бор. Ҳалол меҳнат билан, пешона тери тўкиб орттирилган бойлик инсон учун қадрлироқ бўлади. Одоби, меҳнатсевар, сабр-тоқатли фарзандлар ота-она қолдирган бойликка бойлик қўшади, ҳалол меҳнати билан жамиятда ўз ўрнини, қадри қимматини топади. Ота-онадан мерос бўлиб қолган ахлоқ ва одоб эса бир умр тугамай-диган энг катта бойликдир. Ўзбек халқи мақолида айтилганидек, мерос йўли билан орттирилган моддий бойлик ёмон, акадан қолган бойлик ундан ҳам ёмонроқ, хотиндан қолган бойлик эса буларнинг ҳаммасидан ҳам ёмонроқдир. Ёшлар ўз меҳнати, пешона тери билан топган бойликни кўпроқ қадрлайдилар.

Ота-оналар билиши, амал қилиши лозим яна бир муҳим масала фарзандларига бераётган тарбия давр руҳига, замон имконияти ва эҳтиёжларига, давлат белгилаган режалар тизимига қай даражада мос келишини яхши тасаввур этишдир. Ота-онанинг кўзи олдида ширин фарзандлари билан бир қаторда, уларнинг жамият, миллат тараққиёти, давр эҳтиёжлари ва имконияти билан узвий боғланган келажаги ҳам турмоғи керак.

Ота-оналар фарзанд тарбиясида асрлар давомида шаклланган миллий анъаналарга, бу борадаги умуминсоний қадриятларга таянганида, давр руҳи ва эҳтиёжларини эътиборга олганида яхши натижаларга эришадилар. Бу ишнинг самараси кўпроқ тарбиянинг мақсади ва усулларига боғлиқ бўлади. Тарбиявий ишларнинг мазмуни, йўналиши, усуллари эса ўзгариб, янгиланиб, такомиллашиб туради. Бунга ҳар бир конкрет тарихий даврнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий, мафкуравий, эҳтиёжлари ҳам таъсир этади.

Касб танлаш маданиятининг шакллари ҳам давр талаблари асосида ўзгариб борган. Кимдир боласини уста деҳқон, боғбон қилиб тарбиялашга эътибор берган. Ишчилар эса болаларига саноат билан боғлиқ бўлган касбларни ўргатишга ҳаракат қилганлар. Санъаткорнинг боласи санъаткор, олимнинг боласи олим бўлишга интилиши ҳам оиладаги муҳит, ҳаёт тажрибаси ва тарбия билан чамбарчас боғланган.

Ота-она фарзанд тарбиясида ўз дунёқароши, тасаввурлари ва тушунчалари чегарасида қолиб кетмасликлари лозим. Шунинг учун унутмаслик керакки, ота-оналар кечаги кунда тарбия топган кишилар-

дир. Уларнинг тасаввурлари, тушунчалари, эътиқодлари, ахлоқ, одоби ҳам ўша даврларнинг имконияти ва эҳтиёжлари асосида шаклланган. Фарзандлар эса бугун дунёга келадилар ва келажакдаги янги шароитларда яшаб, фаолият кўрсатадилар. Эртанги куннинг талаб ва эҳтиёжлари эса кечагидан, бугунгидан бошқачароқ, юқорироқ бўлади. Агар шундай бўлмаса жамиятнинг илгарилама тараққиёти амалга ошиши мумкин эмас. Шу сабабли фарзанд тарбиясида кечаги кун тажрибаларидан фойдаланаётганда ҳам кўпроқ келажакни ўйлаш керак.

Фарзандларга илм ва ҳунар ўргатишнинг аҳамияти ҳақида Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Жомий шундай деган: «Агар сенинг молининг қанча кўп бўлса, уларни фарзандларинг илм ва ҳунар олиши учун сарфла, чунки молу-давлатга ишониб бўлмайди. Илм ва ҳунар ўрганмай ўтирувчи инсонларни олимлар учга бўладилар. Булар ё зоҳид, ё танбал, ё такаббур кишилардир. Агар у зоҳид бўлса тез кунда таъна балосига гирифтор бўлади. Агар танбал бўлса гадолик куйига тушади. Агар такаббур бўлса ночорликдан охири ўғирлик йўлига киради. Кимки касби-корга эга бўлса бундай иллатлардан халос бўлади»<sup>1</sup>.

Бархудар ибн Маҳмуднинг айтишича болаларни ёмон, билимсиз кишилар билан доим ҳамсуҳбат бўлишига йўл қўймаслик керак. Чунки улар нимани кўрсалар, кимга эргашсалар ўша нарсаларга тезда кўникиб қолишади. Агар шу ҳол руй берса ундан сўнг Луқмон ва Афлотуннинг мингта панду насиҳати уларнинг кўнглидан ўрганган қилиқларини йўқота олмайди.

Баъзан ёшларда конкрет шароит билан боғлиқ равишда муайян касбларни эгаллашга интилиш ҳам кучли бўлади. Агар ҳозирги ёшларнинг бу борадаги фикрига қулоқ солсак, интилишига эътибор берсак уларнинг кўпчилиги тижоратчи, иқтисодчи, ҳуқуқшунос бўлишга қизиқаётганини сезиш мумкин.

1994-1995 йилларда Ўзбекистон Миллий университети социология лабораторияси, ўзбек миллий қадриятлари илмий тадқиқот маркази ёшларнинг касб танлаш борасидаги эҳтиёжларини ўрганишга бағишланган сўровлар ўтказди. Сўровлар Тошкент, Фарғона вилоятидаги ўрта мактабларнинг юқори синфларида ўтказилди. Анкетадаги саволларга жавоб берган 6000 ўқувчининг кўпчилик қисми иқтисодчи, бизнесмен, ҳуқуқшунос бўлиш ис- тагини билдиришди. Ҳар йили турли олий ўқув юртларига ки-

---

<sup>1</sup> Одоб бўлстони ва ахлоқ гулистони. Т., «Фан» нашриёти, 1994., 34-бет.

риш учун берилган аризаларнинг нисбати ҳам фикримизнинг исботи бўла олади.

Тарбияда ёшларнинг хоҳиш ва истакларини ҳам эътиборга олиш лозим. Лекин тажрибасиз ёшларнинг ҳаёт воқийлиги имкониятларини, эҳтиёжларини чуқур тушунмаслик билан боғлиқ бўлган истаклари тарбиянинг мақсади ва йўналишини белгилаб берувчи асосий мезон бўлмаслиги керак. Тарбиянинг асосий мақсадлари ва йўналишларини кенг кўламли истиқбол режаларини тузган, барча таълим ўчоқларини маблағ билан таъминлайдиган, ёшларнинг ахлоқий, илмий, амалий камолотидан манфаатдор бўлган давлат белгилайди. Ҳар бир оилада олиб борилаётган тарбия давлат, жамият белгиланган вазифалар, мақсадлар билан муштарак бўлмоғи керак.

XXI аср фан ва техника тараққиёти, инсон маънавий камолоти жуда тез суръатлар билан бораётган давр бўлади. Бугун ҳам фан, техниканинг янги соҳалари, уларни эгаллаш билан боғлиқ бўлган касбларнинг янги йўналишлари юзага келмоқда. Ёшларни тарбиялашда кечаги, бугунги кунни эътиборга олиб, келажакни тўғри тасаввур этаолмасак жамият тараққиёти истиқболларини, имкониятларини чеклаб қўйган бўламыз.

Фан ва техника тараққиёти ўз-ўзидан амалга ошавермайди. Уни ақлий, ахлоқий, илмий салоҳияти давр талаблари даражасида ривожланган ёшларгина амалга ошира олади. Давр имкониятлари, эҳтиёжларини чуқур билган ота-оналаргина оиладаги тарбия ишларини давр руҳи, талабларига монанд олиб борадилар. Тарбия оқилона, давр руҳи ва талабларига монанд олиб борилишидан оила ҳам, жамият ҳам манфаатдордир. Ҳадислардаги, «болалик чоғингиздан то лаҳатга киргунча илм ўрганингиз» деган фикр ҳозирги кунимиз учун ҳам аҳамиятлидир.

Ҳозирги даврда оилада ахлоқий тарбияга катта эътибор бериш зарурияти кучаймоқда. Ахлоқ, одоб шаклланишида жамоатчилик ҳам, ўқув юртларида берилаётган таълим-тарбия ҳам оиланинг ўрнини эгаллай олмайди. Оилада ахлоқ ва одобнинг дастлабки уруғлари томир отади ва шахс маънавий камолотига замин бўлади. Ёшларнинг илмий, амалий камолоти юксак ахлоқ негизидагина катта ижтимоий аҳамият касб этади. Президентимиз Ислам Каримов кўрсатиб ўтганидек, «Бирор бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ва мустаҳкамламай ўз истиқболини тасаввур эта олмайди»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> И.А. Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» Т., «Ўзбекистон», 1997., 137-бет.

Оиладаги ахлоқ, одоб тарбияси автоматик тарзда амалга ошмайди. Унинг ҳам ўзига хос мураккаб ижтимоий, иқтисодий, психологик муаммолари бор. Булардан энг муҳими — оиладаги маънавий муҳитдир. Оиладаги маънавий муҳит яхшилигини ифодаловчи кўрсаткичлар бири — иноқлик, аҳиллик, тотувликдир. Иноқлик оила аъзолари бир-бирини ҳурмат қилиши, бир-бирига ишониши ва суяниши натижасида юзага келади. Иноқлик бўлмаган жойда ҳамжиҳатлик ҳам, ҳамкорлик ҳам бўлмайди, бундай оиладан файз ва барака кетади. Шу сабабли ота-оналар фарзандларини жуда ёшлигиданоқ бир-бирини ҳурмат қилишга ўргатиш керак.

Шундай бир ривоят бор. Бир кишининг бир неча фарзандлари бўлиб, улар доим ёвлашиб, бир-бирига адоват ва маломат тошларини отиб юришар экан. Бир куни ота фарзандларини тўплаб бир даста чўпни боғлабдида, мана, синдириб кўринглар, деб буюрибди. Фарзандлари ҳар қанча уринсалар ҳам даста чўпни синдира олмапти. Шунда ота, ҳар чўпни дастадан ажратиб олиб синдириглар, деб болаларига берибди. Ўғиллари барча чўпларни тезда ва осонлик билан синдириб ташлаганлар. Шунда отаси уларга қараб, мана кўрдиларингми, аҳил, иноқ, бирдам бўлмасаларинг ҳаёт синовлари сизларни ҳар бирингизни ҳам шундай осонлик билан синдириб ташлайди, деб айтган экан.

Ота-оналарнинг умумий илмий-маданий савияси, касб-ҳунари, миллий мансублиги, диний эътиқодлари ҳам болаларнинг ахлоқи, одоби, бутун ички дунёси шаклланишига бевосита таъсир кўрсатади. Болалар бир ота-онадан туғилган, бир оилада ўсган бўлса ҳам, уларнинг феълу атворидида психологиясида ўзига хослик ҳам бўлади. Баъзи болалар инжиқ, баъзилар енгил табиат, баъзилар оғир бўлиши мумкин. Бундай ҳолларга турли касалликларга чалиниш, оиладаги вазиятнинг ҳолати ва ўзгариб туриши, ота-оналарнинг ўз фарзандларига турлича муносабатда бўлиши ҳам сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабли оиланинг ўзида ҳам ҳар бир боланинг тарбиясига конкрет ёндашиш зарур.

Ахлоқ, одоб тарбиясининг усуллари ҳам турлича бўлиши мумкин. Болаларга керак бўлганида меҳрибонлик қилиш, маълум вазиятларда қаттиққўл бўлиш ҳам керак. Бола ота-онадан меҳр кўрмаса бағри тош, худбин бўлади, ортиқча эркаланса — талтайиб кетади. Тарбияда, айниқса, гапга қулоқ солмайдиган, инжиқ, ўзи билганича иш қилишга интиладиган болаларга катта эътибор бериш керак. Бундай болалар вақти келиб катталарнинг, ота-онанинг панду-насиҳатларига қулоқ солмайди.



Ўзбек халқининг, «от минган отасини танимас», деган мақолида худди шундай болалар тўғрисида сўз боради. Улар бирор мансабга эришсалар ҳам бу мартабага ота-онанинг ёрдами, тарбияси орқали етишганини унутиб қўядилар. Бундай оқибат учун бола эмас, балки унга тарбия берган ота-онанинг ўзи айбдордир.

Баъзи ота-оналар болаларининг ички руҳий эҳтиёжлари, қизиқишларини ҳисобга олмай, биз айтган ишнингина қиласан, биз кўрсатган йўлдангина борасан, дейишлари мумкин. Бундай талаб ҳам унчалик тўғри эмас, албатта, фарзанд ота-онанинг гапига қулоқ солиши керак. Лекин ҳамма ишни фақат улар айтганидек қилиб бажариш ҳам қийин. Инсон робот эмас, у тирик, фикрловчи, изловчи жонзоддир. Шундай экан, ҳаёт шароити ва эҳтиёжлари ёшлар олдига ота-она ўрганган, ўзлаштирган маънавий мезонларидан ҳам юксакроқ вазифаларни қўяди, янги маданий эҳтиёжларни туғдиради. Ёшларда маданий эҳтиёжларнинг янги-янги қирралари, мезонлари келиб чиқиши жамият тараққиётининг зарур омилidir. Жамият маънавий камолотининг муҳим бир томони шундаки, улғайиб, ҳаёт сабоқларини ўзлаштириб, оқу-қорани таниган, илмли, билимли ёшлар ота-онанинг ҳаёт мазмуни, ахлоқ ва одоб тўғрисидаги анча эскиб қолган тасаввурларига ҳам таъсир этадилар. Тўғри, ҳаётда ота-она фарзандни тарбиялайди. Бироқ вақти келганида етук фарзандлар ҳам кексайган ота-она дунёқарашини ўзгартириши, бойитиши мумкин. Агар фарзандлар маънавий камолотнинг шакли ва даражаси жиҳатидан айнан ота-оналарнинг ўзидек бўлиб қолаверса, у вақтда жамият тараққиёти секинлашади ёки тўхтаб қолади. Фарзандлар ота-оналарининг энг яхши, улғувор фазилатларини ўзида мужассамлаштириши ва ривож топтириши лозим.

Оиладаги тарбияда ёшларда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришга ҳам эътибор бериш лозим.

Муайян миллатга мансубликни ҳис қилиш, унинг тарихи, маданияти, тили, қадриятларини билиш инсон маънавий камол топшининг асосий шартларидандир. Қанча байналминалчи бўлиб, бошқа халқларни ҳурмат қилмайлик, ўзимиз ҳам муайян миллатга мансуб эканимизни асло унутма олмаймиз. Бу айрим шахсларга эмас, балки барча соғлом, ақлли инсониятга хос хусусиятдир. Тарбиянинг асосида ётган вазифаларидан бири ҳам шу. Ўз миллатини қадрламаган, унинг тарихи, миллий ўзига хослигини билмаган шахс бошқа миллатларни ҳам қадрлаш имконига эга бўлмайди. Аввал инсонда миллий онг шаклланиб, шунинг замирида байналминалчилик эътиқоди келиб чиқади. Миллий тарбия

ҳар бир шахсда миллий худбинлик, калондимоғликни шакллантиришга эмас, балки унда бошқа халқларга ҳам ҳурмат, ишонч туйғуси таркиб топишига йўналтирилган бўлади.

Миллий ифтихор ҳар бир ёш йигит ва қиз ўз миллатининг тарихи, тақдири, истиқболи, мамлакатининг имкониятларини билиши, Ватан, миллат манфаатлари йўлида фидокорона меҳнат қилишга, унинг шону-шуҳратини улуглашга интилишдир. Миллий руҳ эса миллий ифтихор, ватанпарварлик туйғуси асосида шаклланади. Миллий руҳ ҳар бир шахсдаги ички маънавий қудратдир, келажакка ишонч, мустаҳкам эътиқоддир. Миллий руҳ миллий иродани мустаҳкамлайди, уни имон даражасига кўтаради. Ҳадисларда айтилган «Ватанни севмоқ имондандир», деган ҳикматнинг асосида ҳам шу маъно ётади.

Инсоннинг Ватанига бўлган севгиси ҳам ўз миллатига бўлган ишончи ва ҳурмати асосида шаклланади. Ёшларда Ватан, миллат тақдирига нисбатан лоқайдлик кучайса, улар мамлакатида бўлаётган воқеаларга нисбатан бефарқ қарасалар — бу чуқур миллий фожеанинг белгисидир. Ватан ва миллат ҳар бир инсон учун қиблагохдир, саждагоҳдир. Инсон учун Ватан ва миллат биттадир. Шу ватан тинч бўлса тинч бўламиз, бой бўлса бой бўламиз, тинч, осойишта ривожланса барча орзу-умидларимизга эришамиз. Ўзбекистон дунёдаги барча ўзбекларнинг бошини қовуштирадиган, манфаатини ҳимоя қиладиган, қадр-қимматини улуглайдиган, тарихий хотирасини шакллантириб, мустаҳкамлайдиган ягона мамлакатдир. Бошқа мамлакатларда тинч, тўқ, фаровон яшаш мумкин бўлса, ҳам, улар биз учун Она Ватан бўла олмайди. Ўзбекларнинг эътиқоди, маънавияти мезонларига кўра инсон учун энг катта фожеа — ватангадоликдир, энг катта хиёнат эса — ватанпурушлиқдир. «Ўзга юртда подшоҳ бўлгандан кўра ўз юртингда гадо бўлганинг яхши», деган фалсафий ғояда миллий руҳиятимизнинг асосий тамойилларидан бири ифодаланган.

Ота-боболаримиз барча даврларда ўз бахтини ўзининг Она Ватанида топишга ҳаракат қилганлар. Она заминга, қўни-қўшниларга, қариндош-уруғларга меҳр, оқибат кучли бўлгани учун ҳам ўзбеклар барча замонларда ўз юртидан бошқа мамлакатларга кўчиб кетишга ҳаракат қилмаганлар. Бу ҳаётий ҳақиқатни ота-оналар фарзандларининг онгига ёшлигидан оқ сингдириб бориши керак.

Ўзбекларнинг ўзига хос юксак маънавияти, инсонпарварлиги, меҳр-оқибатлилиги, меҳнатсеварлиги, раҳм-шавқатлилиги,

қўни-қўшничилик муносабатларидаги анъаналари, оилапарварлиги, болажонлигига бошқа миллатларнинг вакиллари ҳам катта баҳо берганлар. Ўзбекистонда кўп йиллар яшаб, Россияга кўчиб кетган кишилар ўзбекларни, уларнинг маданияти, оқибатлилиги ва урф-одатларини ҳар доим чуқур хурмат билан тилга оладилар.

Бу ўринда миллати арман бўлиб, Ўзбекистонда туғилган, ўзбеклар ичида яшаб, уларнинг миллий руҳиятини ўзлаштирган, мамлакатимиз маданияти ва санъати ривожига катта ҳисса қўшган Ўзбекистон Халқ артисти Гавҳар Раҳимованинг куйидаги сўзларини келтирмоқчимиз. У шундай деган эди: «Болаларим, ўзбек бўлганликларингдан фахрланинглар. Мен ер юзининг жуда кўп юртларида ҳар хил одамлар билан мулоқатда бўлдим. Бунақа ўлка, бунақа меҳнатсевар, меҳмондўст, оқибатли халқ ҳеч қаерда йўқ. Рост, қизим, мана нон турибди. Кўзимни очибманки, шу халқни кўрганман. Ўзбекча фикрлайман. Мен бутун вужудим билан ўзбекман»<sup>1</sup>.

Бундай масалалардан фарзандлармизда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришда кенг фойдаланиш мумкин.

Ислом Каримов ёшларда миллий ифтихор туйғусини шакллантириш борасидаги вазифалар устида тўхтаб куйидаги фикрларни айтган эди: «Биз Она Ўзбекистон истиқлолини, унинг шону-шавкатини қандай ҳимоя этишни ота-боболаримиздан мерос қилиб олишимиз ва унинг ҳимоясига ҳамиша тайёр турмоғимиз даркор.

Улуғ аждодлармиздан мерос бўлиб келаётган Ватанга муҳаббат туйғуси фарзандлармиз, бугунги ва келажак авлодлармиз учун чинакам эътиқодга, чинакам ақидага айлансин»<sup>2</sup>.

Оилада миллий ифтихор туйғусини тарбиялаш ота-оналарнинг умумий дунёқараши, маънавий савияси даражасига ҳам боғлиқ. Ҳозирги кўплаб ота-оналар совет тузуми даврида тарбия кўрган. Бу даврдаги сиёсат эса кишиларнинг миллий ифтихор туйғусини сохталаштиришга, уларнинг ўз тарихий хотирасидан маҳрум бўлган манқуртларга айлантиришга қаратилган эди. Шу сабабли ёшларнигина эмас, ҳатто айрим ота-оналарни ҳам миллий онги ва тарихий хотираси етарли даражада шаклланган эмас. И. Каримов совет тоталитар тузуми олиб борган

---

<sup>1</sup> «Оила ва жамият» газетаси, 1995 йил, 296 июл.

<sup>2</sup> «Маърифат» газетаси, 1994 йил, 28 сентябр.

сиёсатнинг моҳияти ва оқибатлари устида тўхтаб қуйидаги фикрларни айтган эди:

«Уйлаб кўринглар, азиз дўстлар, ўшанда бизлар ким эдик?

Тақдиримиз, эркимиз кимларнинг қўлида эди?

Қаба деб қаерга сигинар эдик? Ҳар тонг «Ассалом»... деган мадҳия оҳанглари остида кимларга куллуқ қилиб уйғонардик?

Тилимиз, динимиз қай аҳволда эди? Имом Бухорий, Ат-Термизий, Хўжа Баҳовуддин Нақшбандларнинг муқаддас номларига эътибор бормиди? Амир Темур, Бобур ва бошқа бобокалонларимизнинг буюк номлари қайси тупроқларга қоришиб ётган эди?

Миллий гуруримиз, инсонлик шаънимиз, урф-одатларимиз қандай тушунчаларга алмаштирилган эди?

Хўш, ўзимизчи? Ўзимиз ўзлигимизни билармидик? Қандай мўътабар замин, улуг аждодларимизнинг мерослари билан озикланган ер ўғлонлари эканимизни англаймидик?»<sup>1</sup>.

Бу фикрлардан кўринадики, буюк тарихимиз саҳифалари, урф-одатларимиз ва қадр-қимматимизни ота-оналарнинг ўзлари билиб олиб, сўнг фарзандларига ўргатмоқлари зарур.

Ота-она фарзандларига бераётган тарбия инсон шахси шаклланишининг биринчи пойдеворидир. Бу пойдевор инсон маънавий олами деган жараённинг ҳаммаси эмас, балки бошланиши. Бу пойдевор ақл, идрок, масъулият билан барпо этилган бўлса унинг устига гўзал, мустаҳкам бино қуриш мумкин. Бу бинонинг чиройи, нақшлари инсон ҳаётининг барча даврларида шаклланиб, сайқал топиб боради. Инсон умри қанча узоқ бўлмасин, бу бинонинг такомиллашуви, гўзаллашиши давом этаверади, ҳеч вақт ўз ниҳоясига етмайди. Ҳар бир инсон етук олим, йирик давлат арбоби, оддий ишчи, ёки хизматчи бўлиб етишганида ҳам ёшлигида берилган тарбияни асло унутмайди, уни чуқурроқ ҳурмат билан эслайди, ота-онага меҳри, ҳурмати ортаверади. Ақлли инсон қанчалик буюкликка эришмасин, ота-онаси унга ўзидан улўғроқ кўринаверади. Ота-оналик бурчи ва масъулиятининг буюклиги тарихнинг барча даврларида тан олинган ҳақиқатдир. Бу буюклик одам авлодини дунёга келтиришидан эмас, балки унда инсоний фазилатларни шакллантиришида намоён бўлади.

Буюк файласуф шоир Бедилнинг шундай ҳикматли фикри бор: «Бино пойдеворининг биринчи тоши қийшиқ кўйилса, бинонинг боши юлдузларга ётса ҳам у қийшиқ бўлиб қолаверади».

<sup>1</sup> Баркамол авлод орзуси. Тошкент, 2000 йил, 96-бет.

Бу фикр инсон тарбиясига тааллуқлидир.

Ўзбек oilаларининг ўзига хос томонларидан бири кўп фарзандлилиқдир. Ўзбекларда болаларга муносабат чуқур ижтимоий, маънавий масъулиятни хис қилиш асосида шаклланган халқимиз ўртасида кенг тарқалган, фарзандларга нисбатан айтилган «ўнга бўлса ўрни бошқа, қирқта бўлса қилиғи», деган мақол ҳам фарзандларга бўлган муносабатларнинг ифодасидир. Ота-оналар фарзандлари қанча кўп бўлса шунча қувонишган, фарзандсизлик катта шахсий фожеа сифатида қаралган. Жамиятда, жамоада кўп фарзандли oilалар иззат-ҳурматда бўлган, зарур бўлганида маҳалла-қўй, қўни-қўшнилар уларга ёрдам қўлини чўзишган. Ўзбекистонда демографик жараёнлар ҳар доим бошқа мамлакатлардагидан юқори бўлганининг сабабларидан бири ҳам шу эди, десак хато бўлмайди.

Лекин асосий гап oilадаги болаларнинг сонини кўпайтиришдангина иборат эмас. Фан ва техника гуркираб ўсаётган, инсон манфаатларини ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамият ҳаёти ва тараққиётининг асосий омилларидан бирига айланиб бораётган, маънавий камолотга эҳтиёж кучаяётган ҳозирги шароитда oilанинг масъулияти ҳам ортиб бормоқда. Ҳар бир фарзанд етарли билим олиши, шу билим асосида бирор касб эгаллаши, маънавий камол топиши, етарли даражада ейиши, ичиши, кийиниши, ўз ҳаққи-ҳуқуқини ҳимоя қила билиши ҳам керак. Ҳозирги кунда жамият тараққиёти учун одамларнинг сони эмас балки сифати аҳамиятли бўлиб қолмоқда.

Бу муаммолар мустақил тараққиёт йўлида бораётган Ўзбекистонда ҳам кун тартибига қўйилган. Ўзбекистонда oilалар (айниқса қишлоқ жойларда) кўп фарзандлидир. Одатда кўп фарзандли oilада битта ота ишлайди, она эса болаларни боқади ва уй-рўзгор ишлари билан шуғулланади. Бозор муносабатларига ўтиш даврида баъзан ота иш тополмай қолиши ҳам мумкин. Бу эса oilада оғир вазиятни юзага келтириши, ёш болаларнинг тарбиясига хатто эр ва хотин ўртасидаги муносабатга ҳам салбий таъсир этиши мумкин. Шу сабабли аҳолининг анъанавий эътиқодларини ҳисобга олиб ўтиш даврида кам таъминланган oilаларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланади. Бу борадаги тадбирларни белгилаш ва такомиллаштиришда, ижтимоий ҳимоянинг янги йўллари ва усулларини жорий этишда жойларда ўтказилиб туриладиган социологик сўровларнинг ўрни ва аҳамияти ҳам ниҳоятда каттадир. Социологик тадқиқотлар

жойлардаги вазиятни, жамоатчилик фикрини ўз вақтида билишга, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий маънавий муносабатлар ривожини мувофиқлаштиришга, юзага келиши мумкин бўлган вазиятларни олдиндан кўришга имкон беради. Бу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси «Жамоатчилик фикри» маркази сўнги йилларда қатор социологик тадқиқотлар ўтказди ва улар асосида маълум илмий ва амалий тавбияномалар ишлаб чиқди. Шундай тадқиқотлар бири Андижон, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида «Оила ва ахлоқ» мавзусида ўтказилган сўровлардир. Бу сўровларда 1717 респондент иштирок этди<sup>1</sup>.

Сўровда иштирок этганлар орасида 85,8% фарзандли оилалар бўлди. 18-25 ёшлилар ўртасида фарзанди борлар 40,9%, 26-35 ёшлилар ўртасида 93,6%, 36-55 ёшлилар ўртасида 99,0%, 56-75 ёшлилар ўртасида 93,8% эди. Сўралганлар ичида бир фарзанди борлар 11,9%, икки фарзанди борлар 24,6%, уч фарзанди борлар 22,1%, тўрт-беш фарзанди борлар 26,9%, олти ёки ундан кўпроқ фарзанди борлар 14,5% эди. Олти ва ундан кўпроқ фарзанди борлар асосан нафақа ёшидагилар бўлиб, улар сўровда иштирок этганларнинг 46,7% ташкил этган. Кўп болали оила бошлиқларининг 52,7% фақат бошланғич маълумотга эга бўлган<sup>2</sup>.

Бу ўринда икки нарса яққол кўзга ташланади. Биринчидан кўп фарзандлилар асосан нафақа ёшида бўлгани учун уларни ижтимоий ҳимоялаш зарурлиги, иккинчидан кўп фарзандлилик кишиларнинг билими, умумий маданияти даражаси билан ҳам боғлиқлиги.

Булар ҳам ижтимоий, демографик сиёсатни амалга оширишда эътиборга олиш зарур бўлган омиллардир.

Хўш, сўровнинг натижалари қандай бўлди? Бу ўрнида «Оила — иқтисод — ахлоқ», «Оила ва миллий қадриятлар» блокадаги саволларга берилган жавоблар ниҳоятда аҳамиятлидир.

Респондентларнинг 85,4% оилани мустақамлашда давлат маънавият, ахлоқ тарбияси масалаларига асосий эътибор бериши керак, деб ҳисоблаши аниқланди<sup>3</sup>. Уларнинг фикрига оилавий муносабатларга таъсир этаётган ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар вақтинчалиқдир. Энг асосий масала — ўтиш даврида маънавий бўхтонлар кучайишига йўл бермасликдир.

<sup>1</sup> Қаранг: «Ижтимоий фикр — инсон ҳуқуқлари», №3, 2000 й, 93-98 бетлар

<sup>2</sup> «Ижтимоий фикр — инсон ҳуқуқлари», №3, 2000 й, 95-96 бетлар

<sup>3</sup> «Ижтимоий фикр — инсон ҳуқуқлари», №3, 2000 й, 94 бет

Респондентларнинг 25,5% маънавиятни жамият ҳаётининг пойдевори деб ҳисоблайди. 25,5% респондентларнинг фикрича моддий бойликлар оилавий муносабатлар борасида маънавиятга нисбатан иккинчи ўринда турмоғи керак. Сўровларнинг бу натижалар Ўзбекистонда маънавиятга катта эътибор берилиши, миллий ғоя ва мафкура масалалари кенг тарғиб қилиниши асосан тўғри бўлганлиги, жамоатчилик фикрига мос келишини кўрсатади

Сўровда иштирок этганларнинг 55%и ўзнинг ҳозирги моддий турмуш шароити қониқарли эканлигини кўрсатган. Моддий шароитларни яхши деганлар 9,7%ни ташкил этган.

Сўровда оилада тарбияланаётган болаларнинг ахлоқий қиёфаси қандай бўлиши керак, деган масалага ҳам эътибор берилган «Фарзандингиз қандай инсоний фазилат хос бўлишини ҳоҳлайсиз?», -деган саволга респондентларнинг 37,8%и «тўғрилиқ», 32,2%и «меҳнатсеварлик», 15,4%и «оққўнгилилик» деб жавоб берган.

«Болаларингиз қандай касб эгаси бўлишини хоҳлар эдингиз?», - деган саволга берилган жавоблар куйидагича бўлди: Шифокор – 42,3%, педагог – 22,3%, ишчи – 15,4%, ҳуқуқшунос – 14,8%, иқтисодчи – 9,2%, ҳарбий хизматчи – 2,4% ва ҳоказо. Оилани режалаштириш сиёсатини қўллаб-қувватловчилар шаҳарликлар орасида 62,9%, қишлоқ аҳолиси ўртасида 45,2 %ни ташкил этди.

Оиладаги вазият ҳақида олинган маълумотлар ҳам диққатга сазовордир. Сўралганларнинг 61,6%и оиламизда ҳеч қандан ихтилоф йўқ, деб жавоб берган. 2,6% респондентлар эса оилада тез-тез жанжаллар бўлиб туришини билдирган. Ўзбек оилаларидаги ихтилофларнинг асосий сабаби моддий қийинчиликлар эканини 63,5% респондент тан олган<sup>1</sup>.

Юқоридаги факторлардан кўринадики, социологик саволлар оилалардаги вазиятни чуқур билишга, унда келиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларни хал этишга, фарзанд тарбияси билан боғлиқ бўлган амалий, илмий, услубий муаммоларни ўз вақтида хал этишга имкон беради.

Жамият ҳаётидаги, оилалардаги вазият тез ўзгариб турган ҳозирги шароитда бундай социологик сўровларни мунтазам ўтказиб туриш ниҳоятда фойдалидир. Оилалар ва фарзанд тарбияси борасидаги вазиятни давлат ҳеч қачон ўз холига ташлаб қўйиши мумкин эмас. Оила мустақкам бўлмаса жамият ҳам мустақкам бўлмайди.

---

<sup>1</sup> «Ижтимоий фикр – инсон ҳуқуқлари», №3, 2000 й, 97-98 бетлар

## 11. ОИЛАДА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИГА АСОС БЎЛГАН АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Маънавий баркамол, жисмоний соғлом фарзандларни вояга етказишда оилада амалга ошириладиган ахлоқ, одоб тарбиясининг ҳам ўрни бениҳоя катта. Ўзбек халқининг ахлоқ ва одоб тарбияси борасидаги анъаналари, қадриятлари асрлар давомида шаклланиб, ривожланиб келган. Исломга қадар юзага келган ахлоқий қадриятлар, исломий анъаналар, буюк мутафаккирларнинг ҳикматли фикрлари, халқ оғзаки ижодида ифодаланган маросимлар, урф-одатлар, муомала ва юриш-туриш қоидалари оиладаги ахлоқ, одоб тарбиясига асос бўлган. Ўзбекистон мустақилликка эришгач ахлоқ ва одоб борасидаги асрий анъаналаримиз яна ҳам кенг кўламда ривожланиши учун янги имкониятлар юзага келди.

Оиладаги тарбияга асос бўлган миллий ахлоқий қадриятлар тизимига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) *Инсон жамиятда яшаши, ўз-ўзини англашига асос бўладиган ахлоқий қадриятлар:*

- одамлар билан кўришганда биринчи бўлиб салом бериш ва алик олиш;
- жамоатчилик билан мулоқотда аввал яхши ўйлаб, кейин сўйлаш;
- устозларга эргашиш ва уларга садоқатли бўлиш;
- муомалада керак сўзларни айтиш, ноўрин сўзламаслик;
- айтилган ерга бориш, айтилмаган ерга бормаслик;
- ҳаёли, андишали, оққўнгил, холис ниятли бўлиш;
- ҳамма ишга ноўрин аралашавермаслик;
- кўпчилик олдида кеккаймамаслик, камтар ва камсухан бўлиш;
- одамлар билан муносабатда тилга зўр бермаслик;
- одамларга ноўрин ваъдалар бермаслик, берган ваъданинг эса устидан чиқиш;
- дил дардини фақат тушунадиган одамларга айтиш;
- дилозорлик, безорилик қилмаслик;
- элдан ажралмаслик учун кўпчилик риоя қилаётган анъаналарни ҳурмат қилиш;
- иш ва сўз билан элда яхши ном қолдиришга ҳаракат қилиш;



- донолар сўзига қулоқ солиш, улардан ибрат олиш;
- олимларни ҳақорат қилмаслик ва камситмаслик;
- устозларни ҳурмат қилиш, уларни масхара қилмаслик;
- дўстини ёмонлаганларга эътироз билдириш;
- ҳам сўзда, ҳам ишда етти ўлчаб бир кесиш;
- етимлар, бевалар, бечораларга озор бермаслик, ҳар доим раҳм-шафқат қилиш;
- дўстлар, яқинлар билан ёвлашмаслик;
- ёлғон гапирмаслик, ўйламай қасам ичмаслик;
- доимо эл билан бўлиш, эл ғамида яшаш;
- муомала ва мулоқатда тилга эҳтиёт бўлиш, айтилган гап-отилган ўқ эканини унутмаслик;
- ночорлар, ногиронлар, бечораларга шафқатсизлик қилмаслик;
- ўтиб кетган низоларни қайта кўзғамаслик;
- ўзини мақтамаслик, эл-юрт, кўни-кўшнилари фикрига қараб ўзига баҳо бериш;
- ёмонлик қилганларга ҳам яхшилик қилиш;
- аччиқ, ноҳақ гап, ноўрин ҳақорат инсон қалбига қилич тигидан ҳам кўпроқ зарар беришини билиш;
- яхшилик кўрган жойга ёмонлик қилмаслик;
- бировнинг яхши ният билан қилган марақасини бузмаслик;
- қийналган одамни тўхмат ва адоват билан яна қийноққа солмаслик;
- кенг қалбли бўлиш, ҳар нарсани кўнгилга олавермаслик;
- ҳар доим, ҳамма ерда, ҳамма ишда уят ўлимдан ортиқ эканини билиш;
- билган хунари, ўрганган билимини саҳийлик билан бошқаларга ҳам ўргатиш;
- барча одамларга, миллати ва эътиқодидан қатъий назар, меҳрибонлик кўрсатиш;
- бировни билмай, кўрмай туриб у тўғрисида яхши, ёмон сўзларни айтмаслик;
- имкони борича зolimларни зулм қилишдан тўхтатиб қолиш;
- сўзи ўтадиган кишиларни ҳаром, гуноҳ ишлардан қайтариш;
- айрилмас кўшнига ноўрин сўзларни айтмаслик;
- бирор жиҳатдан зарар етказиб, кўшнилари ранжитмаслик;
- ҳамма ишда кўни-кўшниларининг ҳам манфаатини ҳисобга олиш;
- бирор ишни ўз имконига қараб орзу қилиш, кўрпага қараб оёқ узатиш;

- 2) *Жамоатчилик ичида ўзини тутишининг ахлоқий асослари:*
- кўпчилик олдида ҳар сўзни ўйлаб гапириш;
  - маракаларда кўп лақиллаб бошқаларни ранжитмаслик;
  - савол берганда ҳам ётиқ бўлиш, заҳарханда қилмаслик;
  - аҳмоқлар билан мунозара қилишга интилмаслик;
  - кўпчилик олдида ноўрин сўзлаб кулавермаслик;
  - эл ичида обрў орттириш қийин, обрўни тўкиш осон эканини билиш;
  - бировнинг уйига бемаҳал, рухсатсиз кирмаслик;
  - бировга ноўрин таъна ва маломат қилмаслик;
  - дўст танлашда адашмаслик, доим яхшилар билан бўлиш, нодонларга сир бермаслик;
  - улуғларни улуғлаш, доим кексаларнинг дуосини олишга интилиш;
  - шармандалиқдан уялиш, кечиримли бўлиш;
  - элда яхши ном қолдириш учун яхши хулқли бўлиш, хайр-аҳсон қилиш, меҳр-мурувват кўрсатиш;
  - ёлгон сўзлар, ёмон ишлардан ўзин олиб қочиш;
  - доимо хушёр бўлиш, бир оғиз сўзданоқ бошқаларнинг кайфиятини яхши англаб олиш;
  - ўзи сув ичаётган кудуққа туфламаслик;
  - муносабатда бўлган одамлар, яқинлар билан орани узил-кесил узиб юбормаслик;
  - бошқаларни ҳурмат қилиб, ҳурмат орттиришга интилиш;
  - ўзига раво кўрганни бошқаларга ҳам раво кўриш;
  - уришганларни яраштириб қўйиш, бировларнинг ўртасига тушиб орасини бузмаслик;
  - ҳар нарсадан гумонсирамаслик, одамларга ишонтиш;
  - ноҳақ, гуноҳ ишларни қилаётганларга ёрдам бермаслик;
  - одамларни имкони борича мурса-ю мадорага келтириш;
  - бировнинг молини ўғирламаслик ва таламаслик;
  - бировга ёмонлик қилишдан аввал унинг ўрнига ўзини қўйиб кўриш;
  - жамоатчилик олдида ўзини енгил тутмаслик;
  - яхшиликка яхшилик билан жавоб бериш;
  - зайфларга, бечораларга бағрини кенг очиш;
  - ишда, танлаган йўлда қатъий бўлиш, иккиюзламалик қилмаслик;
  - илиқ сўз билан одамларнинг кўнгилни кўтариш;
  - дўстларга, яқинларга нисбатан туҳмат ва ифво қилмаслик;
  - ноўрин ваъда бермаслик, берган ваъдани бажариш;

- шафқат сўраганга шафқатсизлик қилмаслик;
  - оғир вазиятда дўстларни ташлаб кетмаслик;
  - муомалада каттани катта, кичикни кичик деб билиш;
  - ёшларни тўғри йўлга бошлаш;
  - манманликка берилмаслик, доим камтар бўлиш;
  - яхши одамларни авайлаб асраш;
  - нодон сўзлаганда ҳам ундан ўзига хулоса чиқара олиш;
  - яхши хулқни олий фазилат деб билиш;
  - тил билан дил бир бўлиши;
  - адашган кишиларга тўғри йўл кўрсатиш;
  - ғам-ташвишли кишиларга таскин бериш;
  - тижоратда ҳалол, имонли, инсофли бўлиш, ҳаромдан ҳазар қилиш;
  - олган қарзни иложи борича тезроқ қайтариш;
  - бировни алдаб текинга ишини қилдирмаслик;
- 3) *Фарзандлик бурчи ва бола тарбиясининг ахлоқий асослари:*
- ота бор жойда унинг ўрнига сўзламаслик;
  - фарзандларни яхши хулқларга, меҳнатга ўргатиш;
  - одоб-ахлоқ қоидаларини болаларга жуда ёшлигиданоқ ўргатиш;
  - ота-онага мол ўртоғи эмас, жон ўртоғи, суянчиқ бўлиш;
  - юриш-туриш, яхши муомала билан ота-онанинг соғлиғига соғлиқ, обрўсига обрў қўшиш;
  - ака-укалар бир-бирини ҳурмат қилиши, сингиллари, опаларини эъзозлаши;
  - ота-она розилигини, дуосини олишни виждоний бурч деб билиш;
  - ота-она олдида номаъқулчилик қилмаслик, ноўрин сўзламаслик;
  - ота-онанинг панду-насиҳатларига қулоқ солиш;
  - ота-онага оқпадар бўлиш кечириб бўлмайдиган гуноҳ эканини англаш;
  - ота-оналарнинг уйда ўргатган анъаналарига ҳурмат билан қараш ва уларни давом эттириш;
  - кексайган ота-онанинг елкасига юк бўлиб олмаслик;
  - отанинг дўстларини дўст тутиш, уларга ҳурмат, иззат-икром кўрсатиш;
  - онага ҳурматни энг юксак буюклик деб билиш;
  - онанинг дилини ранжитмаслик;
  - шараф тожини эмас, она ризолигини олиш;
  - онанинг аччиқ сўзларидан ҳам ширин сабоқлар олишга одатланиш;

- онадан қарздорликни етти хазина билан ҳам узиш мумкин эмаслигини билиш;
- ота-онадаги ёмон иллатлардан ўзини олиб қочиш.
- 4) *Оиладаги муносабатларнинг ахлоқий асослари:*
- ота-она фарзандларини ноўрин мақтай бермаслиги, талтайтириб тўғри йўлдан чиқармаслиги;
- ота-она оилада арзимаган ишдан жанжал чиқишига йўл қўймаслиги;
- уйга меҳмон келганда уй бекасининг бағри кенг бўлиши;
- иффат аёлнинг ҳурмати бўлишни билиш;
- аёл ҳар қандай шароитда ҳам эр, оила шарафини баланд тутиши;
- эрнинг оилада бағри кенглиги, кўча хандони, уй зиддони бўлмаслиги;
- аёл эрини алдамаслиги, ҳамма масалада у билан бамаслаҳат иш тутиши;
- аёл ишчан бўлиши, уй-рўзғор ишларини тоза, покиза юритиши;
- бўлар бўлмасга инжиқлик қилиб, эрига озор бермаслиги, қийинчиликларда эрига кўмақдош бўлиши;
- эридан сарф ҳаражатларни камроқ талаб қилиши, эри ёқтирганини ёқтириб, ёқтирмаганини ёқтирмаслиги;
- эр ва фарзандлар аёлнинг уйдаги хизматини қадрлаши, унга кўмаклашиши;
- ота-она фарзандларини ўзларининг муомаласи, аҳиллиги билан ҳам тарбиялаши;
- эр кўча севгиси деб ҳалол хотинини бадном, уйини безовта қилмаслиги;
- хотини билан иложи борича ширин муомалада бўлиши;
- хотинидан назокат ва иффатни талаб қилиши;
- хотинининг камчилиги бўлса, буни унга ётиғи билан тушунтириши, бўлар-бўлмасга жанжал чиқаравермаслиги;
- эр оила ташвишларини ўз зиммасига олиши;
- эр хотини ва болалари билан бирга ўтириб овқатланиши;
- хотин эрининг, эр хотинининг қариндошларини яқин тутиши;
- хотини қиз туғса, барака умид қилиб севиниши;
- ота қиз фарзандларига кўпроқ меҳр-шафқатли бўлиши;
- эр хотинидан асоссиз шубҳаланмаслиги;
- эр хотинига, фарзандларига қўлидан келмайдиган ишларни буюрмаслиги;
- эр хотини ва фарзандларини кичик камчиликлари учун қоймаслиги;
- қиз болани зўрлаб турмушга чиқармаслик;

- хотин эрининг уйидан бесабаб кетиб қолмаслиги;
- эр сабабсиз хотинини талоқ қилмаслиги;
- ота-она фарзандларининг бирини бошқасидан ортиқ кўрмаслиги;
- хотин эрининг уй юмушларини бажаришдан эринмаслиги;
- эр оилага бахиллик, қизғанчиқлик қилмаслиги;
- 5) *Ҳалоллик, имонлилик, инсофлиликнинг ахлоқий асослари:*
- бекор юриб вақт ўтказмаслик;
- омонатга хиёнат қилмаслик;
- нафсу-ҳавога берилмаслик;
- билимли бўла туриб гофилларнинг ишини қилмаслик;
- ҳар ишда савоб олишни ўйлаш;
- одамларни ифво қилмаслик;
- дунёдан ўтганларнинг фақат яхши томонларини ўйлаш, беморларни бориб кўриш;
- муҳтожларнинг ҳожатини чиқариш;
- тангрининг берган неъматларига шуқр қилиш;
- жаҳли чиққанда ўзини босиб туриш;
- фитна, фисқ-фасодлардан узоқ юриш;
- очик юз, яхши хулқ билан одамларнинг кўнглини олиш;
- муҳтож бўлганида ёрдамни ҳалол, имонли одамлардан сўраш;
- ҳалол меҳнат, касб билан кун кўришга одатланиш;
- садақани ҳам ҳалол пулдан бериш;
- хавф-хатари бўлса ҳам ростгўйлик йўлидан бориш;
- барчага меҳр-оқибатли бўлиш;
- кўл остидагиларга ҳимматли бўлиш;
- яхшиликка шуқр қилиш, ёмонликни кечириш;
- одамлар билан муомалада яхшиликни яширмаслик, ёмонликни оширмаслик;
- одамлар маслаҳат сўраса уларга тўғри йўл кўрсатиш;
- бахиллик қилмаслик;
- ёлғон гувоҳлик бермаслик;
- зиёфатга борганида қорни очларни кўпроқ ўйлаш;
- хайр-эҳсонни қариндошлардан бошлаш;
- ҳеч кимга таъмагирлик қилмаслик;
- ўзига хайр-эҳсон қилмаганларга ҳам хайр-эҳсон қилиш;
- одамларни ноҳақ йўлга бошламаслик;
- ҳикматга ташналик, билган ҳикматни бошқаларга ҳам ўргатиш;

- нафсини тарбиялаш, кўзи тўқ бўлиш;
- уят деб ҳисобланган ишларни ўзи ёлғиз қолганида ҳам қилмаслик;
- ишига пушаймон бўлиб узр сўраганларнинг гуноҳини кечириб;
- шошилмай, сабр-қаноат билан иш қилиш;
- одамларга тўғри, холис маслаҳат бериш;
- дўстлар билан узоқ аразлашиб юрмаслик;
- гуноҳ қилганида кетидан савобли иш қилишга ҳаракат қилиш;
- дўстликни ҳам фарзандларига мерос қилиб қолдириш;
- одамларга макр-ҳийла, хиёнат қилмаслик;
- бировнинг айбини топиб устидан кулмаслик;
- одамларнинг айбини билишга интилмаслик;
- ўзини қатта тутмаслик, кабр-ҳавога берилмаслик;
- ноҳақлик, адолатсизликларга бефарқ қарамаслик;
- оғир ишда ғайратли, шижоатли бўлиш;
- яхшиликка бошлаганларни устоз деб билиш;
- ҳар ишни бажаришга аввал оқибатини ўйлаб киришиш;
- сўзлаётган кишининг гапини бўлмай тинглаш;
- дўстларининг камчилигини ётиғи билан тушунтириш;
- бахтли одамларга ҳасад қилмаслик;
- бошга ташвиш келганида саросимага тушмаслик, ақл-идрок билан ундан чиқиш йўлини ўйлаш;
- ҳар қандай яхшиликни беминнат қилиш;
- нафс кўнгилни ёмон ишларга бошлаганида ўзини тийиш;
- кўлига тушган бировнинг молини эгасига қайтариб бериш;
- ичган қасамини оқлаш, ноўрин қасам ичмаслик;
- айбсиз кишилар ифво қилинганда бефарқ бўлмаслик;
- ўзига, бировга зулм қилдирмаслик учун ёлғонни ишлатиш;
- оралари бузилганларни яраштириб қўйиш учун ёлғон сўзлаш;
- савдо-сотикда бировнинг молини ўз молига аралаштирмаслик;
- нуқсонли, айбли молни алдаб сотмаслик;
- омонат олган нарсани ўзлаштириб олмаслик;
- етимларнинг молларига хиёнат қилмаслик;
- хизматини бажарган кишиларни инсоф билан рози қилиш;
- сув каби сероб нарсаларни бошқалардан аямаслик;
- бировнинг айбини юзига солмаслик;
- бировларнинг устидан кулмаслик;
- бировларга туҳмат ва бўхтон қилмаслик;
- бировни ота-онаси туфайли камситмаслик;
- гап ташиб чақимчилик қилмаслик;

- икки душман тараф ўртасида туриб иккиюзламачилик қилмаслик;
  - яширинча сўзлаётган кишиларнинг гапини тингламаслик;
  - бировларнинг гапини бўлиб ўз сўзини ўтказмаслик;
  - бировнинг ҳеч кимга зарари тегмайдиган сирларини элга ошкор қилмаслик;
  - садақа сўраб келган гадони жеркиб жўнатмаслик;
  - бажариш нияти бўлмаган ишларга ваъда қилмаслик;
  - золимларнинг зулмига ёрдам бермаслик;
  - бировни бекорга ва беҳудага қўрқитмаслик;
  - бировни алдаб тўғри йўлдан адаштирмаслик;
  - алдаш нияти билан одамларга нотўғри маслаҳат бермаслик;
  - фақир кишиларни фақирлиги учун хўрламаслик;
  - мансабдорларга тилёғламалик қилмаслик;
  - ҳеч кимга гуноҳ ишларни буюрмаслик, ҳеч кимни савобли ишлардан қайтармаслик;
  - дунё лаззатлари ва бойликларига меҳр қўймаслик;
  - бировларга етган офат ва зарардан суюнмаслик;
  - кишиларни кулдириш учун бировни мазах қилмаслик;
  - гуноҳли сўзлар, ғийбатли гапларни тинглаб ўтирмаслик;
  - бадавлат кишиларни ортиқча ҳурмат қилиб ўзини ерга урмаслик;
  - ўтган ишга ёлғон қасам ичмаслик;
  - ўз сўзини ўтказиш учун ҳақ сўзга қарши чиқмаслик;
  - ўзида йўқ сифатлар билан мақтанмаслик;
  - бировга яхшилиқни беминнат қилиш;
  - ҳаром ишлар қилинаётганини кўриб жим томоша қилиб турмаслик;
  - кучи, қудрати етмайдиган ишга жаҳл билан киришмаслик;
  - одамлар орасида юриб, уят ва жирканч ишларни қилмаслик;
  - улуғ кишилар сўзлашаётганида сўзларини бўлмаслик;
  - бирор ишни бировнинг жаҳлини чиқариш учун қилмаслик;
  - иш билан банд кишининг олдига кўп келмаслик ва кўп сўзламаслик;
  - дилозор бўлиб, эл-у юртни безор қилмаслик;
- б) Ватанни севиш:**
- ватанни ҳимоя қилиш учун ҳарбий хизматни ўташ;
  - ватанфурушлик, миллатфурушлик қилмаслик;
  - ватан душманлари ва хоинларига нафрат билан қараш;
  - ватан манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўйиш;
  - ватан, мамлакат рамзларини муқаддас деб билиш;
  - ватанга туҳмат қилмаслик, унинг обрўсини ҳамма ерда банд кўтариш;

- ватан тарихини билиш ва у билан фахрланиш;
- буюк ватандошларининг номини ҳурмат билан тилга олиш ва қолдирган меросини ўрганиш, қадрлаш;
- ватансизликни оғир азоб-уқубат, фожеа деб билиш;
- барча ватандошларни қадрлаш, улар билан ватан манфаатлари йўлида бирлашиш;
- ватан истиқболини билиш ва бу йўлда фидоийлик қилиш;

Юқорида саналганларнинг ҳар бирини алоҳида ахлоқ, одоб нормаси деб қараш мумкин эмас. Улар ахлоқли, одобли деб баҳоланадиган ишлар, муносабатлар, мулоқотлар, юриш-туриш, ўзини тутиш нормаларига, уларнинг конкрет шароитдаги барча кўринишларига асос бўладиган маънавий-фалсафий асослардир. Уларнинг ҳар бири инсониятнинг узоқ йиллик тажрибасини умумлаштиришдан келиб чиққан хулосалар бўлиб, уларга риоя этиш одамларнинг фаолияти, хатти-ҳаракатига ахлоқий мазмун бағишлайди.

Жамият ўзгаради, ривожланади, инсоният маънавий камолотнинг янада юқорироқ поғонасига чиқади. Лекин инсон фаолиятига мазмун ва мақсад берувчи бу қадриятлар ўзгариб, ривожланиб турса ҳам ўз моҳиятини сақлаб қолаверади. Уларнинг ҳар бири ахлоқ, одоб амалларини барча қирраларига, шакллари-га асос бўлади. Ҳар бир ота-она, мураббийлар бу қадриятларни билиши, улардан ёшларнинг ахлоқий маданияти, маънавиятини шакллантиришда фойдаланиши зарур. «Одобшунослик», «маънавият ва маърифат асослари» ва бошқа фанларни ўқитишда, барча тарбиявий ишлар тизимида ҳам ахлоқилик ва одобиликнинг юқорида санаб ўтилган мезонлари ва меъёрларини эътиборга олиш фойдадан ҳоли эмасдир.



## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
1. Соғлом авлод — жамият тараққиётининг ҳал қилувчи омили .....	6
2. Оилавий бурч ва масъулиятнинг ижтимоий, маънавий асослари .....	20
3. Оилавий муносабатлар маданиятининг диний ва миллий жиҳатлари .....	31
4. Жамоатчилик фикрининг оилавий ҳаёт ва ёшлар тарбиясига таъсири .....	40
5. Ота-она ибрати — фарзандлар зийнати .....	47
6. Севги, муҳаббатнинг маънавий илдизлари .....	55
7. Оилада ота сарбон .....	63
8. Она меҳри — маънавият булоғи .....	71
9. Фарзандлик бурчининг маънавий асослари .....	89
10. Оиладаги тарбиянинг ҳозирги долзарб муаммолари ....	102
11. Оилада фарзанд тарбиясига асос бўлган ахлоқий қадриятлар .....	120

Эркин Юсунов, Ўткир Юсунов

## Оила — маънавият булоғи

«ЎАЖБНТ» Маркази — Тошкент — 2001

Нашр учун масъул	<i>Н.Ҳалилов</i>
Таҳририят мудир	<i>М.Миркомиллов</i>
Бадий муҳаррир	<i>М.Ҳайдарова</i>
Мусахҳиҳа	<i>Ф.Темирхўжаева</i>

Босишга рухсат этилди: 20.11.2002 й. Бичими 84x108<sup>1/32</sup>.  
Офсет қоғози. Шартли босма табағи 6,8. Нашр табағи 5,9.  
Адади 1000. Буюртма 59.

Андоза нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Ўқув адабиётларини нашрга тайёрлаш» Марказида тайёрланди ва кичик босмохонасида чоп этилди.

«ЎАЖБНТ» Маркази, 700078, Тошкент,  
Мустақиллик майдони, 5.

МЧЖ «АсрМатбуот» босмохонасида чоп этилган.  
Тошкент ш. Ш-Руставелли 45



